

Хоразмнинг IX-XV асрлар шаҳарлари манбашунослиги ва тарихшунослиги.

Режа:

Кириш.

I – БОБ. Ўрта асрлар Хоразм сиёсий тарихи ва ўрта аср шаҳарларининг вужудга келиши шарт-шароитлари.

1.1. X – XV асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий тарихий жараён ва унинг Хоразм шаҳарларининг пайдо бўлишидаги ўрни.

1.2. Ўрта асрлар сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва этномаданий муносабатларида Хоразм шаҳарларининг тутган ўрни.

II – БОБ. Хоразмнинг IX-XV асрлар шаҳарлари тарихига оид ўрта асрлар манбалари ва уларнинг ўрганилиш тарихи.

2.1. Хоразм шаҳарлари тарихига оид ўрта асрлар ёзма манбалари маълумотлари.

2.2. Хоразмнинг IX-XV асрлар шаҳарларининг ўрганилиши тарихи.

Хулоса.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудини холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади”¹. Демак, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қудратини ошириш билан бир қаторда аждодларимиз тарихи ва меросини мукаммал ўрганиш орқалигина миллий ўзликни англашимиз ҳамда Ватанимизни дунёдаги юксак даражада ривожланган давлатлар сафида кўришимиз мумкин.

Буюк мақсадга эришиш йўлидаги муҳим омил - мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий ва маданий аълоқаларини яхшилаш, халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича фойдали ҳамкорликни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарали бўлишида халқимизнинг асрлар давомида тўплаган тажрибаси, ўтмишдаги халқаро алоқалар, айниқса савдо-сотик муносабатлари сабоқлари катта аҳамият касб этади. “Халқимиз тарихи ва маданияти қадимийдир, - деб кўрсатганди Президентимиз И.А.Каримов. - Бизнинг мамлакатимиз орқали, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона каби гўзал шаҳарлари орқали Буюк Ипак йўли ўтган. Бу йўл Осиё билан Европа ўртасида ишончли маданий ва савдо кўприги бўлиб хизмат қилган. Ҳозир биз шу қадимий Ипак йўлини тиклаш ва уни замонавий мазмун билан тўлдириш учун бутун куч ғайратимизни сарфляпмиз”².

Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган, узунлиги 12 минг километрдан зиёд бўлган Буюк Ипак йўли қадимдан шаклланган юксак қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда худудлараро савдо-сотик муносабатларида жуда катта ўрин тутган. Буюк Ипак йўлида жойлашган Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Пойкент, Ҳазорасп, Хива, Гурганч каби шаҳарлар халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига жуда катта ижобий таъсир кўрсатган.

Буюк Ипак йўлининг тарихини Ўзбекистоннинг ўтмиши билан боғлаб ўрганиш жараёнида Хоразм воҳаси ва унинг атрофидаги шаҳарларнинг муҳим ўрни борлигини эътироф этмоқ зарур. Хоразмнинг Гурганж (Кўхна Урганч), Хива, Кат, Ҳазорасп, Миздахқон, Шемахақалъа, Замахшар, Ардахушмисан, Шаҳарлик, Пулжой, Буғроҳон, Жанпикқалъа, Норинжон, Шўраҳон, Дарғонота, Садвар, Жигарбанд, Мадминия, Кардаронхос, Кердор каби кўхна шаҳарларидаги археологик тадқиқотлар жараёнида топилган хунармандчилик буюмлари, сапол ва чинни идишлар, тангалар савдо-сотик муносабатлари юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради. Қадимшунос олимларнинг илмий изланишлари ҳали тўлақонли ўрганилмаган ёзма манбалар ва археологик ёдгорликлар кўплигини кўратмоқда. Шу боис ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан дунё халқлари ўртасидаги алоқларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган Хоразм савдо-сотик марказлари тарихини ҳаққоний ёритиш келгусидаги халқаро муносабатларнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Қора ва Ўрта Ер денгизлари, Ҳинд океани ва Шимолдаги давлатлар билан ҳамкорлик қилиш учун йўл-транспорт қурилиши ишлари жадал давом эттирилмоқда. Мазкур улуғвор ишларни амалга ошириш жараёнида учрайдиган ютуқ ва камчиликларни теран таҳлил қилиш, малакали ишбилармонларни тарбиялаш ва уларнинг тижорат соҳасидаги қобилиятини ошириш ишлари аждодларимиз тажрибаси ва тарих сабоқларини эътиборга олишни тақозо қилади. Ўрта асрларда Хоразмда савдо муносабатларининг ривожланиши ва унинг Буюк Ипак йўли билан боғлиқ равишда юксалганлиги ўрганиш орқали халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни ўлкашуносликдан пухта

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 140-Б.

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996.-366-Б.

билим ва кўникмаларга эга қилиш зарурияти биз танлаган мавзунинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарблигини асослайди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Хоразмда савдо-сотик муносабатларининг тараққиёти уни Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқлари кесишган марказлардан бирига айланишига асос бўлган. Шарқ давлатлари иерархик тузилишидаги муайян жараёнлар кўп ҳолларда иқтисодий имкониятлар ва қарвон йўллари, савдо-сотик муносабатлари боғлиқ кечган. Хоразм шаҳарларининг тараққий қилишда савдо-сотик алоқаларининг аҳамиятини яхши тушунган географ, тарихчи ва сайёҳлар ўз асарларида бу ердаги бозорлар, қарвон йўллари, қарвонсаройлар, харид қилинадиган моллар ҳақида мавжуд маълумотларни ўз асарларида қайд қилганлар.

Хоразмдаги савдо-сотик марказлари ҳамда уларнинг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари орасидаги иқтисодий алоқалар тарихи кўпгина тадқиқотчилар меросидан ўрин эгаллаган. Улар яшаган ва ижод қилган вақтга қараб мавжуд манбаларни шартли равишда бир неча даврларга ажратиш мумкин:

1. IX-XIII аср бошларидаги (мўғул-татарлар истилосигача) араб-форс манбалари;
2. XIII-XVI асрлардаги араб-форс ва европа тилларидаги манбалар;
3. XVI-XVIII асрлардаги форс ва эски ўзбек тилидаги манбалар;
4. XIX асрлардаги рус сайёҳлари ва тадқиқотчилари маълумотлари.

Хоразмдаги савдо-сотик марказлари ва уларнинг узоқ-яқиндаги давлатлар билан алоқалари ҳақида IX-XIII асрларда яшаган араб-форс сайёҳлари, савдогар, элчи ва тарихчиларидан Ибн Руста, Ал-Яқубий, Ал-Балазурий, Ибн-Хурдодбех, Ибн-Фадлан, Ал-Мақдисий, Ал-Истаҳрий, Ал-Беруний, Ибн Хавқал, Ас-Саолибий, Ас-Самъоний, Ибн ал-Асир, Ёқут Ҳамавий, Гардизий, Байхақий асарлари ва номаълум муаллиф қаламига мансуб “Худуд ал-олам” китобида қимматли маълумотлар берилган.

XIII-XVI асрлардаги араб-форс ва Европа манбалари орасида Плато Карпини, Марко Поло, Франческо Бальдуччи Пеголетти, Антоний Женкинсон каби сайёҳлар асарлари ва айрим Европа ҳариталари (Франческо ва Доминико Пициганилар ҳаритаси, Фра-Мауро ҳаритаси, “Каталон атласи”), араб-форс ва Ўрта Осиёлик сайёҳ, тарихчи ва олимлари: Ибн Баттута, Ибн Арабшоҳ, Ҳамдуллоҳ Қазвиний, ал-Бакувий, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Абрў, Хондамир асарлари XIII-XVI асрлар Хоразм савдо шаҳарлари савдо-сотик алоқалари ва қарвон йўллари ҳақида маълумотлар берувчи қимматли манбалар сифатида ажралиб туради.

Хоразмнинг X-XVIII асрлардаги савдо-сотик муносабатлари ҳақида маълумот берувчи манбалар жумласига Абулғози Баҳодирхон, Маҳмуд ибн Вали асарлари ҳамда Эрон элчиси Ризоқулихоннинг эсдаликлари киради. IX-XV асрларда Хоразмда мавжуд бўлган савдо-сотик марказлари тўғрисидаги маълумотлар араб-форс, европа ва эски ўзбек тилидаги манбаларда бўлса-да, аммо улар воҳа шаҳарларининг хўжалик ҳаёти, ўлкада тутган мавқеи тўғрисида тўлақонли ва аниқ тасаввурларни шакллантиришга имкон бермайди.

XIX асрдан бошлаб турли мақсадларда Хива хонлигини ўрганиш учун ҳаракат қилган рус географ, этнограф, тарихчи, рассом, ҳарбий топограф ва сайёҳларидан А.В.Булгаков, Г.Базинер, Г.И.Данилевский, В.В.Григорьев, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, В.Г.Тизенгаузен, А.Л.Кун, А.Н.Самойлович, М.И.Иванин, М.Н.Галкин, Н.В.Хаников, А.И.Левшин, П.И.Небольсин, В.В.Вельяминов-Зернов, Н.С.Никитин, А.В.Каульбарс каби олим ва ўлкашунослар илмий аҳамиятга эга бўлган бир қатор нодир асарлар яратдилар. Айниқса, профессорлар В.В.Григорьев ва Н.И.Веселовский, академик В.В.Бартольд ва В.Г.Тизенгаузен асарларида X-XV асрлардаги Хоразм шаҳарларининг ҳаётини танқидий ёритишга интилиш яққол сезилиб туради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга эътиборини қаратган Европа тадқиқотчиларининг деярлик барчаси ўлка ҳаётининг муҳим қисми бўлган савдо-сотик муносабатларини четлаб ўта олмадилар. Хусусан, руслар истило қилган Туркистон ҳақида асар ёзган америкалик Мак Гахан, инглиз тадқиқотчилари Г.Ланделл, Г.Ле Стрэнж ва

голланд шарқшуноси де-Гуелар ҳам ўз асарларида Хоразмнинг савдо-сотик марказлари хақида маълумотлар берганлар.

Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш мақсадида XX асрнинг 20-30-йилларида дадил қадам қўйилди. 1928-1929 йилларда А.Ю.Якубовский раҳбарлигидаги экспедиция Кўҳна Урганч, Хўжайли шаҳри яқинидаги Гаурқалъа ва Миздахқонқалъада археологик изланишлар олиб борди³. 1934 йилда Хоразмнинг ўрта асрларда йирик савдо-сотик маркази бўлган Замахшар ҳаробаларини М.В.Воеводский бошлиқ археологик экспедиция текширди⁴. 1936-1937 йилларда Я.Ф.Фуломов раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи Гулдурсунқалъа ва Норинжонқалъа ҳаробаларини ўрганди⁵.

1937 йилда Хоразмнинг қадимги тарихи ва унинг ўрта асрлардаги савдо-сотик марказлари ҳаётини ўрганиш борасидаги изчил тадқиқотларни Хоразм археологик-этнографик экспедицияси аъзолари бошладилар. Уруш натижасида экспедиция фаолияти бироз мураккаблашган бўлса-да, тадқиқотлар давом эттирилди. Натижада ўрта асрлардаёқ Хоразмдаги шаҳарларда катта бозорлар, савдо-сотик расталари, карвонсаройлар бўлганлиги аниқланди⁶. 1947 йилда ХАЭЭ аъзолари йирик савдо-сотик марказларидан бири — Шемахақалъани ўргана бошладилар. Отряд раҳбари Н.Н.Вактурскаянинг маълумотларига қараганда, ўрта асрларда шаҳарда мавжуд бўлган хунармандчилик устaxonалари маҳсулотлари савдо-сотик муносабатларида муҳим ўрин эгаллаган⁷.

1952 йилдан бошлаб ХАЭЭ аъзолари Урганчда (Кўҳна Урганч) комплекс тадқиқотларни бошлаб юбордилар. Улар шаҳарда илгари олиб борилган текширишлар натижаларидан хабардор бўлсаларда, муғул-татарлар босқини вақтида вайрон қилинган миноралар, устaxonалар, карвонсаройлар, бозорлар каби бинолар ўринларини аниқладилар ва уларни ҳар томонлама ўргандилар. Кейинги, 1958-1961 йиллар давомида экспедицияси аъзолари Пулжой, Шаҳарлик, Буғроҳон, Мунчокли, Замахшар, Тупроққалъа, Ёрбакирқалъа ва Ҳазорасп каби савдо шаҳарларини ҳам пухта ўрганиб чиқдилар⁸. Натижада Хоразм шаҳарларининг ўрта асрлардаги ҳаётини ҳаққоний ёритиш учун янги маълумотлар аниқланди.

X-XV асрларда Хоразмда мавжуд бўлган шаҳарлардаги савдо-сотик алоқалари тарихини изчил ўрганиш ишига Ўзбекистан Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали олимлари ҳам катта хисса қўшдилар. 1958 йилда филиал таркибида "Археология" бўлимининг ташкил этилиши натижасида Орололди худудида ХАЭЭ аъзолари томонидан кўп йиллар давомида олиб борилаётган ишларнинг доирасини кенгайтди. Қорақалпоқ олимлари, асосан баҳор, ёз ва куз ойларида ишлайдиган ХАЭЭ аъзоларидан бироз мустақил равишда доимий ва кенг қамровли археологик тадқиқотлар ўткази бошладилар⁹. Уларнинг эътибори биринчи навбатда X-XV асрларда Хоразмнинг энг йирик савдо-сотик марказларидан бири бўлган — Миздахқонни ўрганишга қаратилди. 1962, 1964-1965 ва 1966 йилларда олиб борилган изланишлар натижасида Миздахқон кўп йиллар давомида

³ Якубовский А.Ю. Городище Миздахкан // "Записки коллегии востоковедов", т. V. — Л., 1930. - С. 551-591; Его же: Развалины Ургенча // ИГАИМК вып. 2, т. VI. — Л., 1930.

⁴ Voyevodsky M.A Summary Report of a Khwarizm Expedition. ВАИАА, 1938, № 3.

⁵ Gulom J. Otmush izlari // "Guliston", 1937, № 4.

⁶ Вактурская Н.Н. Раскопки городища Ургенч в 1952 г. // ТХАЭЭ, т. II. — М.: "Наука", 1958; Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1947 г. // ИАН СССР. СИФ, т. V, № 2. — М.; 1947. - С. 182-192.

⁷ Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемахакала // ТХАЭЭ, т. I. — М., 1952. - С. 173-192.

⁸ Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма // МХЭ, вып. 7. - М., 1963; Вышневецкая О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях левобережного Хорезма // МХЭ, вып. 7. — М., 1963; Воробьева М.Г., Лапиров—Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 гг. // МХЭ, вып. 6. — М., 1963.

⁹ Гудкова А.В., Ягодин В.Н. Археологические исследования в правобережной части дельты Амударьи в 1958-1959 гг // МХЭ, вып. 6. — М., 1963; Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Амударьи // МХЭ, вып. 7. — М., 1963 и др.

Хоразмнинг Гурганждан кейинги йирик савдо-сотик маркази сифатида катта аҳамиятга эга бўлганлиги илмий жиҳатдан ўз исботини топди¹⁰.

1963, 1968-1977 йиллар давомида Қорақалпоқ археологик экспедицияси аъзолари археолог Ю.П.Маньлов раҳбарлигида Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Катқалъа, Абу Муслимқалъа, Жанпикқалъа ёдгорликларини ўргандилар¹¹. Олимларнинг изланишлари натижасида бир вақтлар араб сайёҳи Ибн Баттута таъкидлаган, “ўнг қирғоқ Хоразмдан то Бухорога қадар Катдан бошқа шаҳар йўқ”, деган маълумот ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланди.

Қорақалпоқ археологларининг изланишлар доираси айниқса, XX аср 70-80-йилларида мислсиз даражада кенгайди. 1973, 1975-1981, 1981-1983, 1985-1957 йилларда Жанпикқалъада, 1973-1974 йилларда Воянганда (Ардахушмисан) 1980, 1985, 1986-1987 йилларда Миздахқонда олиб борилган археологик тадқиқотлар Хоразм савдо-сотик марказлари топографияси ва уларнинг хўжалик ҳаётинини бироз аниқлаштириш билан бир қаторда, ўз даврида мавжуд бўлган савдо-сотик алоқаларининг йўналишларини (Хоразмдан Эрон, Афғонистон, Волга бўйларига ва ҳоказо), қандай маҳсулотлар келтирилгани ва воҳадан қандай моллар қўшни давлатларга чиқарилганлигини бироз ойдинлаштиришга имкон берди¹².

XX асрнинг 30-90-йилларида Хоразмни яқин ва узоқ ўлкалар билан боғлаб турган бир қанча қарвон йўлларидаги қалъа ва истехкомларни ҳам археологик тадқиқ қилиш ишларига алоҳида эътибор берилди. 1946 йилдан ХАЭЭ аъзолари Устюртдаги қарвон йўлларидаги ўрганиш мақсадидаги изчил тадқиқотларни бошладилар. Натижада қарвон йўлларида мавжуд бўлган кўплаган минора, сардоба ҳаробалари ўрганилди ҳамда уларнинг ўзига хос белги ва хусусиятларини аниқланди. Булоқ, Қўсбулоқ, Беловли, Чурук ва Учқудуқ қарвонсаройлари ҳаробаларини ўрганган профессор С.П.Толстов уларнинг X-XI асрларда фаол ишлаб турганлиги ва ўзига хос савдо-сотик марказлари ролини ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаганди¹³. Кейинчалик, 1950 йилда Устюртда олиб борилган янги археологик ишланишлар давомида топилган ашъвий далиллар бу ердаги қарвон саройларнинг Олтин Ўрда ва Хоразм орасидаги муносабатларда ҳам муҳим ўрин тутганлиги кўрсатди¹⁴.

1964 йилда Устюртдаги полеолит даври ёдгорликларини ўрганган иқтидорли археолог Е.Бижанов бу ҳудуддаги қарвонсаройлар хоразмшоҳлар даврида қурилиб, улардан XIII—XIV асрларда ҳам жуда кенг фойдаланилганини аниқлади¹⁵. Хоразмнинг Евро-Осиё савдо муносабатлари ва Олтин Ўрда давлати иқтисодий-маданий ҳаётида тутган ўрни мавзусини ёритиш ишига археолог М.Ш.Қдирниёзов катта хисса қўшди. Унинг изланишлари натижасида Хоразмнинг XIII—XIV асрларда Буюк Ипак йўли орқали

¹⁰ Ягодин В.Н. К изучению топографии и хронологии древнего Миздахкана // В кн. История, археология и этнография Средней Азии. — М., 1968; Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. — Т.: "Фан", 1970.

¹¹ Маньлов Ю.П. К изучению городища Кят // "Вестник" ККФ АН УзССР, 1966, № 2; Маньлов Ю.П., Ходжайов Т.К. Средневековый мавзолей Джанпиккала // "Вестник" ККФ АН УзССР, 1972, № 2; Маньлов Ю.П. Археологические памятники Султануиздага эпохи античности и средневековья. Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. — Т., 1973.

¹² Мамбетуллаев М., Кдырниязов М. Городище Воянган // Археология Приаралья, вып. 1. — Т.: "Фан", 1982; Маньлов Ю.П., Кдырниязов М. Городище Джанпиккала // Археология Приаралья, вып. 2. — Т.: "Фан", 1984; Кдырниязов М. Городище Миздахкан в золотоординское время // XI НТК: тезисы докладов и сообщений. — Нукус, 1987 и др.

¹³ Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1946 г. // ИАН, т. IV. - М., 1947, № 2.

¹⁴ Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. // ТХАЭЭ, т. II. — М., 1958.

¹⁵ Бижанов Е. Археологические памятники юго-восточного Устюрта // Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. - Нукус, 1967; Бижанов Е., Лоховиц В. Устюртский караванный путь из Хорезма в Восточную Европу и Поволжье // "Вестник" ККФ АН УзССР, 1969, № 2; Бижанов Е. Юго-Восточный Устюрт. Некоторые итоги и перспективы археологического изучения // "Вестник" ККФ АН УзССР, 1970, № 3.

амалга оширилган савдо муносабатларида тутган ўрни анча салмоқли бўлганлиги илмий жиҳатдан яна бир бор исботланди¹⁶. 1975-1978, 1981 йилларда Устюртдаги карвон йўллари ва улардаги ёдгорликларни Ю.П.Манилов раҳбарлигидаги экспедиция аъзолари атрофлича ўрганишга ҳаракат қилдилар¹⁷.

1949-1953 йилларда воҳани Марв ва Хуросон билан боғловчи йўлнинг шимолий тармоғини профессор С.П.Толстов бошлиқ илмий экспедиция ўрганиб чиқди¹⁸. 1960 ва 1966 йилларда ушбу доимий ҳаракатда бўлган карвон йўли изларини Жанубий Туркман комплекс археологик экспедицияси аъзолари проф. М.Е.Массон ва Қ.Адиқов текширди. Бу йўлнинг Эрон билан боғловчи жанубий тармоғини археологлар Е.Атагарриев (1961) ва Х.Юсупов (1961, 1970, 1972), карвон йўлининг Қорақум орқали ўтган қисмини эса — Д.Дурдиев (1980) текшириб чиқдилар¹⁹.

Хоразм археологик-этнографик экспедицияси аъзолари ва Қорақалпоғистон археологлари томонидан Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган қадимги ва ўрта асрларга оид шаҳарлар, қалъа, истехком ва карвонсаройларнинг қолдиқлари нисбатан яхши ўрганилган бир вақтда воҳага келаётган савдогарлар учун таянч ролини ўйнаган сўл қирғоқдаги марказлар археологик жиҳатдан тўлақонли ўрганилмасдан қолмоқда эди. Дастлаб мазкур илмий муаммога 1939 йилда С.А.Ершов ва С.П.Толстов эътибор бердилар. Кейинчалик бу борадаги илмий изланишларга 1954 ва 1966 йилларда Жанубий Туркман комплекс археологик экспедицияси бошлиғи М.Е.Массон хомийлик қилди.

Хоразмнинг Амударё бўйларидаги савдо йўллари, бу ерда мавжуд бўлган асосий карвонсаройлар ва йирик шаҳарларнинг тарихини ўрганиш ишлари XX асрнинг 70-йилларида ХАЭЭ ва қорақалпоқ археологлари томонидан давом эттирилди. 1972-1975 йилларда Амударё қирғоқларида маршрутли ва турғун археологик тадқиқотлар олиб боришга ҳаракат қилинди ва уларнинг натижалари М.Итина томонидан ёзилган монографияда умумлаштирилди²⁰. Жанпикқалъала ёдгорлигини ҳар томонлама ўрганган ёш қорақалпоқ олими О.Т.Доспанов Хоразмдаги шаҳарларнинг ўрта асрларга хос бўлган иқтисодий-сиёсий ва савдо-сотик муносабатларини ёритишга интилган²¹.

Тадқиқотчиларнинг бир неча авлодлари биз танлаган мавзунини ёритиш учун бебаҳо маълумотларни тўплаганини миннатдорчилик ила эътироф этиш билан бир қаторда, изланувчиларнинг ҳеч бири X-XV асрларда Хоразмда мавжуд бўлган савдо-сотик

¹⁶ Кдырнязов М.Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII-XIV веках. - Нукус: "Қарақалпақстан", 1989; Городище Миздахкан в золотоординское время. - Нукус, 1987: Мастерские-винодельни золотоординского Миздахкана // "Вестник" ККО АН РУз. Нукус, 1999, № 3. - С. 101; Об аграрном характере производственной деятельности населения Миздахкана // ОНУ, 1999, № 5-6. - С. 83; О роли Хорезма в евразийской торговле XIII-XV веков // ОНУ, 2000, № 1. - С. 35-41; Кдырнязов М.-Ш., Бауатдинов Р. Новые археологические данные о средневековом Миздахкане // ОНУ, 2001, № 3. - С. 52-56 и др.

¹⁷ Манылов Ю.П. О пути Ибн Фадлана из Хорезма через плато Устюрт // СА, 1979, № 2; Его же: Археологические исследования караван-сарая Центрального Устюрта // В сб.: Археология Приаралья, вып. 1. — Т.: «Фан», 1982.

¹⁸ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. — М., 1962.

¹⁹ Адыков К.А. Средневековый торговый путь из Мерва в Серахс. Автореф. дис. ...канд. ист. наук. — Ашхабад, 1960; Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и в Мавераннахр (в пределах Туркменской ССР) // Труды ЮТАКЭ, т. 13. — Ашхабад, 1966.; Атагарриев Е. Средневековый Дехистан. — Л., 1986; Юсупов Х. Археологические работы в предгорьях Северо-Западного Копетдага между Сарыкамьшем и Кызыл-Арватом // КД, 1972, № 4; Развалины рабата Тансыкли-депе (К вопросу о трассе Южного отрезка пути Хорезм — Иран Хамдаллаха Казвини) // КД, вып. 3. — Ашхабад, 1970; Дурдыев Д. Транскаркандский торговый путь из Хорезма в Южный Туркменистан // В кн.: Новые исследования по археологии Туркменистана. — Ашхабад, 1980.

²⁰ Итина М.А. Археологические памятники на древних торговых путях вдоль берегов Амударьи // В кн.: Древности Южного Хорезма. // ТХАЭЭ, т. 14. — М., 1991.

²¹ Доспанов О.Т. О некоторых результатах раскопок Джанпиккалы в 1957-1989 гг. // В сб.: Новые открытия в Приаралье. Вып. 2. — М.: "Наука", 1991. - С. 72-92; Доспанов О.Т. Городская культура Правобережного Хорезма в эпоху средневековья (по материалам городища Джанпиккала). Автореф. дис. ...канд. ист. наук. — Нукус, 1996.

марказларининг ҳаёти, уларнинг Ўрта Шарқ ва Европа мамлакатлари ҳамда кўчманчилар дунёси билан иқтисодий муносабатларни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамиятини махсус ўрганиш ҳамда тўпланган ноёб маълумотларни изчил ва мунтазам равишда умумлаштириш вазифасини ўз олдига қўймаганлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқот предмети сифатида Хоразмнинг ўрта асрлардаги йирик савдо-сотик марказлари, уларнинг Ўрта Шарқ ва Европа давлатлари билан иқтисодий алоқалари тарихини асосан археологик ва ёзма манбалардаги маълумотларни таққослаш, аниқлаш, умумлаштириш усуллари асосида илмий ўрганиш вазифаси қўйилди. Мавзуни илмий ўрганиш асосида ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор муносабатларини шакллантириш, хорижий мамлакатлар билан фойдали иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги кенг қамровли ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан назарий ва амалий хулосаларни чиқаришга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг даврий чегаралари X-XV асрларни қамраб олади ва у Буюк Ипак йўли бўйлаб савдо ва иқтисодий алоқаларнинг энг тараққий этган даври ҳисобланади. Зеро, X-XV асрларда Хоразм савдо-сотик марказлари нафақат Маворауннаҳрда, балки Буюк Ипак йўли орқали жаҳон савдо муносабатларида ҳам катта аҳамият касб этганлиги танланган мавзуни тадқиқ этиш учун ушбу даврий чегарани белгилашни тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари сифатида Хоразм савдо-сотик марказларининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шароитларини ўрганиш, савдо-сотик муносабатларида мавжуд бўлган ўзига хос анъаналарни аниқлаш, Ўрта Шарқ ва Европа мамлакатлари ҳамда кўчманчилар дунёси билан савдо алоқаларида воҳа шаҳарларининг ўрни, ўзаро алоқаларни боғлаб туришда карвон йўллари ва карвонсаройларнинг аҳамияти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ривожлантиришда савдо-сотикнинг ўзига хос уюштирувчи тарихини тадқиқ қилиб, ҳар томонлама ҳаққоний ёритиш муаммоси қўйилади. Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги муаммоларни объектив равишда ёритишга ҳаракат қилинади:

— Хоразм савдо-сотик марказларининг вужудга келиши ва ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари етилишидаги иқтисодий ва сиёсий омилларини аниқлаш;

— Хоразм савдо-сотик марказлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш;

— Марказий Осиё ва Европа мамлакатлари билан ўрта асрларда савдо-сотик муносабатларини амалга оширишда Хоразм савдо-сотик марказларининг фаолиятини ёзма ва янги археологик маълумотлар асосида ҳаққоний ёритиш;

— Хоразмнинг Буюк Ипак йўли орқали ташкил этилган савдо муносабатларида тутган ўрни ва воҳа савдо аҳлининг жаҳон иқтисодий муносабатлари ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатиш;

— Хоразм шаҳарларидаги савдо-сотикнинг ривожини илмий таҳлил қилиш асосида Осиё ва Европа савдо-сотик марказлари фаолияти билан таққослаш ҳамда уларнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш;

— Хоразм савдогарларининг қўшни ҳудудлардаги кўчманчи-чорвадорлар ва Волга бўйлари шаҳарлари аҳолиси билан мол айрибошлаш соҳасидаги фаолиятини ўрганиш ва ҳоказо.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари, мақолалари, фундаментал асарлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз тарихини ўрганиш билан боғлиқ қарорлари, таниқли археолог, тилшунос, ўлкашунос, адабиётшунос, манбашунос, тарихчи олимларнинг асарлари ҳамда илмий тадқиқотлари хизмат қилади.

Танланган мавзунинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уни янада чуқурроқ ва батафсилроқ ёритиш мақсадида бир қатор тадқиқот усулларида фойдаланилди. Хусусан:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида мавжуд бўлган қадимги даврда ва ўрта асрларда савдо-сотик ишлари амалга оширилган шаҳарлар, қалъалар, истехкомлар,

карвонсаройлар каби тарихий ёдгорликларни ўрганиш мақсадида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари қиёсий-тахлилий усулда ўрганиб чиқилди.

2. Тадқиқотлар даврида топографик, топономик, нумизматик манбаларга кўпроқ мурожаат этилиб, уларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга ҳаракат қилинди.

3. Тадқиқотни амалга ошириш вақтида тарихий ёдгорликлардаги археологик қазув ишларида бевосита қатнашиб, тўпланган материаллардан кенгроқ фойдаланишга интилдик.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда ўрта асрлар тарихчи, сайёҳ ва географларининг Хоразм савдо-сотик марказлари тўғрисида ёзиб қолдирган маълумотлари, янги давр ва ҳозирги кунда ижод қилаётган тарихчи-олимларининг олиб борган тадқиқотлари асосида билдирган фикр-қарашлари изчил ва тугал умумлаштирилиб, илмий асосда таҳлил қилинди.

Тадқиқотда янги археологик маълумотлардан кенг фойдаланилгани ҳолда ўрганилаётган даврда Хоразмдаги савдо-сотик марказларининг вужудга келиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари чуқур таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг янгилиги яна шундаки, унда Хоразм шаҳарларидаги савдо-сотик муносабатларининг ривожига бевосита Осиё ва Европа давлатлари иқтисодий марказлари фаолияти билан қиёслаш орқали тадқиқ этилди.

Тадқиқот манбаларини араб, форс, хитой ва европалик географлар, сайёҳлар, тарихчи олимларнинг IX-XV асрларга оид илмий асарлари, хотиралари ва бошқа нодир қўлёзмалар ташкил этади. Диссертацияни ёзишда археолог олимларнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижасида тўпланган ноёб маълумотлар ва улар асосида чиқарилган хулосалар ҳисобга олинди. Қўлёзмада қайд қилинган манбалардан олинган маълумотлар муаллифнинг исми-шарифи, унинг асарининг номи ва маълумот олинган саҳифаси кўрсатиб борилди.

Тадқиқотнинг амалий-назарий аҳамияти. Тадқиқот ишида X-XV асрларда Хоразмдаги йирик шаҳарлар аҳолисининг Буюк Ипак йўли орқали дунё мамлакатларидаги савдо-сотик марказлари билан боғлиқ алоқалари натижасида инсоният тараққиётига беҳад катта ҳисса қўшганлиги илмий ва амалий жиҳатдан исботланди. Савдо алоқалари нафақат иқтисодий-сиёсий, балки маданий-маънавий тараққиёт омили бўлганлигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак Хоразм савдо-сотик марказларининг жаҳон маданияти ва илм-фани тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Диссертацияда кўтарилган муаммолар ва улардан чиқарилган хулосалар бугунги кун учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар халқимизнинг ўзлигини чуқурроқ англаш ва дунё ҳамжамияти билан фойдали ҳамкорликни кенгайтиришга ёрдам беради.

Ишнинг таркиби — кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I – БОБ. Ўрта асрлар Хоразм сиёсий тарихи ва ўрта аср шаҳарларининг вужудга келиши шарт-шароитлари.

1.1. X – XV асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий тарихий жараён ва унинг Хоразм шаҳарларининг пайдо бўлишидаги ўрни.

Шарқнинггина эмас, балки умуман инсониятнинг илк маданий ўчоқларидан бўлган Хоразм ўлкаси ўзининг бетакрор қадимий ва бой маданиятга эга. Қадим-қадимдан йирик алломалар, тарихчилар, сайёҳлар, ёзувчи ва шоирлар кўҳна ва ҳамisha навқирон Хоразмнинг тарихини ёритар эканлар, унинг ўзига хос маданияти, маънавий дунёси, жаҳон фани ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломаларнинг фаолиятини баён этиш, Хоразм халқининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида жонини тиккан, бутун жаҳонга донғи кетган қаҳрамонларни таъриф-тавсиф этиш билан бир қаторда, бу жаннатмакон заминнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, яратган моддий маданияти, шаҳару қишлоқлари, қўшни халқлар билан олиб борган савдо-сотик алоқалари ҳақида ҳам мароқ билан сўз юритадилар. Аммо бу манбалар Хоразмнинг иқтисодий тарихи, илк шаҳарлар, савдо

марказларининг вужудга келиши тарихи ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди. Фақат археологик қазилмалар ва шу қазилмалар жараёнида топилган ёдгорликлар, моддий ва маънавий маданият қолдиқлари бу ҳақда атрофлича маълумотлар бериши мумкин. Шўролар тузуми даврида, аниқроғи, 1937 йилдан то 1991 йилгача ва мустақилликдан кейин Хоразм ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар, бу ҳудуд жуда қадимдан иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган, ўз ҳажми, ишланиш санъати билан кишини хайратга солувчи шаҳарлар, қалъалар, саройлар, суғориш ва бошқа иншоотларга эга бўлганлигини кўрсатади. Тўғри, тарихнинг баъзи даврларида инкирозлар, турғунликлар, фалокат ва вайроналар, босқинлар даврлари ҳам бўлиб турган. Аммо Хоразм бу инкирозлардан тезда кутулиб, яна илгаригидек ривожланаверган. Бунинг сабаби фақат унинг қулай табиий-географик ҳудудда жойлашганлигида, десак хато қилган бўламиз. Қолаверса, Хоразм воҳасини табиий-географик жиҳатдан ўрганганимизда, у бу жиҳатдан Зарафшон, Қашқадарё, Тошкент воҳалари ва Фарғона водийси каби унчалик қулайликларга эга эмаслигини кузатамиз. Шундай экан, Хоразм иқтисодий тараққиётининг негизида, энг аввало, Хоразмликларнинг юксак ақлий заковатга асосланган меҳнат фаолияти ётади. Хоразмликларнинг бундай юксак фазилатлар эгаси эканликларини, бу ҳудудда қайси даврда бўлмасин, барча давр сайёҳлари, олимлар ва шоирлари тан олганлар. Хуллас, Хоразмнинг X-XV асрлардаги савдо шаҳарлари ва уларнинг жаҳон савдо алоқаларида тутган ўрни ҳақида гапиришдан олдин, албатта, Хоразм савдо марказларининг пайдо бўлиши ва шу даврлардаги сиёсий-тарихий жараён тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Машҳур археолог ва этнограф С.П.Толстов асарларида Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари тараққиёти хусусида қатъий концепция яратилган бўлиб, уларда тараққиётининг барча муҳим жиҳатларини ўз ичига олган кенг қиррали ва муаммоли масалалар кўтариб чиқилган эди²². Бунинг устига бу тадқиқотлар, кўпинча, археологик материалларга асосланиб, шаҳарларнинг тарх тузилиши жиҳатидан ёндашган ҳолда олиб борилгани учун нафақат Хоразм, балки бутун Марказий Осиё шаҳарларининг келиб чиқиши ва тараққиёти учун хос бўлган жиҳат сифатида қаралди. Аммо кейинги ўн йилликларда Марказий Осиё ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида тўпланган кўпдан-кўп материаллар бу муаммони яна қайтадан янгича ёндашган ҳолда ҳамда энди янада чуқурроқ ўрганиб чиқишга ундади. Бунинг натижаси ўлароқ, бир қанча умумлаштирувчи асарлар (В.М.Массон, А.М.Беленицкий, О.Г.Большаков, И.Б.Бентович ва бошқаларнинг ишлари)²³ ва айрим қадимий шаҳарлар тарихига бағишланган монографиялар (Г.А.Пугаченкова ва бошқаларнинг ишлари)²⁴ дунёга келди. Бу тадқиқотлар натижасида, шунингдек, адабиётда мавжуд бўлган Хоразм шаҳарлари ривожланишининг бир қатор муаммолари бўйича фаразларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, бу шаҳарларни ўрганишнинг айрим натижаларини бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолаш имконияти пайдо бўлди. Бунга қўшимча равишда бу шаҳарлар ҳақидаги олдиндан мавжуд бўлган маълумотларга кейинги йилларда қизиқарли маълумотлар ҳам қўшилди. Бу маълумотлар ўрта аср шаҳарлари – Ардахушмитан, Хива, Садвар ва Жагирбент, шунингдек, антик Тупроққалъада ўтказилган казиш ишлари натижасида олинди, бу ҳақда матбуотда аллақачон хабарлар берилди. Шуни қайд қилиш лозимки, мазкур диссертациянинг мавзуси Хоразм шаҳарларини ўрганиш натижаларининг

²² Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 102-103; 128-131; 166-172; 253-255; 300-301-бетлар. Яна бу ҳақда қаранг: Древний Хорезм. -М., 1948, с.270-275; 283.

²³ Массон В.М. Проблема древнего города и археологические памятники Северной Бактрии. -Древняя Бактрия. -Л., 1974; Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. -Л., 1973.; Большаков О.Г. Некоторые вопросы изучения среднеазиатского города VIII-XII вв. В свете общей проблематики истории городов Востока. //КСИА, 1970, вып.122.

²⁴ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. -Т, 1958; Пугаченкова Г.А. Пути развития архитектуры Южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма. -М., 1952; Мухаммеджанов А.Р., Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Д.К., Семенов Г.Л. Городище Пайкенд (к проблеме изучения средневекового города Средней Азии). -Т., 1988.

тўлиқ шарҳи эмас (тадқиқотнинг ҳажми чекланганлиги ҳисобга олинса, бу мумкин эмас), балки Хоразм савдо шаҳарларининг вужудга келиш йўллари ва уларнинг типологик структурасига тегишли бўлган тарихий топографияга доир масалалардир. Бу ҳол, биринчи навбатда, шу билан изоҳланадики, ёзма манбаларда тўлиқ маълумотлар ва обидаларнинг катта очик майдонлари йўқлиги сабабли урбанистик жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни соҳасига доир бўлган ҳар қандай "чиқиш" у ёки бу даражада тахминийдир. Бундай ҳолларда, маълумки, ҳатто археологик ёдгорликларнинг типологик таснифи, уларнинг ичидан у ёки бу ёдгорликни шаҳар-қўрғонга қиёслаш шартли характерга эга бўлади. Шунингдек, шаҳарлар ривожланишининг кўпгина муҳим масалаларини ўрганишда тарихий топография ажойиб манба сифатида хизмат қилиши аввалдан маълум бўлган ҳақиқатдир. Хоразм археологик-этнографик экспедицияси (С.П.Толстов бошчилигида), мамлакатнинг ирригация тармоқлари динамикасини ўрганган Б.В.Андрианов ва Е.Е.Неразикнинг "Хоразмдаги қишлоқ уйлари (I-XIV асрлар)"²⁵ мавзуси бўйича олиб борган ишлари материаллари мазкур тадқиқот учун асос бўлди.

Археология ва ёзма манбаларнинг маълумотларига кўра, Хоразм ҳудудида шаҳарлар деб қабул қилинган жами 64 дан кам бўлмаган археологик ёдгорликлар қайд қилинган (бу ерда милоддан аввалги IV асрдан милоднинг XIV асригача бўлган давр назарда тутилган). Аммо улардан фақат 32 таси ҳақида озми-кўпми маълумот бор, шунингдек, бу шаҳарларнинг 20 тасида унчалик катта бўлмаган ҳажмдаги стационар ишлар олиб борилган. Булар асосан, мамлакат чеккасидаги ёдгорликлардир. Афсуски, марказий Амударё бўйи районларидаги муҳим шаҳарлар кам ўрганилган; ўрта аср географлари санаб ўтган 24 шаҳардан фақат 20 таси бу муаллифларнинг ёзиб қолдирган қисқача маълумотлари туфайлигина маълумдир. Мазкур ҳудуднинг қадимий шаҳарлари кейинги кўп асрлик қатламлар остида яшириниб қолган.

Хоразм шаҳарларининг кўпчилиги катта карвон йўлларида жойлашган бўлиб, бу йўллар Жанубдан, Хуросондан, Журжон ва Мовароуннаҳрдан мамлакатнинг Амударё ўнг ва сўл қирғоқларидаги марказий минтақалари орқали ўтган. Шаҳарларнинг бир қисми мамлакат чеккасида, минтақанинг зироатчилик билан шуғулланувчи аҳолиси ва даштлардаги кўчманчилар ўзаро муносабатларга кирадиган ҳудудда вужудга келган. Хоразм урбанизациясининг уч ҳудудини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- 1) Марказий Амударё бўйи районлари, бу ердаги археологик тадқиқотлар бир жойда кўп асрлар мобайнида мавжуд бўлган аҳоли пунктларининг кўпроқ даражада ўтrockлашганини кўрсатади;
- 2) Амударёнинг қуйи оқими – бу ерда шаҳар типидagi манзилгоҳлар анча кейин, VII-IX асрлардан сўнг пайдо бўлиб, XII-XIII аср бошларида гуллаб-яшнаган;
- 3) мамлакатнинг шимоли-ғарбий ва ғарбий чеккалари, Шимолий Давдон ва Дарёлик оралиғи, бу ерда айрим шаҳарлар турли вақтда мавжуд бўлган, лекин уларнинг гуллаб-яшнаши XIII аср охири - XIV асрга, яъни бу ра-йонларнинг Жўжи улуси таркибига кирган даврига тўғри келади. Ўша пайтда бу ерда шаҳар типидagi янги савдо-ҳунармандчилик манзилгоҳлари пайдо бўлган ёки эски манзилгоҳлар кўп даражада кенгайган²⁶.

Кейинги иккита ҳудуд ҳам марказий минтақага қараганда зироатчилар ва чорвадорларнинг жипслашуви юқори даражада бўлган, аҳолининг этник жиҳатдан хилма-хил бўлган ҳудудлардир. Афтидан, Сирдарё бўйларидаги элатларга қариндош бўлган аҳоли Амударё дельтасидаги шаҳарларнинг ташкил топишида катта роль ўйнаган бўлиши мумкин. Худди шу Сирдарё алоқалари Шимолий Давдон ва Дарёлик ирмоқлари

²⁵ Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья (В связи с возникновения и развития орошаемого земледелия). -М., 1969.; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). Из истории жилища и семьи. Археолого-этнографические очерки. //ТХАЭЭ, т.9. - М., 1976.

²⁶ Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма. //В кн.; Культура и искусство древнего Хорезма. -М; «Наука»,1981, с.220.

оралиғидаги аҳолининг маданиятида кўзга ташланади. Бу ирмоқлар оралиғида келиб чиқиши ўғуз-кипчоқ бўлган, Сирдарё бўйидаги районлардан борган аҳоли ҳам кўпчиликти ташкил қилган²⁷. Бу ердаги ўрта асрларда пайдо бўлган шаҳар типидagi манзилгоҳлар ўзларининг алоҳида хусусиятларига эга. Шундай қилиб, Хоразм шаҳарларининг жойлашув тартиби кўпчилик олимларнинг савдо, жумладан, карвон йўлларидаги савдо Шарқ шаҳарларининг ривожланишида жуда катта роль ўйнаганлиги ҳақидаги фикрларини яна бир бор тасдиқлайди. Милоддан аввалги IV-III асрлардаёқ мамлакатнинг асосий савдо йўлларида қандайдир аҳоли пунктлари мавжуд эди. Садвардаги, айниқса, Жагирбентдаги қазил ишлари бу шаҳарларнинг тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар берди. Жагирбент асосида икки қатор деворга, ўқ отиш йўлагига ва очик турдаги минораларга эга бўлган унча катта бўлмаган, мустаҳкамланган иншоот жойлашган эди²⁸. Бу иншоот қурилиш услуби бўйича мамлакат чеккасида турган ва худди шундай тепаликларда жойлашган Қалъалиқир II, Кичик Қирққиз, Бурлиқалъа ва бошқа иншоотларга жуда яқин туради. Бу шаҳарларга майдони нисбатан анча катта бўлган қадимги Шоҳсанам қалъаси ҳам услуб жиҳатидан ўхшаш. Бу даврдаги шаҳарларнинг бошқа турдагиси текисликка қурилган, тўғри тўртбурчак шаклига эга бўлган қалъалар эди. Бу турдаги қалъалар ичида энг йирикларидан бири Ҳазорасп қалъаси эди (10,2 га). Шундай қилиб, мана шу даврдаёқ ўзига хос, тўлиқ режалаштирилган, муҳофаага хос қурилиш услублари аниқ кўзга ташланади. Бу ҳол мамлакат тарихининг кейинги кушон даврига ҳам хос бўлиб, бу нарса, афтидан, давлатнинг шаҳар қурилишида катта роль ўйнаганлигидан далолат беради. Шунини қайд қилиш лозимки, Хоразмнинг барча кўп қатламли шаҳарларида аниқланган энг қадимий қатлам ҳозирча қанғ (қанғюй) қатлами (милоддан аввалги IV-III асрлар) деб ҳисобланса ҳам, лекин ҳозирги кунгача бу даврда мамлакатнинг пойтахти қаерда эканлиги маълум эмас. У ерда ҳозирча архаик қатлам топилган эмас, ва, шундай қилиб, ўша давр (мил.авв. VI-V асрлар) манзилгоҳлари фақатгина мамлакат чеккасида маълум. Хоразмнинг энг қадимги манзилгоҳларининг бундай географик жойлашуви тасодифми ёки тасодиф эмасми, буни кўп қатламли шаҳар манзилгоҳларидаги кейинги тадқиқотлар кўрсатиб беради. Лекин бу тадқиқотларни ўтказиш катта қийинчиликлар билан боғлиқ, айниқса, грунт сувларининг юқорида жойлашуви ҳозиргача пастки қатламларга етиб боришга уринишларни муваффақиятсизликка олиб бормоқда.

Хоразмдаги археологик-топографик ишлар маҳаллий шаҳарларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мавжуд тасаввурларни янги маълумотлар билан бойитди. Хоразмдаги қадимий шаҳар марказлари ҳақида ёзишга тўғри келган экан, бу ерда биз Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарлари тўғрисидаги тафсилотларни умумлаштирган ҳолда, бу саволга жуда қисқача тўхталиб ўтиш жоиздир. Тадқиқотчи олимлар Хоразм шаҳарларининг қуйидаги алоҳида хусусиятларини ажратиб кўрсатадилар: аниқ кўзга ташланадиган хунармандчилик даҳаларининг йўқлиги; қалъа-қўрғонларнинг камлиги ёки йўқлиги; шаҳар атрофи манзилгоҳларининг йўқлиги; мураккаб дарвозаолди иншоотларининг ўзига хослиги.²⁹ Бу фикрлар ҳарбий-маъмурий пунктлар ёки давлат чегара қалъалари ёнида вужудга келган, ҳали ҳақиқий шаҳар марказлари эмас, балки уларнинг илк кўриниши бўлган чекка шаҳарларни тадқиқ қилиш асосида юзага келди. Шунинг учун, масалан, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларидаги катта хунармандчилик даҳалари Хоразм шаҳарларида бўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Бу хунармандчилик ишлаб чиқариши (кўпроқ кулолчилик) уларнинг округида, радиуси 3-4 км бўлган масофада, сув манбалари ёнида мавжуд бўлган (масалан, Жонбосқалъа худудида). Агарда Хоразмнинг йирик антик шаҳарлари маълум бўлса эди, уларнинг қандайдир муҳим хусусиятлари ҳақида умуман гапириб ўтирмаса ҳам бўлар эди, деб ҳисоблашга жуда кўп асос бор. Ҳазораспдаги

²⁷ Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). с.202-203.

²⁸ Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма. с.221.

²⁹ Пугаченкова Г.А. Пути развития архитектуры Южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма. с.58.

хаттоки унча катта бўлмаган қазув ишлари пайтида ҳам, шаҳар деворлари ичида милоддан аввалги IV асрга тегишли бўлган кулолчилик устахонасининг қолдиқлари топилган.³⁰ Бу устахонанинг ўлчами ва мавжуд бўлиш шароити маълум бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, Хоразмнинг антик шаҳарларида хунармандчилик даҳаларининг бор ёки йўқлиги ҳақида гапиришга ҳали эрта. Лекин шаҳар атрофи манзилгоҳлари бўлган, деб тўлиқ ишонч билан таъкидлаш мумкин. Я.Ф.Ғуломовнинг аввал бошдаёқ таъкидлаганидек, Хоразмнинг бутун тарихи мобайнида бу ердаги қалъаларнинг ажралиб турувчи хусусияти уларнинг ёнида очиқ манзилгоҳларнинг мавжуд бўлганлигидир³¹. Бундай манзилгоҳлар Гулдурсун, Оқча-туман, Қўҳна-Уаз, Тупроққалъа ва ҳоказоларнинг ёнида мавжудлиги қайд қилинган. Бундан ташқари, археологик-топографик тадқиқотлар натижаси ўлароқ, каналлар ёқалаб чўзилган антик Хоразм деҳқончилик мавзеларининг бир текис системаси яққол кўзга ташланади. Ҳар бир мавзе ичида битта йирикроқ марказ ва бир қанча майда марказлар ажралиб турган. Тузилиш жиҳатдан бу тизимни Месопотамия ва қадимги Бактриянинг воҳа-номлари билан қиёслаш мумкин, аммо В.М.Массон ёзганидек, агар Бактрияда қишлоқ манзилгоҳлари қалъа девори, миноралари, қўрғони бўлган кичкина шаҳарни эслатса³², Хоразмдаги ҳар бир воҳада эса мустаҳкамланмаган, майда қишлоқ қурилмалари орасида мустаҳкамланган, ихчам шаҳарлар ёки шаҳар типидagi манзилгоҳлар кескин ажралиб турган. Шундай қилиб, мана шу даврдаёқ Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида қишлоқ жойлашувидаги фарқлар кўзга ташлана бошлади, ўрта асрларда эса бу фарқ яққол намоён бўлади. Бош шаҳар марказининг аниқ ажралиб турувчи бу тузилиш тартиби ўрта аср Хоразм воҳаларида ҳам мавжуд эди. Шаҳарнинг ўз алоҳида канали билан мустаҳкам алоқаси шаҳарларнинг номларида ўз аксини топган: Ҳазорасп ва Ҳазорасп канали, Мадра ва Мадра қишлоғи ва ҳоказо. Бир қанча Хоразм шаҳарларининг номларида "булоқ", "манба", "канал" маъноларини англатувчи кан/хан қўшимчалари учрайди (Миздахқон, Вайхан). Ал-Истахрий алоҳида таъкидлаб ўтадики: "Кердер ва асосий шаҳар орасидаги ҳар бир қишлоқда Жайхундан оқиб келувчи ўз канали бор, умуман бу каналларнинг барчаси Жайхундан сув олади"³³.

Хоразм воҳасини тадқиқ қилиш натижасида Хоразм шаҳари ва унинг қишлоқ атрофи ўртасидаги ўзаро муносабат муаммосига тааллуқли қизиқарли маълумотлар тўпланган бўлса ҳам, бу муаммо кўп қиррали ва ҳозирча тўлиқ ҳал қилинмаган. Бу материаллар ҳаммадан кўра кўпроқ шуни кўрсатадики, С.П.Толстов феодалларнинг қўрғони атрофида ўрта аср шаҳарларининг вужудга келиши уларнинг ривожланишида ўзига хос йўллардан бири, деб ҳисоблаганида, шубҳасиз, ҳақ эди³⁴. Яна шуни айтиш лозимки (бу ҳақда О.Г.Большаков ҳақли равишда таъкидлаб ўтган³⁵), С.П.Толстов бу ҳодисанинг микёсини анча ошириб баҳо берган. Бундан ташқари, Хоразм тарихининг янада қадимий даврларида бўлганидек, шаҳарлар давлатнинг чегара қалъалари олдида ташкил топди (масалан, ёзма манбалардаги Пулжой ва Гит). Эски шаҳар марказларининг ўсиши ҳисобига бўлган ривожланиш бундан ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бироқ ҳозирча бу эски марказлар, масалан, қадимги Садвар ва Жағирбент, Хива, Миздахқон ва бошқа шаҳарлар қандай шаҳар эканлиги маълум эмаслиги туфайли, О.Г.Большаковнинг: "Бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби, Хоразмда ҳам VII-XII асрларда шаҳарлар ривожланиши янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши йўли билан эмас, балки эски шаҳарлар ҳисобига бўлган"³⁶, -деб билдирган фикри бизнингча, унчалик тўғри эмас. Янги

³⁰ Воробьева М.Г., Лапиро-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Раскопки Хазараспа в 1958-61 гг. //МХЭ., Вып.6. -М., 1963. с.168-171.

³¹ Ғуломов Я.Ф. Қадимий Хоразмнинг суғорилиш тарихи.83, 85, 88, 91-92, 93-95 бетлар.

³² Массон В.М. Проблема древнего города и археологические памятники Северной Бактрии. -Древняя Бактрия. -Л., 1974, с.9.

³³ МИТТ. т.1. -М. -Л., 1939, с.179.

³⁴ Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. с.240-241.

³⁵ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии, -Л.: «Наука». 1973, с.171.

³⁶ Ўша жойда. 176-бет.

археологик-топографик маълумотлар ўрта асрлар Хоразм шаҳарлари тўғрисидаги мавжуд тавсифларга аниқлик киритади. Масалан, О.Г.Большаков шундай деб ёзади: "XI-XII асрларда воҳа чегараларида қалъаларнинг жадал суръатда қурилиши ва янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши археология нуқтаи назаридан қайд қилинган. Бунинг устига янги шаҳарларнинг майдони жуда кичик. Бу шаҳарлар ичида (Гулдурсун, Қаватқалъа, Даудонқалъа, Жанпикқалъа) фақат Гулдурсун шаҳар деб аталишга лойиқ, бошқалари эса қалъалардир. Янгишаҳар деб аталаётган Шаҳарлик манзили 15 гектар майдонга эга ва истехкомлари йўқ, Ёрбакирқалъа антик манзилгоҳ ҳудудидаги майда шаҳарча (4,8 га)"³⁷. Мавзунинг чекланган ҳажми бу пунктларнинг ҳар бирининг топографиясига батафсил тўхталиб ўтиш имкониятини бермайди. Фақат шуни кўрсатиш лозимки, Ёрбакирқалъадек шаҳарлар ўрта асрда қадимий тўртбурчак қалъа деворлари ичида қолгани йўқ, балки қалъа деворларидан анча узоққа чўзилган. Бундай шаҳарлар атрофини камида 1-1,5 км лик анча зич иморатлар алебастр ва плиталар билан безалган эди. Хоразмшоҳлар даврида шаҳарлар ўсишини бу ердаги йирик бино (афтидан, карвонсарой бўлса керак) мисолида кўриш мумкин³⁸, лекин у, айниқса, Олтин Ўрда даврида жадал ўсиб борди.

Қаватқалъа ва Дауданқалъа ҳақида гапириладиган бўлса (дарвоқе, бу қалъалар ташқи деворнинг умумий чизмаси ва ҳатто ўлчамлари билан бир-бирига ҳайрон қоларли даражада яқин), уларни тадқиқ қилиш ҳали олдинда, аммо бу иншоотларнинг тарихини улар атрофининг тарихидан алоҳида кўриб чиқиш мумкин эмас. Бу қалъалар қишлоқларнинг дастлабки қишлоқ маркази билан қўшилиб, шаҳарлар вужудга келганлигига мисол бўла олади. Бундай шаҳарлар (Ургут, Жиззах) ҳақида О.А.Сухарева ҳам ёзади³⁹. Шаҳарларнинг шунга ўхшаган ҳолда вужудга келиши ҳақида Ёқут асарларига таянган ҳолда В.В.Бартольд ҳам эслатиб ўтади: Панж воҳасида асосий йирик манзилгоҳ Панжа, XIII асрда бир шаҳарга бирлашган бешта қишлоқдан иборат бўлганки, илгариги қишлоқлар энди кварталларга айланиб қолганлар, бунинг устига шаҳар, В.В.Бартольд фикрича, воҳанинг ҳамма қисмини эгалламаган эди⁴⁰. Хоразм шаҳарларини тадқиқ қилишда, бундан ташқари, маҳаллий топонимлар ҳам жуда қимматли манба бўлиши мумкинки, уларнинг моҳиятини очишга бу соҳа тарихчилари ҳали, умуман, эътибор бермаганлар. Албатта, бунинг учун жуда чуқур лингвистик малака зарур. Айниқса, бу соҳада машҳур лингвист В.А.Лившиц кўп ишлар қилганки, куйида келтирилган кўпгина жумлалар ва уларнинг маънолари унга тегишлидир.

Ҳали илгаритданок қайд қилиб ўтилган эдики, Хоразм шаҳарларининг кўпчилигининг номлари ҳам уларнинг кўп қадимги эканлигидан далолат беради⁴¹.

Бир қатор номлар "уй", "яшаш жойи", "шаҳар", "манзилгоҳ" маъноларини англатувчи ўзақдан ташкил топган, масалан, таевана (митана) – Ардахуш-митан, Хуш-митан, Рахуш-митан ёки "Кат", "Кас" – шарқий эрон тилидаги "шаҳар"; маълумки, Хоразм аҳолиси ўз қадимги пойтахтини шундай аташган; В.И.Абаев кўрсатиб ўтадики, "Авесто"даги kata ("ертўла", "ер ости сағанаси"), пахлавий тилидаги katak, форсчадаги kada, kad – "уй", "шаҳар", сўғдчадаги kt ' k, kty ' k – "уй" сўзларини эрон тилларида яхши маълум бўлган ва "қазимоқ", "кавламоқ" ҳамда "кўймоқ" маъноларини билдирувчи kan феълидан ажратиб қарамоқ ярамайди. Шунда kata, kanta – бу девор билан ўралган манзилгоҳ, яъни, мустаҳкамланган манзилгоҳ маъносини билдиради⁴². Балки бошқа Хоразм шаҳарлари номларида ҳам уларнинг мустаҳкамланган манзиллар бўлганлиги тўғрисидаги қарашлар ўз ифодасини топган бўлиши ҳам мумкин (масалан, Садвар, Нузвар). Бу сўзларнинг иккинчи қисми, - вар, В.А.Лившиц фикрига кўра, "девор", "қалъа-

³⁷ Ўша жойда. 176-бет.

³⁸ Вишневская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях Левобережного Хорезма. //МХЭ. Вып.7. –М., 1963, с.68-72.

³⁹ Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. –М., 1976, с.318.

⁴⁰ Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. -Сочинения. Т.3. –М., 1965, с.144-145.

⁴¹ Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма. –М., с.224.

⁴² Неразик Е.Е. К проблеме развития городов. с.224.

кўрғон" каби тушунилиши мумкинки, у яна Хоразм матнларида бу термин ҳали учратилмаганлигини ҳам кўрсатиб ўтади. Бундай мушоҳаданинг мумкинлигини ҳисобдан чиқармасак, унда у Хоразм номининг М.Н.Боголюбов таржимасига осон боғланади (huwagazam, қадимги форс. huwagazmi, "Авесто"даги хвайризам) – "чорва учун яхши мустаҳкам кўрғони бўлган мамлакат", "мустаҳкамланган манзилгоҳлари бор ер", "яхши варлари бор мамлакат"⁴³.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Садвардаги қазув ишлари, унинг ўрта асрлар шаҳари асосида ётган қалъанинг жуда қадимий эканлигини кўрсатди; Нузвар жойлашган худуд ҳали номаълумлигича қолмоқда.

Шундай қилиб, Хоразм шаҳарлари номлари мазмунининг ичига кириб бориш йўлидаги энг дастлабки уринишлар қуйидагиларга олиб келди: қадимги Хоразм топонимларида энг аввало мамлакат аҳолиси ҳаёти учун сув манбалари ва қалъаларининг энг муҳим аҳамияти ўз аксини топган. Яна қадимги Хоразмда "кат" терминининг тарқалганлигига ҳам эътибор қаратиш лозим: бу ҳам пойтахт, ҳам "мурдалар уйи", ҳам Г.П.Снесарев эътибор берган ва ўрганган ҳамда фақат Хоразмда катта оила ертўла қурилишларида қайд қилинган ўзига хос кулбалардаги бўлмалари, шунингдек, бу яна ёғоч каравот "тахт"⁴⁴, ниҳоят, бу даштдаги ўраб олинган кенглик (ичида ҳеч нима бўлмаган тақдирда ҳам) маъноларида келади⁴⁵. Бу мавзу хоразмликлар дунёқарашини тушуниб олиш мумкин бўлган махсус тадқиқот учун муҳим мавзу бўлган бўлар эди. Айнан Хоразм шаҳарлари тарихи учун унинг бошқа қисми ҳам муҳим аҳамиятга эгаки, бу "жуфт" номларнинг мавжудлигидир. Яъни Хива-Ардахива, Хушмитан-Ардахушмитан, Кардор-Кардоронхос, Журжония-Кичик Журжония. Бу маълумот шу ҳақда тушунча берадики, Шарқнинг бошқа худудларидаги каби Хоразмда ҳам, бир шаҳардан яна бир шаҳарнинг "сачраб чиқиши", эски шаҳардан кўчиб келганларнинг янги шаҳарлар барпо этганликлари ҳодисалари кузатилади. Айрим вақтларда бу шаҳарлар дарёнинг турли тарафларида ётганлар. Айниқса, бу жараён қадимги пойтахт – Кат худудида фаол давом этган.

Ал-Мақдисий кўрсатиб ўтган йўлдаги манзиллар номларининг санаб ўтилишидаги давомийликка эътиборимизни қаратамиз ("дарёнинг Миздахқон томон торайиб кетган жойдан"). Унда иккита работ; Мош ва Сандадан сўнг Боқирғон, Шўрохон, Кат, Хос, Нузкат, Вайхон, Нукфаг, Миздахқон ва шу каби шаҳарлар мавжудлигини кўрамыз.

Бошқа йўл тасвирида, Катдан олиб борувчи йўлда, Гардман, Вайхон, Ардахива, Нукбоғ эслатилади⁴⁶. Агар Амударё чап қирғоғининг Хива ва Кат оралиғидаги йўл қисмида, Катдан бир неча манзил кейин яна Кардаронхос ва Дасканонхос шаҳарлари бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, айтарлик катта бўлмаган худудда кўпгина "хос"лар мавжуд бўлганлигини кўрамыз (бундай ҳолатда "хос" сўзи В.А.Лившиц фикрича, "манзилгоҳ", "яшаш жойи" маъносини билдириб, балки сўғдчадаги kand-kat-kav – шаҳар термини билан ҳам этимологик жиҳатдан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин). Яна шу ўринда Нузкат – "янги шаҳар", Нукбоғ – "янги майдон", "янги боғ", Гардман – "жаннатмакон жой" каби шаҳарлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Бир қатор бошқа шаҳарлар эса – Вайхон, Шўрохон – ўзига "хон" негизини қўшиб олган (кўрсатиб ўтилганидек, "манба", "канал", "арик" маъноларини билдириб, мамлакат тараққиётининг негизини ташкил қилган) бўлиб, шаҳар ва канал ўзаро боғлиқлиги турли хил ва жуда муҳим ҳолатда ўз аксини топган⁴⁷.

Айниқса, юқоридаги эслатилган шаҳарлар номига қўшилган "хос" термини хусусида кенгроқ тўхталиб ўтиш жоиз. Ўзбекларнинг Хоразм вилоятида ўрнашини ўрганган Г.П.Снесарев таъкидлаганидек, Жанубий Хоразм топонимикасида бу термин

⁴³ Боголюбов М.Н. Древнеперсидские этимологии. -Древний мир. –М., 1962, с.368-370.

⁴⁴ Снесарев Г.П. Большесемейные захоронения у оседлого населения Левобережного Хорезма. //КСИЭ. Вып.33, 1960, с.60-71.

⁴⁵ Бартольд В.В. Туркестан при исламе. -Сочинения. Т.2. Ч.1. –М., 1963, с.209.

⁴⁶ МИТТ, т.1, с.206.

⁴⁷ Нерзик Б.Б. К проблеме развитие городов Хорезма. с.225.

жуда кўп учрайдики, XIX аср охири – XX аср бошларидаги картанинг тушунтириш ёзувларида ўз ифодасини топган. Бу ерда: Наухос, Пирнаухос, Зенонхос, Найзахос, Чорхос ва бошқа шундай номдаги қишлоқлар бир-бирига уланиб кетган⁴⁸. Аммо бу ҳозирги кундаги қишлоқ номлари, қадимги Хоразм термини «хос»-«кос»га тааллуқли дейиш қийин, агар «хос»-«кос» ни маъно жиҳатдан ўзгартирадиган бўлсак, унда бу кичик қишлоқларни аҳоли шаҳар деб атаган бўларди. Агар уларни арабчадаги «хос» "шахсий", "хусусий" маъноларидан келиб чиқиб тушунтирадиган бўлсак, бу қишлоқлар географияси, хусусий ер эгаликлари – мулкларнинг жойлашиши нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотиши мумкин. Маълумки, айнан шу ерлар (Гиршфельд, Галкин ва Г.И.Данилевскийлар фикрига кўра) ана шундай ер мулклари турларининг тўпланишига олиб келган⁴⁹. Албатта, "хос"ларни, ўрта аср географлари эслатиб ўтган ва, маълумки, араб термини – "хосс" – "хосса"⁵⁰ билан ифодаланган ҳукмдорнинг ўз хусусий мулки билан боғлаш нотўғри бўларди ҳамда пойтахт Кат яқинида "хос"ларнинг вужудга келишини бундай ҳолатда шаҳарларнинг ҳукмдорлар ерларида қурилишида – шаҳарлар вужудга келишининг кенг тарқалган йўли билан боғлиқ ҳолатда тушунтириш мумкин⁵¹. Аммо бундай талқин лингвистик тарафдан катта қийинчилик билан қабул қилинади. Ва ниҳоят, Жигарбанд ва Жит ("ўтиш жойи" – "банд", "банд"; "ўтиш", "ўтиш жойи" – "жит") каби шаҳарлар номларининг шаҳар жойлашган ўрни географик хусусиятларини кўрсатувчи номларнинг ҳақиқий географик ҳолатга мос келишини таъкидлаб ўтишимиз лозим: Жигарбанд Амударё қирғоғида жойлашган, Жит – Хоразм чеккасида, қумликларни кесиб ўтиш бошланадиган жойда жойлашган эди. "Сафардиз" номида "диз" ўзагининг сақланиб қолганлиги анча қизиқиш уйғотадики, маълумки, у "қалъа" маъносини билдиради ("қўҳандиз", "эски қалъа"). Бу ўша шаҳарнинг топографик тузилиши хусусиятига мос келишини аниқ кўрсатиб турибди. Буларнинг ҳаммаси Хоразм шаҳарлари тарихини ўрганишга манба сифатида топонимикани жалб қилиш лозимлигини яққол кўрсатиб турибди. Бу материаллар устида бошқа маълумотларни жалб қилиш билан бирга, янада чуқурроқ ишлаш кўрилатган муаммолар юзасидан ҳам, умуман, бир бутун Хоразм тарихини ўрганиш учун ҳам муҳим натижалар бериши мумкин.

Хоразмнинг жаҳон халқлари билан иқтисодий-маданий алоқалари тарихи, шубҳасиз, савдо марказлари тарихидан илгарироқ бошланади. Чунончи, археологик изланишлар натижасида бундай алоқаларнинг илдизлари неолит даври калтаминор маданиятига бориб тақалишини аллақачон исботлаганлар. Хоразм савдо марказлари, аниқроғи, шаҳарлар эса анча кейин, милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи чорагида вужудга келганлиги ҳам археологик маълумотлар орқали тасдиқланган. Аммо савдо марказларининг вужудга келиши билан иқтисодий-маданий алоқалар ниҳоятда кенгайиб, ўз таъсирига янада кўпдан-кўп халқлар ва давлатларни тортган. Хусусан, неолит даврига оид Калтаминор маданиятидан топилган зеб-зийнат буюмларининг фақат Қизил денгиз, Форс ва Араб бўғозларида учровчи чиғаноқлардан ясалганлиги, Волгабўйи, Сибирь ва Қозоғистон ҳудудларидан топилган зеб-зийнат буюмларининг эса фақат Амударёда учрайдиган чиғаноқлардан ясалганлиги алоқаларнинг жуда қадим замонларданок анча катта ҳудудни ўз таъсир доирасига олганлигини кўрсатади⁵². Калтаминор маданиятининг таъсир доирасини кузатадиган бўлсак, унинг таъсири Оролбўйидан то Хитойнинг Шинжон вилояти ва Гоби чўлигача, юқорида Жанубий Қозоғистон, Волгабўйи ва Жанубий Сибиргача ёйилганини кўрамыз.

⁴⁸ Снесарев Г.П. Объяснительная записка к "Карте расселения узбеков на территории Хорезмской области (конец XIX - начало XX в.). - Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. –М., 1975, с.88.

⁴⁹ Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма. с.226.

⁵⁰ Петрушевский И.П. Земледелие и аграрные отношения в Иране XI-II-XIV веков. –М., 1960, с.149.

⁵¹ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. с.240-241.

⁵² Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 78-82-бетлар.

Кейинчалик, Хоразмда шимол эмас, балки жанубнинг, яъни Қадимги Шарқ деҳқончилик марказларининг таъсири кучайиб, бунинг оқибатида Хоразм ҳудудида ўзлаштирувчи хўжаликдан аста-секин ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтилишини кузатамиз. Бронза даврига оид Тозабөгёп маданиятидан энг дастлабки суғориш қаналлари излари ва Жанубий Туркменистон ҳудудига хос услубда ишланган кулолчилик маҳсулотларининг топилиши бунинг яққол далилидир.

Хуллас, бу алоқаларнинг ҳаммаси Хоразм милоддан аввалги IV-III минг йилликлардаёқ ўрта Шарқнинг қадимги цивилизациялари олами билан узоқ совуқ Шимолни бевосита боғловчи халқа ролини ўйнай бошлаганлигини ва бу, кейинчалик, айникса ёрқин тус олганлигини кўрсатади. Археологик, этнографик, лингвистик маълумотлар милоддан аввалги II-I минг йилликларда хоразмликларнинг иқтисодий-маданий алоқалари янада кенгайиб бораётганлигини тасдиқлайди. Энди у ўз таъсир доирасига Қора ва Каспий денгизлари бўйларида яшовчи фрак-киммерий ва скиф қабилаларини ҳам тартади. Бу алоқаларнинг мавжудлигини машҳур археолог ва этнограф С.П.Толстов археологик, этнографик, лингвистик, топономик ва ономастик далиллар билан тўлиқ асослаб берган⁵³. Сўнгги бронза ва илк темир даврига оид Амиробод маданиятидан иқтисодий-маданий алоқаларнинг излари етарлича топилди. Бунинг устига бу даврда жамият энди цивилизация чегарасида туради. Савдо марказларининг вужудга келиши учун яна бир қадам ташлаш керак, холос. Милоддан аввалги VII-VI асрларда Хоразм ўз тарихининг ана шу янги даврига кирди.

Милоддан аввалги VII аср охири-VI аср бошларига келиб Хоразм ҳудудида илк синфий жамият – қулдорлик давлати вужудга келди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги тараккиёт билан боғлиқ бўлиб, бу ўринда ўша даврда вужудга келган йирик-йирик суғориш қаналаридан фойдаланиш асосида ривож топган суғорма деҳқончилик ҳал қилувчи роль ўйнади. Узунлиги 60-70 км га чўзилган улкан Гавхоре ва Чермонёб қаналари тармоғи худди шу даврларда қуриб битказилди. Хоразм тарихининг бундан кейинги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган илк савдо марказлари ҳам шу даврда пайдо бўлди. С.П.Толстов томонидан ўрганилган ва "деворлари ичида аҳоли яшаган қадимий шаҳарлар" маданияти (бу термин ҳозир археология фанида деярли ишлатилмайди) деб аталган бу давр шаҳарлари ўзининг улканлиги билан ажралиб туради. Кейинги даврлардаги энг улкан шаҳарларнинг узунлиги ярим километрдан ҳам ошмагани ҳолда, бу давр шаҳарларининг узунликлари бир километрдан ҳам ортиқ эди (масалан, шу даврга оид шаҳарлардан Қалъалиқир-1 нинг ўлчами 1100/700 м, Кўзалиқирнинг ўлчами 1000/400 м.)⁵⁴ Катта Хоразм деб номланувчи бу давлат Хоразм ерларидан ташқари, яна Ария, Сўғдиёна, Парфияни ҳам ўзига бирлаштириб олган эди. Синфий жамият пайдо бўлиши савдо марказларининг янада ривожланиши ва кўпайиши учун туртки бўлди. Жамиятда иккинчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти рўй берди. Яъни айнан савдо марказлари, шаҳарлар ҳаёти учун хос бўлган, унинг ривожланишига янада туртки бўладиган ҳунармандчилик деҳқончиликдан алоҳида касб бўлиб ажралиб чиқди. Катта Хоразм давлати савдо марказлари қаторига Кўзалиқир ва Қалъалиқир-1 дан ташқари, Дингилжа ва Ойбўғирқалъаларни ҳам киритиш мумкин. Аммо бу давлат узоқ яшамади. Милоддан аввалги VI аср охирида Марказий Осиёда Эрон Аҳамонийлари ҳукмронлиги ўрнатилди. Хоразм ҳам бу давлат таркибига кириб, унинг ўлпондорига айланди. Унинг улкан Аҳамонийлар давлати сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий жараёнларига тортилиши иқтисодиётнинг янада тараккий қилишига ва, ўз навбатида, ташқи савдо алоқаларининг янада ривожланишига олиб келди. Бу даврга оид ҳунармандчилик маҳсулотлари ниҳоятда сифатли бўлиб, унинг турлари анча кўпайган эди. Хоразмнинг бутун Шарқ билан қилган алоқаси натижасида Хоразм ҳунармандчилигига Олд Осиё бадий маданиятининг таъсири кучайди. 1996 йилда атрофлича ўрганилган Хумбузтепа ёдгорлиги наинки ялпи Хоразмни, балки кўшни

⁵³ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 93-96-бетлар.

⁵⁴ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 101-бет.

Ўлкаларни ҳам кулолчилик буюмлари билан таъминловчи марказ бўлган экан. Милоддан аввалги VI-IV асрларда Хоразмнинг Аҳамонийлар давлати таркибида бўлиши унинг ташқи ва ички савдо алоқаларини янада кенгайтирган. Савдода танга-пул муомалага киритилиши ҳам шу давр билан боғлиқдир.

Милоддан аввалги IV асрда Хоразм Аҳамонийлардан мустақил бўлиб ажралиб чиққан. Македониялик Искандар ва салавкийлар даврида ҳам Хоразм давлати мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг юксак даражада тараққий қилишига ва Хоразмнинг энди шаклланаётган Буюк Ипак йўлидаги савдо-сотик алоқаларида асосий роль ўйновчи марказга айланишига олиб келди. Наинки антик даврнинг, балки бутун Хоразмнинг энг гуллаб-яшнаган даврларидан бири бўлган бу давр (милоддан аввалги IV-милоднинг I асрлари)га оид савдо-сотик марказлари жуда кўплаб ўрганилган бўлиб, улардан топилган археологик буюмлар хунармандчилик ва савдо-сотикнинг юксак даражада ривожланганлигини яққол кўрсатади. Бозорқалъа, Кўйқирилганқалъа, Кўнарлиқалъа, Жонбосқалъа, Қўрғошинқалъа, Катта Ойбўғирқалъа, Тўққалъа, Капарас, Катта Гулдурсун, Қалъажик, Қирққизтепа, Кўнақалъа, Ҳазорасп, Тупроққалъа (Шовот), Тупроққалъа (Хива туманида), Оқтепа, Кат (Шовот туманида), Тупроққалъа (Янгиариқ туманида) каби савдо марказларидан ташқари, бу даврга оид шаҳарлар жуда кўп бўлган. Юқоридаги таъкидланганлар ичидаги энг йириклари ва машҳурлари бўлган. Бу ёдгорликлардан топилган турли-туман безак буюмларининг кўпчилиги четдан – Сурия, Миср, Шимолий Қора денгиз бўйи шаҳарларидан келтирилган. Бунинг устига безак буюмларининг ниҳоятда ўзига хос турлари танлаб олинган бўлиб, бу ҳол хоразмликларнинг юксак дидли, бу буюмлар тайёрланган жойлар эса Хоразмнинг ташқи мамлакатлар билан савдо алоқалари ниҳоятда кенг бўлганлигидан далолат беради. Милоддан аввалги II асрдан бошлаб Буюк Ипак йўлининг иш бошлаши Хоразмни кўчманчилар ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги илгаригидек боғловчи халқа вазифасини янада кучайтириб, жаҳон аҳамиятига молик савдо марказларидан бирига айланишига олиб келди. Бу иқтисодий тараққиёт кейинги I-IV асрларда ҳам, яъни Хоразм Кушон империяси таркибига киргач ҳам давом этди. Бу тараққиётнинг қай даражада бўлганлигини шу даврга оид Тупроққалъа, Аёзқалъа, Анқақалъа, Гаурқалъалардан топилган буюмлар ҳам тасдиқлайди. IV асрда Хоразм Кушон давлатидан ажралиб чиқиб, бу ерда 305 йилда Африғ африғийлар-хоразмшоҳлар сулоласига асос солди. Бу сулола X асргача яшади. Африғийлар сулоласининг илк вакиллари Хоразмни илгаригидек жаҳондаги биринчи даражали давлатлар қаторига олиб чиқишга кўп уринганлар. Улар Буюк Ипак йўлидаги асосий савдони ўз қўлига олишга ҳаракат қилганлар. Аммо IV асрда хуннлар бошлаб берган "халқларнинг буюк кўчиши" бу жараёнга тўсқинлик қилган. Хоразм ҳам "халқларнинг буюк кўчиши" жараёнидан четда қолмаган. Хоразмда бутун хўжалик, ижтимоий тузум, турмуш ва сиёсий ҳаётнинг кескин суратда ўзгариб кетишига олиб келган бу жараён IV асрдан эътиборан борган сари жадаллаша бошлади. Аввал эфталитлар, сўнгра турк ҳоконлигига бўйсунган Хоразм маълум маънода ўз мустақиллигини сақлаб қолган бўлса-да, Буюк Ипак йўлидаги савдода етакчиликни сўғдийларга бериб қўйди. Бу инқирозий жараён ўша даврда қулдорлик тизимининг емирилиб бориши ва феодал муносабатларнинг шаклланиши билан ҳам узвий боғлиқ эди. Эфталитлар ва турк ҳоконлиги ҳукумронлиги йилларидаги баъзи даврларни ҳисобга олмаганда бутун Марказий Осиё сиёсий парокандалик ҳолатига тушиб қолган эди.

Тарихий манбаларнинг маълумотларига кўра, Марказий Осиёда араб босқини арафасида сиёсий тарқоқлик шу даражада авж олган эдики, бу ҳудудда элликка яқин кичик-кичик давлатлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар қайсисининг ўз подшоси, ҳукмдорлари бўлган. Албатта, Хоразм ҳам, Табарий, Муқаддасий ва Берунийларнинг шохидлик беришича, ана шу воқеалардан четда қолмаган эди. Чунончи, Табарий бу пайтда Хоразм тахтида "Хоразмшоҳ" унвони билан бир қаторда "Малик" (ҳукмдор) унвони билан тахтга ўтирган иккинчи подшо ҳам мавжуд бўлганлигини ва бу иккала ҳукмдор ҳам тахт учун кураш олиб борганлигини таъкидлайди. Муқаддасийнинг

таъкидлашича, Миздахқон шаҳри (ҳозирги Хўжайли яқинида жойлашган қадимий шаҳар) атрофларида ўша пайтда 12000 алоҳида-алоҳида мустақил қўрғонлар бўлган⁵⁵. Бундай тарқоқ ҳолатда на бозор муносабатлари, на савдо ривожланиши мумкин эди. Бу жараён арабларга Марказий Осиёни осонлик билан забт этиш имконини берди. Араблар Марказий Осиё давлатлари ўзаро келишмовчиликларидан жуда усталик билан фойдаланганликлари тўғрисида манбаларда кўплаб далиллар келтирилади. Араблар босқини арафасида Хоразмда феодализмга қарши диний ғоялар билан ниқобланган ва хоразмшоҳ Чағон (Аскажавар)нинг укаси малик Ҳурзод бошчилигида кўзғолон бошланган бўлиб, Чағон бу кўзғолонни бостириш учун араблардан ёрдам сўрайди. Бу қулай вазиятдан усталик билан фойдаланган Қутайба ибн Муслим 712 йилда Хоразмни забт этади. Аммо араблар унинг мустақиллигини бутунлай синдиришга қодир бўла олмадилар. Қутайба Хоразм тахтида африғийлар сулоласи вакиллари қолдиришга мажбур бўлади.

Араблар истилоси Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётига катта путур етказди.

VIII асрга келиб, ҳунармандчилик ва савдо-сотик кескин пасайиб кетди (буни хоразмшоҳлар – Шаушафар ва Абдуллоҳлар тарафидан зарб этилган танга пулларнинг оғирлик ва сифатининг пасайиб кетганлигидан ҳам билиш мумкин), суғориш иншоотлари камайиб кетди (чунончи, Гавхоре ҳамда Калтаминор каналлари қуриб қолди) ва натижада юзлаб саройлар ва қалъалар бўшаб қолди, кўп минг гектар серунум ерларни қум босди, кўплаб уй-жойлар таланди ва ёндириб юборилди. VIII ва IX асрнинг биринчи чорагида Хоразмнинг сиёсий аҳволи хусусида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Аммо, шуниси аниқки, шароит ҳар қанча оғир бўлмасин, Хоразм ўз мустақиллигини сақлаб қола олди. Халифа хазинасига фақат бож тўланар, талаб қилинган пайтда ҳарбий ёрдам юборилар эди. Ташки савдода хоразмликлар тўла мустақиллик асосида иш юритар эдилар. Буни қиймати паст бўлган ҳолда ҳам қумуш тангаларнинг зарб этилишида кўришимиз мумкин. Чунки ўша даврларда қумуш тангалар энг муҳим савдо пули вазифасини бажарган. Ўша даврдаги сиёсий аҳвол тўғрисида қуйидаги маълумотлар сақланиб қолган. 728 йилда савдо-ҳунармандчилик ривожланган Кердор (ҳозирги Чимбой яқинида жойлашган) шаҳрининг аҳолиси кўзғолон кўтарди. Мазкур кўзғолоннинг қандай кечганлиги маълум эмас, аммо унинг қаттиқ эксплуатацияга, оғир солиқлар солинишига қарши бўлганлиги аниқ. Шу ўринда Хоразм шоҳларининг арабларга қарши курашга уриниб кўрганлиги ҳам диққатга сазовордир. Масалан, 751 йилда Хоразмшоҳ Шаушафар Хитойга ўз элчиларини юбориб, араблар манфаатига зид иш тутган эди⁵⁶.

Араблар босқинидан кейин Хоразм икки қисмга ажратиб юборилган бўлиб, Жанубий Хоразмда африғийлар сулоласига мансуб хоразмшоҳ тахтда ўтириб, маркази Кот шаҳри эди. Шимолий Хоразмга араблардан бўлган ноиб-амир бошчилик қилиб, маркази Урганч бўлган. 995 йилда Шимолий Хоразм ҳукмдори Маъмун ибн Муҳаммад жанубий Хоразмни ўзига бўйсундириб, Хоразмни пойтахти Урганч бўлган яхлит давлатга бирлаштирди. Шундай бўлса ҳам, IX-X асрлар давомида Хоразм сиёсий инқироз даврига юз тутган халифаликнинг Шарқ томонидаги чекка ўлкаларида, яъни Шарқий Эрон ва Марказий Осиёда вужудга келган ва бирининг ўрнини иккинчиси олиб турган йирик илк ўрта аср бирлашмалари – тоҳирийлар, саффорийлар ва сомонийларнинг давлатлари таркибига, X-XII асрлар давомида эса Ғазнавийлар, Қорахонийлар ва Салжуқийлар давлатлари таркибига галма-галдан кириб туради. Аммо бу давлат таркибида ҳам ярим мустақил давлат сифатида фаолият юритади. Бундан ташқари, бу даврнинг яна бир ўзига хос хусусияти мавжудки, шубҳасиз, бу хусусият Хоразмнинг иқтисодий ривожланишида энг муҳим омил бўлган. Бу омил ижтимоий-иқтисодий ҳаётда узил-кесил шаклланиб бўлган феодал муносабатлардир. Хоразмнинг ва, умуман, Мовароуннахрнинг бу даврдаги оғир сиёсий ҳаёти, ўзаро урушлар бу ҳудудда жуда кам қадимдан шаклланган юксак деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти ривожига ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда

⁵⁵ МИТТ, т.1, с.187.

⁵⁶ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 241-бет.

савдо-сотик ривожига таъсир ўтказа олмади. Бинобарин, ҳар қандай давлат ҳам иқтисодий тараққиётда, айниқса, ички ва ташқи савдонинг ривожланишидан жуда манфаатдор бўлгани ҳолда, маълум маънода айнан шу халқаро савдо йўлида ўз ҳукмронлигини ўрнатишга зўр бериб уринардилар ҳам. Буюк Ипак йўлидаги савдо-сотикнинг энг тарққий қилган даври ҳам айнан шу X-XIII асрларга тўғри келиши юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир. Зеро, ишлаб чиқаришнинг (деҳқончилик, хунармандчилик) ҳам, савдо-сотикнинг ҳам ривожланишида энг муҳим омил улкан иқтисодий маконни вужудга келтирувчи сиёсий марказлашган давлатнинг мавжуд бўлишидир. Чунки шаҳарлар барпо қилиш, шаҳарларда бозорлар аҳволини яхшилаш, тартиб ўрнатиш, карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш, маълум масофаларда работлар, карвонсаройлар, тўхташ жойлари барпо этиш, пул муомаласини назорат қилиш каби қатор муҳим тадбирларни фақат ана шундай кучли марказлашган давлат амалга ошира оларди, холос. Юқорида санаб ўтилган давлатлар, айниқса, сомониёллар ва салжукийлар даврида савдо-сотик ривожини учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

X асрга оид бўлган бир қанча тарихий ва археологик далиллар бу даврда Хоразм иқтисодий жиҳатдан тез юксалиш жараёнини бошидан кечирган, деб ҳулоса чиқариш имконини беради. Бу юксалиш, аввало, Хоразм шаҳарлари сонининг гуриллаб ўсиши жараёнида яққол намоён бўлган. Араб тарихчиси Табарий 712 йилда Хоразмнинг араблар томонидан истило қилиниши тўғрисидаги ҳикоясида Хоразмда фақат учта шаҳар Кат (Фир), Ҳазорасп ва, афтидан, Урганч бўлганлигини кўрсатиб ўтади⁵⁷. Икки асрдан сўнг араб тарихчиси Ал-Истахрий (тахминан 930-933 йилларда ёзган) Хоразм шаҳарларини санаб кўрсатар экан, ўн учта номни келтиради: Хоразм (Кас), Дарғон, Ҳазорасп, Хива, Хушмисан, Ардахушмисан, Сафардиз, Нузбар, Кардаронхос, Кардар, Баратегин, Мазминия, Журжония (Гурганж)⁵⁸. Шунга яқин шаҳар сонини, яъни 9 та шаҳарни "Ҳудуд ал-Олам"нинг номаълум муаллифи ҳам келтириб ўтади⁵⁹. Ниҳоят, ярим аср ўтгач, яна бир араб муаллифи ал-Мақдисий тахминан 985 йилга келиб, Хоразм шаҳарлари ўттиз иккита бўлганлигини ёзади: ўнг қирғоқда – Кас, Гардман, Ойхон, Арзахива, Нукфаг, Кардар, Миздахқон, Жашира, Садвар, Зардух, Баратегин, Мадкаминия; чап қирғоқда – Журжония (Гурганж), Нузвар, Замахшар, Рузунд, Вазарманд, Васкаханкас, Рахушмисан, Мадамисан, Хива, Кардаронхос, Ҳазорасп, Жигарбанд, Жаз, Дарғон, Жит, Кичик Журжония, иккинчи Жит, Садфар, Масасан, Кардар, Андарстан⁶⁰. Бундан ташқари, Хоразм йўллари устида Шўроҳон, Хас, Нузкат, Дарсон, Жувикан, Амир, Барабсар, Вардара пунктлари бўлганлиги таъкидланади.

Бу шаҳарларнинг пайдо бўлиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, деҳқончилик ва хунармандчиликнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, айниқса, сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ривожланиши бунга кучли туртки бўлган. Бунга биз шаҳарлар топографиясини ўрганиш давомида ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкинлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Ал-Истахрий бу ҳақда тубандагиларни ёзади: "Ҳазораспдан бошлаб Жайхуннинг бошқа қирғоқларида каналлар қазилган. Улар орасида Ҳазорасп канали ҳам бўлиб, узунлиги жиҳатидан у Гавхора каналининг ярмига тенг келади. Кейин эса Ҳазораспдан икки фарсах масофада Кардаронхос канали бўлиб, у Ҳазорасп каналидан каттадир. Ундан сўнг Хива канали келади. Бу канал Кардаронхосдан катта, ундан кемалар то Хивагача қатнаб турганлар"⁶¹. Демак, Истахрий асарида Амударёнинг чап соҳилидаги Ҳазорасп (Хасса канали), Кардаронхос (Қалъажик, Довуд қалъа канали), Хива (Полвонёп), Мадра (Ғазовот), Бува (Ёрмиш) ва Вадак (Шовот канали) каналлари тилга олинади. Бува ва Вадак каналларининг охири қўшилиб, Журжония

⁵⁷ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 250-бет.

⁵⁸ МИТТ, т. I, с. 178.

⁵⁹ МИТТ, т. I, с. 216-217.

⁶⁰ Ал-Мақдиси, текст, 286-289; МИТТ, т. I, с. 186-188.

⁶¹ МИТТ, т. I, с. 179.

(Гурганж)гача келтирилган⁶². Бу каналлардан кўпчилигида кемалар қатнаб, улар ички савдода ўзига хос савдо артерияси ролини ўйнаган.

Шубҳа йўқки, шаҳарларнинг ўсиши мамлакат умумий иқтисодий тараққиётининг муҳим томонларидан бири бўлиб, янги асосда юксала бошлаган Хоразм шаҳар цивилизациясининг атрофдаги даштлар ва узоқроқдаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар мустақамланаётганидан ва кенгаётганидан далолат беради.

Х асрда Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда фаол бўлганлиги араб манбаларида аниқ таъкидланади. Хоразмлик савдогарлар, худди қадим замонлардагидек, биринчидан, ҳозирги Туркменистон ва Ғарбий Қозоғистон ўрнида бўлган даштлар кўчманчилари билан, иккинчидан, Волга бўйи – Хазория (кейинчалик Дашти Қипчоқ) ва Булғория билан, ниҳоят, Шарқий Европадаги кенг славянлар олами билан савдо алоқаларида бўлдилар. Истахрий Х асрдаёқ бу ерда савдо алоқалари кенгайганлиги тўғрисида шундай деган: "Хоразм – ҳосилдор, озиқ-овқати ва мевалари кўп шаҳар (мадина), фақат ёнғоғи йўқ; бу ерда пахта ва жундан кўп нарсалар тайёрланади ҳамда бу нарсалар узоқ-узоқ жойларга элтилади. Аҳолисининг ажралиб турадиган хусусияти – бойлиги ва мардлик кўрсатишга интилишидир"⁶³.

Х аср охирида ёзилган "Ҳудуд ал Олам" асарининг бизга номаълум бўлган муаллифи Кат шаҳри тўғрисида қуйидагиларни ёзади: "...Шаҳарнинг бойлиги катта. Бу ердан ёстиқ жилди, қавима кийим-бош, ип газлама, кигиз, қор (?), рухбин (пишлоқнинг бир тури) чиқарилади"⁶⁴.

Айниқса, ал-Мақдисий эътиборга лойиқ маълумотлар ёзиб қолдирган. У Булғордан Хоразм орқали келтирилган моллар қатори Хоразмнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳам кўрсатиб ўтган: "...Хоразмда узум, майиз кўп, бодом мағизи, кунжут, йўл-йўл кийим-бошлар, гиламлар, кўрпалар, ажойиб кимхоб, "мулхам" деган чойшаб, қулф, рангли кийимлар, энг кучли одамларгина эга оладиган камонлар, алоҳида бир хил пишлоқ, зардоб, балиқ тайёрланади. У ерда кемалар ясалади, ясалганда ҳам ниҳоясига етказилади"⁶⁵. Бу рўйхатлардан кўриниб турибдики, Хоразм ҳунармандчилик саноати маҳсулотларининг мамлакатдан четга чиқарилган турлари йилдан-йилга анча кўпайганлигидан далолат беради. Истахрий асарида ва "Ҳудуд ал Олам"да Хоразм кўпроқ деҳқончилик-чорвачилик ўлкаси, яъни, асосан, ташқарига шу соҳаларга тегишли буюмлар ва маҳсулотлар ҳамда хом ашё чиқарилган бўлса, ал-Мақдисий рўйхатида ташқарига чиқариладиган моллар ичида металл ишлаш (қулф), қуролсозлик (камон), кемасозлик саноати маҳсулотларини ҳам кўрамади.

Манбалардан ташқари, археологик тадқиқотларга ҳам мурожаат қилганимизда, булар ҳаммаси ўз тасдиғини топади. Археологик маълумотлар, манбаларда кўрсатилган шаҳарларнинг қолдиқларини топиб ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, баъзилари ҳозирги кунгача ўз номини сақлаб қолган бўлса (Ҳазорасп, Хива, Урганч (Гурганж, Журжон), Шўроҳон), баъзилари ўрта асрларнинг сўнгги даврларидаги номи билан бизга маълум (Дарғон, Миздахқон, Замахшар ва бошқалар). Ҳозирги кунда сақланиб қолган ўрта асрлар шаҳарлар қолдиқларининг баъзилари эса манбаларда кўрсатилган шаҳарларнинг қайси бирига мос келиши тўлиқ аниқланмаган. Юқорида биз Хоразм шаҳарларининг вужудга келиши, жойлашган ўрни ва топографиясига оид фикрларни билдириб ўтган эдик. Бу ўринда эса, С.П.Толстовнинг Хоразм шаҳарлари тўғрисидаги фикрлари устида батафсилроқ тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Шу ўринда ўрта асрлар Хоразм савдо шаҳарларининг тузилишининг қиёсий таҳлили борасида, С.П.Толстов фикрича, ўрта асрлар Шарқ шаҳарлари тараққиётига хос бўлган хусусият ҳамма вақт ҳам мос келавермайди.

⁶² МИТТ, т.1, с.179.

⁶³ МИТТ, т.1, с.180.

⁶⁴ МИТТ, т.1, с.216.

⁶⁵ МИТТ, т.1, с.202.

Б.Б.Жуковский, В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, А.Ю.Якубовский ва И.П.Петрушевский каби машхур тарихчиларнинг Марказий Осиё шаҳарлари нинг вужудга келиши ва тараққиёти тўғрисидаги концепциясига мувофиқ ўрта аср шаҳарлари, дастлаб, қалъанинг (арк, қўхандиз) атрофида юксалади, кейинчалик, у ривожланиб, шаҳристон, яъни шаҳар вужудга келади, сўнгра шаҳар атрофидаги жойлар – рабодлар ривожланади. XI асрга келганда, шаҳар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг суръати рабодларга ўтади ва, охир-окибат, шаҳар уч қисмдан иборат бўлиб қолади⁶⁶.

С.П.Толстов ўз тадқиқотлари давомида бу фикр фақат Хоразм учун эмас, балки ялпи Марказий Осиё шаҳарлари учун ҳам тўлиқ мос келавермаслигини кўрсатиб ўтиб, VIII-IX асрларда вужудга келган шаҳарларнинг айримлари шаҳарча ёки истехкомли рабодлар тарикасида, қалъа этагида ривожланганлигини (Бургутқалъа, эски Норинжон), баъзиларининг эса, айниқса, X асрда ва кейинроқ вужудга келган шаҳарларнинг (Гулдурсун, Қаватқалъа, Жанпикқалъа, Довдонқалъа) ҳеч қандай арки бўлмаганлиги, улар атрофи баъзан истехкомланмаган, гоҳо-гоҳо эса истехкомланган (Гулдурсун) битта шаҳристондан иборат бўлганлигини таъкидлайди⁶⁷. Бу ўринда, Хоразм шаҳарларининг вужудга келишини амалда чуқур ўрганиб чиққан С.П.Толстов ҳақ бўлса керак (Марказий Осиё миқёсида бўлмаса ҳам). Хоразмдаги айрим шаҳарларгина уч қисмдан иборат бўлган (Кат, Гурганж, Буғроҳон). Археологик тадқиқотлар давомида ўрганилган кўпгина ёдгорликлар яна ўрта асрлар шарқида хос бўлган улкан деҳқончилик туманлари – рустоқлар маркази ҳам бўлган (Миздахқон, Қаватқалъа, Замахшар, Ҳайвонқалъа ва шу қабилар). Хуллас, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик ривожини билан боғлиқ ҳолда, X-XI асрларда ўнг қирғоқ ва чап қирғоқ Хоразмда шаҳарларнинг гуркираб ривожланганлигини илмий манбалар ҳам, археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Чап қирғоқ Хоразмнинг жанубий чеккасида жойлашган йирик шаҳарлардан бири – Дарғон шаҳри (ҳозирги Дарғонота қишлоғидан 3 км жанубдаги ёдгорлик) бўлиб, қулай географик мавқеи (Амударёнинг асосий кечиб ўтиш жойида жойлашганлиги) ва Хоразмни Бухоро, Амуд (Чоржуй) ва Марв билан боғловчи муҳим савдо йўлида жойлашганлиги унинг жуда тез ўсишига имкон яратган. Мақдисий уни Хоразмнинг Гурганждан кейинги иккинчи йирик шаҳар бўлганлигини таъкидлайди. Шаҳар атрофларидаги жуда катта худудда 500 та тоққа эга узумзор мавжуд бўлган⁶⁸.

Урганчга борадиган йўл устида жойлашган яна бир йирик савдо шаҳари бу Ҳазорасп бўлиб, у Хоразмнинг энг кучли чегара қалъаларидан бири ҳам бўлган.

Хивадан шимоли-ғарбда Замахшар шаҳри (баъзи манбаларда у йирик қишлоқ сифатида эслатилади) жойлашган. Археологик тадқиқотлар бу шаҳарнинг йирик хунармандчилик ва савдо марказларидан бири бўлганлигини тасдиқлайди. Замахшар харобаларида ўтказилган археологик тадқиқотлар даврида топилган турли-туман хунармандчилик буюмлари: темир, сопол, шиша буюмлар, тугалланмаган маҳсулотлар ва қолиплар, ишланмаган темир ва мис парчалари бу ерда хунармандчиликнинг: темирчилик, дегрезлик, мискарлик, кулолчилик, шишагарлик, тўқимачилик ва дурадгорлик каби соҳаларининг гуллаб-яшнаганини кўрсатади. Бир жойдан кўпроқ бир хил маҳсулотларнинг кўплаб топилиши шаҳарда хунармандчиликнинг ихтисослашганлигини, ўзига хос хунармандлар маҳалларининг мавжудлигини кўрсатади.

"...Замахшар – атрофи девор билан ўралган, теварагида хандақ мавжуд кичкина шаҳар. У темир қопланган дарвоза, қамокхона ва ҳар куни кечкурун кўтариб қўйиладиган кўприкка эга. Шаҳар савдо йўли устида жойлашган..." деб ёзади у ҳақда Мақдисий⁶⁹.

Чап қирғоқ Хоразмнинг ўша вақтдаги пойтахти – Гурганж (арабчада –Журжония) IX-X аср манбаларида ҳам йирик шаҳар сифатида эслатилади. Гурганж, айниқса, Шарқий

⁶⁶ Якубовский А.Ю. Феодальное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X-XV вв. МИУТТ, I, с.4-5.; Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 254-бет.

⁶⁷ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 254-255-бетлар.

⁶⁸ МИТТ, т.I, с.188.

⁶⁹ МИТТ, т.I, с.188.

Европа билан савдо-сотик алоқаларининг ривожланиши билан йилдан-йилга тараққий эта борган ва Хоразмнинг биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган савдо марказига айланади. Ал-Истахрий у ҳақда: "Бу – Хоразмнинг пойтахтидан (яъни, Кат (Кос)дан) кейин турувчи энг катта шаҳридир; у – гузлар билан савдо қилинадиган жой, Журжонга, хазорлар томон ва Хуросонга кетадиган карвонлар ўша ердан йўлга чиқади", -деб ёзади⁷⁰. Буни "Худуд ал Олам"нинг номаълум муаллифининг маълумоти ҳам тасдиқлайди: "Жуда бой бўлмиш бу шаҳар Туркистонга кирадиган дарвоза, ҳамма жойлардан келадиган савдогарлар тўпланадиган бир жойдир"⁷¹. X аср охирида Косни Амударё ювиб кетиши билан Гурганж Хоразм пойтахтига ва биринчи даражали шаҳарга айланган. Мақдисий асарида ҳам у Хоразмнинг пойтахти ва энг йирик шаҳри сифатида қайд этилади⁷².

Гурганждан жануби-шарқда, Қорақалпоғистоннинг ҳозирги Хўжайли туманида жойлашган ва ўрта аср манбаларидаги Миздахқонга тўғри келувчи Гавурқалъа ёдгорлигини археологик ўрганиш давомида бу худуд IX-X асрларда ва ундан кейинги даврларда ҳам жуда серунум, бой русток (туман) бўлганлиги аниқланди. Мақдисий ўз асарида у ҳақда: "Миздахқон – катта шаҳар, унинг атрофида ўн икки минг қалъа ва жуда кенг русток мавжуд" -деб ёзади⁷³. Амударё IX-X асрларда ҳозиргидан ғарброкда оққани учун Истахрий уни ўнг қирғоқ Хоразмда жойлашганлигини таъкидлайди ва: "Миздахқон билан Гурганж бир-бирига қарама-қарши 3 фарсах (18-24 км) масофа оралиқда, дарёнинг икки соҳилида жойлашган", -деб ёзади⁷⁴.

Хоразмнинг X аср охиригача пойтахти ва энг йирик шаҳри, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Кат (Кос) шаҳри бўлган. Бу ерда VIII-IX асрларда африғийлар, аббосий ва сомоний ноиблар томонидан қумуш ва мис тангалар зарб этилган эди, яъни зарбхона мавжуд бўлган⁷⁵. "Худуд ал Олам"да: "Кат – Хоразмнинг бош шаҳри, ғузлар Туркистонига кириладиган дарвоза, турклар, Туркистон, Мовароуннаҳр ва хазорлар музофоти молларининг омбори, савдогарлар тўпланадиган жой..." эканлиги таъкидланади⁷⁶.

IX-XI асрларда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган Кардор (Курдор) шаҳри ҳам йирик шаҳарлардан саналади. У Амударёнинг қуйи оқимининг шарқий қисмида жойлашган ҳамда шу номли туман маркази бўлган. Унинг яқинидан оқиб ўтувчи канал ҳам Кардор деб номланган. Аммо ўрта аср манбаларида бу шаҳарнинг жойлашган ўрни турлича кўрсатилгани учун ҳозирги кунда ҳам бу тўғрида бирон-бир аниқ фикр билдириш қийин. Бизнингча, бу ном билан бир неча шаҳар номланган бўлиши мумкин ёки Амударё қуйи ўзанининг тез-тез ўз оқимини ўзгартириб туриши (қуриб қолиши, тошиб кетиши, бошқа худуддан оқиши) билан боғлиқ бўлса керак. "Худуд ал Олам"да Кардор дашт билан чегара ердаги кичик бир савдо манзилгоҳи сифатида, Кардорнинг аҳолиси кўплиги, экинларга бойлиги, у ердан кўплаб қўзи териси чиқарилиши таъкидланади⁷⁷.

Ал-Мақдисий эса Кардорни йирик шаҳар-қалъа эканлигини таъкидлаб, унинг Нукфагдан каттароқ ва мустаҳкамроқ эканлигини эслатиб ўтади⁷⁸.

Я.Фулумов Кардорни ҳозирги Чимбой ўрнида бўлганлигини тахмин қилгани ҳолда, С.П.Толстов ҳозирги Ҳайвонқалъа ёдгорлиги айнан шу Кардор шаҳри бўлганлигини

⁷⁰ МИТТ, т.1, с.178.

⁷¹ МИТТ, т.1, с.216.

⁷² МИТТ, т.1, с.187-188.

⁷³ МИТТ, т.1, с.187.

⁷⁴ МИТТ, т.1, с.181.

⁷⁵ Кочнев Б.Д. Среднеазиатские куфические фельсы с изображением коня. //Нумизматика Центральной Азии. – Т.: 1999, с.47-51.

⁷⁶ МИТТ, т.1, с.216.

⁷⁷ МИТТ, т.1, с.217.

⁷⁸ МИТТ, т.1, с.187.

таъкидлайди⁷⁹. Кейинги археологик тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, сомонийлар даврида Кардор рустоғида ҳозирги кундаги Тўққалъа ва Ҳайвонқалъа ёдгорликлари ўрнида иккита йирик шаҳар мавжуд бўлиб, улардан Тўққалъа манбалардаги Дарсонга, Ҳайвонқалъа эса Кардорга тўғри келади. Археологик тадқиқотлар Ҳайвонқалъанинг IX-X асрларда жуда ҳам ўсиб, Кардор марказига айланганини кўрсатади⁸⁰.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, XI-XII асрлардаги сиёсий жараёнлар қорахонийлар, ғазнавийлар ва салжукийлар давлатларининг вужудга келиши, улар ўртасидаги ўзаро урушлар Хоразм савдо шаҳарларининг ривожига унчалик таъсир қилмади. 1017 йилда Хоразмни Ғазнавийлар султони Маҳмуд Ғазнавий эгаллаб, бу ерга ҳоким қилиб ўзининг ҳожиби (турк ёлланма армияси бошлиғи) Олтинтошни ҳукмдор қилиб қўйди. Олтинтош тезда хоразмшоҳ унвонини олди. Унинг ворислари даврида ҳам Хоразм мустақил сиёсат юргизди. Олтинтошлар сулоласи Хоразмни то 1043 йилгача бошқарди. 1043 йилда Хоразмни салжукийлар босиб олдилар. Салжукийларнинг Хоразмдаги ҳукмронлиги узок давом этди. Аммо Хоразм бу давлат таркибида ҳам энг асосий роль ўйновчи ҳудуд эди. XI аср охирида Хоразмда ҳокимият тепасига ануштегинийлар сулоласи келди. Аммо бу сулола, дастлаб, жуда кучсиз бўлиб, унинг илк подшоси Қутбиддин Муҳаммад Салжукийлар давлатининг содиқ хизматкори сифатида иш юритди. Бироқ манбаларда Қутбиддин Муҳаммаднинг салжукийлар сиёсати фаол аралашуви унинг обрўи ва куч-қудрати йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатарди. Ануштегинийларнинг кейинги вакили, Қутбиддин Муҳаммаднинг ўғли Отсиз ҳам аввалига салжукийларга сидқидилдан хизмат қилган бўлса ҳам, бу даврда салжукийлар давлатида вужудга келаётган оғир сиёсий вазиятдан фойдаланиб қолишга, Хоразмни мустақил давлатга айлантиришга ҳаракат қила бошлади. Аммо вазият у кутганидек бўлиб чиқмади. Бунинг оқибатида гарчи у фаолиятининг сўнгги 20 йилини мустақиллик учун курашга бағишлаган ва ҳатто ўз худудини бир оз кенгайтиришга муваффақ бўлган бўлса ҳам, унинг замонида Хоразм тўла мустақилликка эриша олмади. Биринчидан, Салжукийлар ҳали жуда қудратли эди. Иккинчидан шу асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йиллари бошида Мовароуннаҳр сиёсий майдонига чиққан Қорахитойлар жуда кучли душман бўлиб чиқди. Улар қорахонийларни ҳам, Хоразмни ҳам, ҳатто Султон Санжарни ҳам енгиб, уларга оғир ўлпон солдилар. Фақат Султон Санжарнинг ўлими (1157 йил) ва у билан боғлиқ ҳолда салжукийларнинг жуда заифлашуви Отсизнинг вориси (у ҳам 1156 йилда вафот этган) Эл Арслонга (1156-1172) мустақиллик учун ва фаол ташқи сиёсат юргизиш учун муваффақиятли кураш олиб бориш имконини берди. Энди хоразмшоҳларга қудратли давлат тузиш учун тўсқинлик қилувчи бирон-бир йирик куч қолмаганди. Эл Арслон Хоразм худудига Нисо ва Деҳистон вилоятларини, унинг ворислари Аловиддин Такаш (1193-1200) ва Аловиддин Муҳаммадлар (1200-1220) Хуросон, Шарқий Ироқ, Мовароуннаҳр, Ғазна, Эрон, Ғарбий Ироқ ва Озарбайжон худудларини бўйсундирдилар. Шундай қилиб, XIII аср бошига келиб Хоразмшоҳлар давлатига 27 йирик вилоят бўйсундирилиб, унинг худудлари ниҳоятда кенгайиб, ғарбда Ироқдан шарқда Ҳиндистонгача, шимолда Орол денгизидан жанубда Ҳинд океанигача чўзилиб кетган эди. Улкан минтақада сиёсий яхлитлик ва барқарорликка эришилиши, табиий равишда, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ижобий ўзгаришлар содир этилишига сабаб бўлиши аниқ эди. Шу сабабли археологик изланишлар, ёзма манбалар гувоҳлигига кўра, сунъий суғоришга катта эътибор берилиб, воҳалар имконидан, иложи борича кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган. Натижада деҳқончилик ривожланишида узилиш бўлмаган. Бизга аввалдан маълум маҳсулот турларининг барчаси етиштирилган. Шу ўринда Хоразмшоҳ-ануштегинийлар даври хўжалик тараққиётининг

⁷⁹ Ғуломов Я.Г. Қадимги Хоразм суғорилиш тарихи. 157-бет., Толстов С.П. ХАЭЭ 1947 года, ИАН СССР, серия истории и философии, т. V, 1948, №2, с.190.

⁸⁰ Ягодин В.Н. К вопросу о локализации Кердера. ВКФ АН УзССР, 1963, N 2, с.70-72. Бу ҳақда қаранг: Очерки истории Каракалпакской АССР. т.1, с.88; Городище Хайванкали – раннесредневековый Кердер. //В кн.: Археологические исследования в Каракалпакии. –Т.: «Фан», 1981, с.78-102.

кай даражада бўлганлигини тасаввур этишимиз учун, мўғул истилоси арафасида (1219-1220 йилларда) Хоразмда бўлган машҳур араб сайёҳи Ёкут ал-Ҳамавий ўзининг географик қомуси "Муъжам ал-булдон" ("Мамлакатлар луғати") асарида Хоразм тўғрисида келтириб ўтган бир фикрини келтириб ўтсак кифоя қилади деб ўйлаймиз. У бундай деб ёзади: "Мен у ерга 616 йили (1219-1220 й.) борган эдим, ҳеч қаерда бундай гавжум ва яшнаган ўлкани кўрмаганман. Экинлари ёппасига парвариш қилинган, кишлоклари бир-бирига яқин қаторлашиб кетган, алоҳида ҳовлию чорбоғлари кўп, даштда ҳам кўраю кўрғонлар бор. Ўлканинг рустокларида (деҳқончилик туманларида) парваришланмаган, нообод жойни топиш қийин. Яшил дарахтзорлар, айниқса, гужуму тут кўп, чунки улар (аҳоли) қурилиш ёғочларига муҳтож, тут барги эса ипак қуртига емдир. Унинг барча вилоятларида юрасанми, ё бозорларида юрасанми (аҳоли кўплиги жиҳатидан) - бунинг фарқ йўқ. Дунёнинг ҳеч бир ерида Хоразмдек фаровон ва аҳолиси гавжум бўлмаса керак. Хоразмнинг кўпчилиги аҳоли манзиллари – бозорларга, ҳаётий зарур нарсаларга мўл-кўл, расталари кўп шаҳарлардир. Бозори бўлмаган кишлок камдан-камдир. Буларнинг ҳаммаси умумий хавфсизликда ва тинчлик-ҳотиржамликда амалга ошмоқда"⁸¹.

Буни археологик маълумотлар тўлиқ тасдиқлайди. Буюк Хоразмшоҳлар даврида суғориш тармоқлари анча узайтирилди. Масалан, Маъмунийлар даврида Замахшар шаҳрига етган Чермонёп канали, XII асрда яна 70 км га узайтирилиб, ҳозирги Шоҳсанам шаҳар-ёдгорлигигача (ўрта аср манбаларидаги Субурна) етказилди. Мўғул босқини арафасида, айниқса, ўнг қирғоқ Хоразмнинг Гавхоре канали атрофлари анча тараққий қилди. Бу давр Хоразм шаҳарлари ўрта аср шаҳарларига хос барча хусусиятларни ўзида мужассам қилди. Мўғуллар истилоси арафасидаги ва ундан кейинги Хоразм шаҳарлари қиёфаси тўғрисида ўрта аср манбаларида ҳам эслатиб ўтилади. Масалан, форс тарихчиси Закариё ибн Муҳаммад ал-Қазвинийнинг ёзишича: "ҳар бир шаҳар ўртасида яна бир кичик шаҳар бўлган. Кичик шаҳарнинг ўртаси кўҳандиз аталган. Марказдаги кичик шаҳарларни шаҳристон ёки арабча мадинат ус-суғро (кичик шаҳар) деб атаганлар. Унинг атрофи девор билан ўралган ва бир неча дарвозалари бўлган. Шаҳристон атрофида катта шаҳар (мадинат ул-кубро) бўлиб, у ҳам девор билан ўралган ва бир неча дарвозалари бўлган. Катта шаҳар атрофларида эса узумзорлар ва мевали боғлар, уларнинг теварагида – экинзор далалар бор эди"⁸².

Шаҳарларда ҳаёт қайнаб, савдо-сотик, ҳунармандчилик ғоятда ривожланган. Ўлкада ишлаб чиқарилган турли хилдаги газламалар, заргарлик буюмлари, кийим-кечаклар, гилам-поёндоз, тери, жун, ёғ-мой, совун, қурол-аслаҳа, эгар-жабдуғлар, ҳўл мева, қуруқ мева, ипакликлар, жавоҳирлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда ҳаридоргир эди. Археологик тадқиқотлар давомида Хоразмшоҳлар шаҳар-ёдгорликларидан турли хил ҳунармандчилик маҳсулоти қолдиқлари, бутун-бутун ҳунармандчилик маҳаллалари – кулолчилик, дегрезлик, мисгарлик, темирчилик, тўқимачилик, тикувчилик, шишагарлик ва шу каби маҳаллалари топилди. Манбаларда ҳунармандчиликнинг 50 га яқин тури ривожланганлиги кўрсатиб ўтилади. Айниқса, кулолчилик тараққий қилиб, бу даврда Хоразм кулоллари катта муваффақиятларга эришганлар. Хоразм кулоллари XII аср охири ва XIII аср бошларида кулолчиликда оддий лой билан бирга, ўзига хос сопол қоришмаси – кошинлар ишлата бошладилар. Сопол идишларни безашда эса илгари ишлатилган қизил, кул ранг, яшил ва оқ ранглар билан бир қаторда кўк, ҳаво ранг ва қора ранглардан ҳам усталик билан фойдаланилган. Сопол буюмларни куйдириш, пишириш техникасида ҳам ўзгаришлар кузатилади. Хуллас, бу даврдаги Хоразм ёдгорликларидан топилган ёппасига бир хил рангли ва безакли сирли феруза идишлар ҳамда сирти рельефли нақш билан серҳашам қилиб безатилган кул ранг ва қора сирсиз идиш-оёқлар билан бир қаторда, "Рай" ва "Кошон" типидagi кўп рангли қандил керамикаси ҳамда четдан келтирилган "Миной" типидagi эрон идишлари ва хитой "селадон" – чинни идишларининг кўплаб топилиши,

⁸¹ МИТТ, т.1, с.419.

⁸² Бу ҳақда қаранг: Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. 134-бет.

бир томондан, кулолчиликнинг жуда тараққий қилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Хоразмнинг Шарқ давлатлари билан савдо муносабатларининг ривожланганлигини кўрсатади. Оддий ва карвон йўллари яхши кўриқлангани учун, ички ва ташқи савдо жуда ривожланган. Бундан ташқари, одатдагидек, ички савдо соҳасида мухтасиблар бозорлардаги нарх-наво, маҳсулотларнинг сифати, тош-тарозининг аҳволидан хабардор бўлишни тўхтатмаганлар. Карвон йўлларида тўхташ жойлари, сув омборлари, хавзалари қурилган, борлари таъмирланган, катта карвонларни кўриқлаб боришга, ҳатто хоразмшоҳнинг шахсий паҳлавонлари ҳам жалб этилган. Манбаларда Хоразмшоҳ Такашнинг хоразмликми, бегонами, туркми, хорижликми – кимлигидан қатъий назар – ҳаммага бир хил адолатли муносабатда бўлиш, савдо-сотик ишларига тўсқинлик қилмаслик, йўлларда хавфсизликни таъминлаш, савдогарларнинг мол ва ҳаётини турли тажовуз ва суиқасдлардан ҳимоя қилиш тўғрисида фармон чиқарилганлиги қайд қилинади⁸³. Ички савдонинг ва у билан боғлиқ ҳолда ташқи савдонинг ривожланишида ички каналларда, айниқса, Амударёда кема қатновининг жуда яхши йўлга қўйилганлиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Манбаларда сув йўли қуруқлик йўлига нисбатан қулай, хавфсиз ва, энг асосийси, бу йўлдан манзилга қуруқликдагига нисбатан тез етиб борилганлиги кўп таъкидланади. Бу даврда ташқи савдода олдингидек Хитой, Эрон, Волгабўйи, Ҳиндистон ва Жанубий рус князликлари билан алоқалар давом этган. Аммо бу даврда аввалгидек фақат Волгабўйи ва Шарқий Европа билан эмас, балки Хитой ва Мўғулистон билан алоқалар ҳам жуда ривожланган. Мўғулларнинг Хоразм савдогарларини катта иззат-ҳурмат ва эҳтиром билан қабул қилишларини, алоҳида ҳурмат белгиси сифатида хоразмликларни оқ наमतдан чодир қуриб кутиб олганликларини ўша давр манбаларида таъкидланади⁸⁴.

Археологик тадқиқотлар натижасида хоразмшоҳлар даври ёдгорликларидан кўплаб хитойлик усталар тайёрлаган чинни идишлар парчаларининг топилиши ҳам бу фикрни тўла тасдиқлайди. Ташқи ва ички савдо йўллари кесишган жойда ва муҳим, қулай мавқега эга бўлган хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж (Журжония) бу даврда нафақат Мовароуннаҳр, балки ялпи ўрта асрлар Шарқининг энг йирик шаҳарларидан бирига айланди. 1219 йилда Гурганжда бўлган Ёқут Ҳамавий: "Мен Гурганж каби буюк, бой ва гўзал шаҳарни кўрмадим", -деб ёзади⁸⁵.

Закариё Қазвиний эса Гурганж ҳақида сўз юритар экан, уни Жайхун дарёси бўйидаги жуда катта шаҳар, аҳолиси жуда кўп, деб таърифлайди ва: "жаннатдаги шаҳарни ва чимилдикдаги келинчакни кўриқлагандай, фаришталар кўриқлайди", -деб ёзган эди⁸⁶.

Гурганжда ўша замонлардаги барча касб-хунарлар тараққий этган эди. Яна ўша Закариё Қазвинийнинг ёзишича, Гурганжда моҳир усталар, айниқса, темирчилар, дурадгорлар ва бошқа хунар эгалари ўз касбида баркамол эдилар. Гурганж наққошлари фил суягидан ва сандал дарахтидан ажойиб нақшлар ясар эдилар. Гурганж аёллари чеварликда моҳир эдилар, ипакчилар табиий ипакнинг олий навини етиштирган. Бинокор-қурувчилар тол оғочидан шундай енгил (синчли) бинолар қураб эдиларки, бу ерда тез-тез бўлиб турадиган зилзила пайтида тош ва ғиштин уйлар қуласа ҳам, синчли уйларга зиён етмас эди. Гурганжда аҳоли кўплигидан кўчалар, бозорларда одамлар бир-бирига урилар, ўтиш қийин эди⁸⁷.

Гурганж савдогарлари дунёнинг кўпгина мамлакатларига ўз молларини элтиб сотар, Гурганжга ҳам кўп хорижий мамлакатларнинг савдогарлари мол олиб келар эдилар. Гурганж бозорларининг кўплиги, турли-туман молларга сероблиги билан ҳам машҳур эди. Бозорларда жуда қатъий тартиб ўрнатилган эди. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, савдо-сотикни мухтасиб (назоратчи) назорат қилган. Мухтасиблик лавозимига ишончли одамлар

⁸³ Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. 62-бет.

⁸⁴ Хидоятлов Г.А. Моя родная история. –Т.: «Ўқитувчи», 1990, с.127.

⁸⁵ МИТТ, т.1, с.419.

⁸⁶ Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. 135-бет.

⁸⁷ Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. 135-бет.

ёки имомлар кўйиларди. Шаҳар мўғуллар томонидан 1221 йилда босиб олиниб қаттиқ вайрон қилинган. Манбаларда Хоразмнинг бошқа савдо шаҳарлари тўғрисида ҳам кўп маълумотлар сақланиб қолган.

Ардахушмисан (ёки Хушмисан) (ҳозирги Хоразм вилояти Шовот тумани-даги Воянган ёдгорлиги) бозорлари гавжум ва аҳолиси фаровон катта шаҳар. Майдони 17 га бўлган. Шаҳар X асрлардан мавжуд. Ибн Фадланнинг маълумотларига кўра, Ардахушмисан Кат ва Гурганж оралиғида жойлашган, Амударё бўйидаги шаҳар бўлиб, унга сув йўли орқали борилган⁸⁸.

"Худуд ал-Олам"да Ардахушмисан (Хушмисан) савдогарларнинг тўпланиш жойи сифатида эслатишган⁸⁹. Истахрий ва Макдисийлар уни Хоразмнинг Кат (Кос) ва Гурганж (Журжония)дан кейинги йирик шаҳри сифатида кўрсатишган⁹⁰. Истахрийга кўра Косдан Журжониягача масофа 3 кунлик йўл, Ардахушмисангача эса 1 кунлик йўл, яъни 30-40 км бўлган⁹¹. Хивадан Рахушмисангача (Ардахушмисангача) ҳам масофа шунча бўлганлигини Макдисий ҳам кўрсатиб ўтади⁹². Ардахушмисанда 1219-1220 йилларда бўлган Ёқут Ҳамавий, у ҳақда ёзиб, бозорлари, маҳаллий моллари кўплиги, аҳолиси бадавлат бўлганлигини кўрсатади, уни Суриянинг йирик шаҳарларидан Нисибин билан тенглаштиради, аммо Ардахушмисан ундан аҳолиси кўпроқ ва мухташамроқ эканлигини таъкидлайди⁹³. Анча кейинги муаллифлар – Ҳамдуллоҳ Қазвиний ва Хожи Халфаларнинг маълумотларига кўра, Гурганж билан Ардахушмисан оралиғидаги масофа – 14 фарсах (84-112 км) бўлган⁹⁴. Ардахушмисан орқали Хивани четлаб, тўғри Ҳазорасп билан Гурганжни боғловчи йўл ҳам ўтган бўлиб, Ҳазораспдан Ардахушмисангача масофа 16 фарсахдан иборат бўлган⁹⁵. Ардахушмисан ўрнидаги ҳозирги Воянган ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар манбалардаги фикрларни тўла тасдиқлаб, Ардахушмисаннинг ўрта асрларда йирик савдо-хунармандчилик маркази бўлганлигини кўрсатади.

Макдисий ва Истахрий асарларида ҳам (яъни X асрда) катта, бой шаҳар деб эслатиб ўтилган Хива хоразмшоҳлар даврида ўзининг энг гуллаб-яшнаган даврини бошдан кечирган. Шу даврда Хоразмдан ўтган барча ташқи ва ички савдо йўлларининг Хивадан ўтганлиги унинг тараққий қилишига имкон берган. Бундан ташқари, Хива атрофларини суғорган Хейконик (Полвонёп) каналидан кемалар қатнаб, нафақат ички, балки ташқи савдода ҳам муҳим роль ўйнаган. Хиванинг X-XIII асрларда йирик савдо марказларидан бири бўлганлигини археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

X-XI асрларда ҳам Хоразмнинг энг йирик савдо марказлари сифатида танилган Ҳазорасп, Дарғон, Замахшар, Норинжон, Кат шаҳарлари XII-XIII асрларда ҳам ривожланишда давом қилган ва шу давр манбаларида энг муҳим савдо марказлари сифатида бир неча бора тилга олинган.

1219-1220 йилларда Хоразмда бўлган Ёқут Ҳамавий Ҳазораспни мустаҳкам қалъа, гўзал ва бозорлари, расталари кўп бўлган йирик савдо шаҳри сифатида эслатиб ўтган⁹⁶.

Асосий савдо йўлларидан бирида жойлашган Дарғон, улкан хоразмшоҳлар давлати вужудга келиши билан, айниқса, ривожланган. Чунки савдо-сотиқнинг ривожланишига замин тайёрловчи сиёсий барқарорликнинг таъминланиши, Дарғоннинг Буюк Ипак йўлининг ҳам шимолий, ҳам жанубий тармоқларидаги йўлларнинг муҳим тугунига айланишига олиб келган. Ёқут Ҳамавий ҳам Дарғонни йирик савдо маркази сифатида тилга олиб ўтади.

⁸⁸ МИТТ, т.1, с.156.

⁸⁹ МИТТ, т.1, с.216.

⁹⁰ МИТТ, т.1, с.181; с.206.

⁹¹ МИТТ, т.1, с.181.

⁹² МИТТ, т.1, с.206.

⁹³ МИТТ, т.1, с.410.

⁹⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. с.211.

⁹⁵ МИТТ, т.1, с.211; Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. -Сочинения. Т.III, - М.: «Наука», 1965, с.171.

⁹⁶ МИТТ, т.1, с.419.

Х асрдаёқ Истахрий ва Мақдисийлар Хоразмнинг муҳим савдо марказларидан бири сифатида эслатиб ўтилган Замахшар тўғрисида ҳам худди юқоридаги фикрни билдиришимиз мумкин.

Археологик қазишмалар жараёнида унинг тузилишида Х асрдагига нисбатан катта ўзгаришлар рўй берганини, яъни шаҳарнинг анча кенгайганини кузатиш мумкин.

Довдон ҳавзаси бўйида жойлашган ва йирик Мадра (Ғазовот) канали билан суғорилган Замахшар худуди XII-XIII асрларда Хоразмнинг деҳқончилик энг ривожланган ва аҳолиси зич жойлашган марказлардан бирига айланган. Замахшарнинг Х асрдаёқ йирик хунармандчилик маркази бўлганлигини юқорида таъкидлаган эдик. Умуман, Довдон ҳавзасидан то Дарёлик ўзанигача бўлган худудлар ва улкан Чермонёп канали атрофлари (Замахшар, Довдонқалъа, Ёрбакирқалъа, Шохсанам, Қўҳна Уаз шаҳарлари жойлашган худудлар киради) хоразмшоҳлар даврида нафақат Хоразмнинг, балки Мовароунахрнинг ҳам аҳоли энг зич жойлашган худудлари жумласига кириб, ҳатто ҳозирги кун даражасидан ҳам ортик бўлган. Агар буни таққослайдиган бўлсак, ҳозирги кунда Хоразм вилоятида ҳар бир кв.км га 190,2 киши тўғри келгани ҳолда, юқорида келтириб ўтилган худудда ҳар бир кв.км га 400-500 киши тўғри келган. Бу кўрсаткич, ҳатто Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги аҳоли энг зич жойлашган худуди, Андижон вилояти кўрсаткичи билан тенгдир (Андижон вилоятида ҳар 1 кв.км га 475 киши тўғри келади). Ўнг қирғоқ Хоразмнинг Хоразмшоҳлар давридаги аҳоли энг зич жойлашган худуди – Қаватқалъа худудида эса бу кўрсаткич ҳар 1 кв.км га 200-250 кишини ташкил қилган⁹⁷. Қўҳна Урганчдан Замахшаргача бўлган худудда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бу шаҳарлар оралиғидаги ўнлаб километрлар бошдан охиригача иморатларнинг излари, ғишт, сопол парчалари ва ҳоказолар билан қопланганини, юксак даражада тараккий қилган деҳқончилик рустоқлари, каналлар изларининг мавжудлигини кўрамиз. Бу ҳаддан ташқари катта ўзига хос харобазорнинг мавжудлиги Ёқутнинг юқорида эслатиб ўтган фикрини, яъни: "Унинг барча вилоятларида юрасанми, ё бозорларида юрасанми – бунинг фарқи йўқ. Ўйлайманки, Хоразм сингари бепоён ва кенг ер, шу сингари аҳолиси кўп юрт дунёда бўлмаса керак..." -деган сўзларини тўла-тўқис тасдиқлайди.

Қўҳна Урганчдан 60 км жануби-ғарбда жойлашган Ёрбакирқалъа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бу ёдгорликнинг хоазмшоҳлар даврига оид жуда катта савдо маркази бўлганлиги аниқланди. Бу ердан тугалланмаган жуда катта – 750 хона, 250 турар жойи бўлган ва томонлари 200 метрга чўзилиб кетган карвонсаройнинг топиб ўрганилиши юқоридаги фикрнинг тўла исботидир. Карвонсарой, афтидан, мўғул босқини оқибатида тугалланмай қолган⁹⁸.

Қўҳна Урганчдан 90 км жануби-ғарбда жойлашган яна бир йирик савдо маркази бу Шаҳарлик шаҳридир. Археологик тадқиқотлар натижасида бу ўрта асрлар манзилгоҳининг гир атрофини шимоли-ғарбда Оққалъа (Адоқ)гача, жануби-шарқда эса то Ёрбакирқалъагача бўлган худудни деҳқончилик майдонлари, қишлоқ қолдиқлари (билан) ўраб олганлиги аниқланди. Демак, бу катта деҳқончилик рустоғи бўлиб, Шаҳарлик унинг маркази бўлган. Шаҳарликнинг майдони 15 гектар бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти шундаки, у мудрофаа деворига эга эмас. Аммо археологик қазув ишлари давомида унинг худудидан топилган кўпдан-кўп кулолчилик, шишагарлик, тикувчилик, темирчилик ва бошқа хунармандчилик устахоналари, карвонсарой қолдиқлари ҳамда кўплаган тангаларнинг топилиши, мудрофаа тизимисиз ҳам, бу шаҳар катта савдо-хунармандчилик

⁹⁷ Бу ҳақда қаранг: Вишневская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях Левобережного Хорезма. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг. Т. II, вып. 7, с. 67. Андрианов Б.В. МХЭ, вып. 1, с. 147.; Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. –Т.: 1997, 617; 649-бетлар.

⁹⁸ Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. С.41-45. Вишневская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях Левобережного Хорезма. С.68-72. Бу ҳақда қаранг: Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг. Т. II, Вып. 7, с. 41-54, 54-73.

маркази бўлганини кўрсатади⁹⁹. Бу шаҳар, айниқса, мўғуллар ҳукмронлиги даврида гуллаб-яшнаган.

Чап қирғоқ Хоразмда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва хоразмшоҳлар даврига оид манбаларда юқоридаги шаҳарлардан ташқари: Субурна (Шоҳсанам), Жигарбанд, Садвар, Сафардиз, Кардаронхос (Қалъажик, Довудқалъа), Саракуста, Мангқишлоқ, Нузвор (Булдумсоз), Совкан (Олмаотишган), Варгада (Варагдах, Мунчокли), Куджаг (Тупроққалъа), Мадминия (Буғрохон), Гит (Пулжой), Қалъалик каби савдо марказлари бўлган.

Субурна (Шоҳсанам), Совкан (Олмаотишган) савдо марказлари Ёқут Ҳамавий асарларида Мовароуннахр ва Хуросон билан олиб борилган савдо-сотик ишларида асосий роль ўйновчи обод шаҳарлар бўлганлиги таъкидланади¹⁰⁰. Мунчокли шаҳрига IX-X асрларда асос солиниб, бу ерда ҳаёт узлуксиз то XIV асргача давом этган. Ҳар хил сопол идишлар ва бошқа турли археологик буюмлар қолдиқларининг топилиши бу манзилгоҳ хоразмшоҳлар даврида йирик савдо-хунармандчилик маркази бўлганлигини, атрофларидан эса жуда кенг майдонларда қишлоқ излари, каналлар ва суғориш иншоотлари қолдиқларининг топилиши унинг йирик деҳқончилик рустоғининг маркази бўлганлигини ҳам кўрсатади. Унинг ҳозирги умумий майдони 20 гектардан кўпроқ. Бу манзилгоҳ араб географи Ибн Руста эслатиб ўтган, Журжониядан 4 фарсах (24-32 км) қуйида жойлашган Варгада (Варагдағ) қишлоғига тўғри келади¹⁰¹.

Мунчокли манзилгоҳидан 48 км шимоли-ғарбда жойлашган Қалъалик, ундан 20 км шимолда жойлашган Тупроққалъа ҳаробаларини ўрганиш давомида иккала манзилгоҳ ҳам, энг аввало, йирик деҳқончилик рустоқларининг марказлари бўлганлиги маълум бўлди. Я.Ғ.Ғуломов ва В.Н.Ягодинлар Тупроққалъани араб географи Ал-Истахрий эслатиб ўтган Куджаг шаҳри бўлса керак, деган фикрни билдирганлар¹⁰². Бундан ташқари, иккала ҳудуддан ҳам турли ихтисосликка мўлжалланган жуда кўп устахоналарнинг (айниқса, кулолчилик ва шиша ясаш устахоналари кўпчиликини ташкил қилган) топилиши уларнинг кичикроқ савдо-хунармандчилик марказлари бўлганлигини кўрсатади.

Тупроққалъа (Куджаг)дан 20-23 км шимоли-шарқда ва ҳозирги Қўнғирот шаҳридан 17 км шимолда жойлашган Буғрохон шаҳар ҳаробасини ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, бу ёдгорлик арк, шаҳристон ва рабоддан иборат жуда катта савдо маркази бўлган. Буни шу ердан топилган турли хил археологик буюмлар ва бозор ўрни қолдиқлари тасдиқлайди. Унинг шаҳристонининг майдони 4 гектар, рабодники эса 25 гектардан иборат. IX асрда вужудга келган бу шаҳар Волгабўйи, Шарқий Европа ва кўчманчилар билан бўладиган муҳим савдо йўлида жойлашганлигидан жуда тез ўсган.

Бу ёдгорликни археологлар Ал-Истахрий, ал-Мақдисий асарларида ва "Худуд ал-Олам" асарида эслатиб ўтилган Мадминия (Мазминия, Мадкаминия ёки Бадминия) шаҳри бўлса керак, деган фикрни билдирадilar. Бундан ташқари, Мадминия - ибн Руста асаридаги Берабид шаҳри бўлса керак, деган тахмин ҳам бор¹⁰³. Буғрохон шаҳридан 36-37 км ғарбда яна бир йирик ўрта аср шаҳри Пулжой қолдиқлари топиб ўрганилди. Археологик тадқиқотлар бу ёдгорликнинг IX-XI асрларда вужудга келганини, хоразмшоҳлар даврида эса (XII-XIII асрлар) бу ёдгорлик ҳам чегара истехкоми, ҳам Хоразмнинг Волгабўйи ва Шарқий Европа билан бўладиган савдо йўлида жойлашган

⁹⁹ Ўша жойда: с.53.

¹⁰⁰ МИТТ, т.1, с.423-424.

¹⁰¹ Бу ҳақда қаранг: Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования левобережной части Приаральской дельты Аму-Дарьи. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг. Т.П. Вып.7, с.77-79.

¹⁰² Ғуломов Я.Ғ. Қадимги Хоразм суғорилиш тарихи.161-бет. Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Аму-Дарьи. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг.Т.П. Вып.7, с.83.

¹⁰³ Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Аму-Дарьи. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг. Т.П. Вып.7, с.90. Ғуломов Я.Ғ. Қадимги Хоразм суғорилиш тарихи. 158-бет.

йирик савдо маркази бўлганини кўрсатади. Айниқса, бу савдо марказининг кўчманчилар билан бўлган савдо муносабатларидаги ўрни бекиёс бўлган. Я.Ф.Ғуломов ва В.Н.Ягодинлар бу савдо марказини араб манбаларида эслатиш билан Гит шаҳри билан таққослайдилар¹⁰⁴.

Чап қирғоқ Хоразмда бу шаҳарлардан ташқари, яна араб манбаларида эслатиш билан Даскохонхос, Рузунд, Вазарманд ва бошқа шу каби шаҳарлар ҳам мавжудки, уларнинг ўрнини тахминан бўлса-да, аниқлаш қийин бўлмоқда.

Мўғуллар истилоси арафасида ўнг қирғоқ Хоразмнинг Гавхоре канали атрофларида жойлашган ҳудуд ҳам анча гуллаб-яшнаган эди. Араб ёзма манбаларида X асрда эслатиш ўтилган Миздахқон, Нузкат, Нукфаг, Кардор, Баратегин, Жувакин, Шўрохон шаҳарлари, археологик қидирувлар натижасида ўрганиш билан Норинжон, Гулдурсун, Жанпикқалъа, Қаватқалъа шаҳарлари XII-XIII асрларда янада кенгайган ва ривожланган.

Ўнг қирғоқ Хоразмнинг энг аҳоли зич жойлашган ҳудуди Қаватқалъа шаҳри атрофлари бўлиб, бу ерда юқорида айтиш ўтганимиздек, ҳар бир кв.км га 200-250 кишидан тўғри келган. Қаватқалъа атрофларидаги жуда кенг майдон деҳқончилик рустоқлари билан қопланган. Қаватқалъадан топилган ҳар хил буюмлар бу шаҳар деҳқончилик рустоғи маркази бўлиши билан бирга, йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази ҳам бўлганлигини кўрсатади. У Мовароуннаҳр билан Қизилкум орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг кичик тармоғи орқали савдо муносабатлари олиб борган.

Ўнг қирғоқ Хоразмнинг яна бир йирик савдо маркази Шўрохон бўлиб, у Мовароуннаҳрдан келадиган савдо йўлидаги энг йирик шаҳар бўлган. Гавхоре канали воҳасидаги деҳқончилик қилинадиган ерлар ҳам Шўрохон шаҳридан бошланган. Шўрохон Хоразмни Мовароуннаҳр билан боғловчи бутун ўрта асрларда машҳур бўлган Сепоя (Уч Ўчок) савдо йўлида жойлашганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у анча эрта шаклланган ва то мўғуллар истилосигача ҳам Хоразмнинг энг муҳим савдо маркази сифатида фаолият олиб борган. Умуман, Гавхоре канали атрофлари Хоразмнинг энг обод ўлкаларидан бўлиб, ёзма манбаларда жуда кўп тилга олинган. Археологик маълумотлар ҳам бу ерда жуда кўп ўрта аср қалъалари, шаҳарлари қолдиқларини, рустоқлар изларини топиб ўрганиш асосида буни тўла тасдиқлайди. Гавхоре канали жуда катта узунликка – 12 фарсах (72 км)га тенг бўлган (манбаларга ишонадиган бўлсак, унда кемалар ҳам қатнаган). Ушбу каналнинг ўзанида жойлашган Норинжон ва Гулдурсун шаҳар ҳамда қалъалари тўғрисида юқорида фикр юритган эдик. Ушбу савдо марказлари бу даврда ҳам тараккий қилган.

Ўнг қирғоқ Хоразмнинг яна бир йирик савдо маркази Миздахқон бўлиб, X асрда Мақдусий қадимда ўнг қирғоқ Хоразмдан ўтган учта асосий савдо йўли ҳам Миздахқонга олиб борганлигини келтириб ўтади¹⁰⁵. Бундан кўришиб турибдики, Миздахқон X асрдан бошлаб, юқорида кўрсатиш ўтганимиздек, фақат йирик рустоқ маркази бўлиши билан бирга, ўнг қирғоқ Хоразмнинг X-XIII асрлардаги энг йирик савдо маркази ҳисобланган. Мовароуннаҳрнинг бой савдо шаҳарлари билан боғловчи учта савдо йўли Миздахқонда бирлашиб, кейинчалик Амударёдаги асосий кечув йўли орқали Гурганжга борган. Миздахқон яна ўзининг географик ўрнига кўра кўчманчиларга (айниқса, ўғузларга) яқин жойлашганлигига кўра унинг кўчманчилар билан бўладиган савдода ҳам, энг муҳим марказлардан бири бўлган дейишимизга ҳам асос бор.

Мақдусий келтириб ўтган Нузкат, Нукфаг, Баратегин ва Жувакин шаҳарлари тўғрисида XI-XIII аср манбаларида деярли ҳеч қандай сўз юритилмаса-да, шу асрлардаги иқтисодий таракқиётнинг юқори бўлганлигига, айниқса, савдо-сотикнинг анча ривожланганлигига қараб фикр юритадиган бўлсак, бу шаҳарлар ҳам Хоразмнинг йирик савдо марказлари бўлганлигини ишонч билан айтиш мумкин. Фақат Ёқут Ҳамавий XIII аср бошларида Нузкатни Гурганж яқинидаги шаҳарча сифатида эслатиш ўтади¹⁰⁶.

¹⁰⁴ Ягодин В.Н. Кўрсатилган асар. 96-бет; Ғуломов Я.Ғ. Кўрсатилган асар. 159-бет.

¹⁰⁵ МИТТ, т.I, с.206.

¹⁰⁶ МИТТ, т.I, с.436.

Я.Ғ.Ғуломов уни ҳозирги Жумиртов этагидаги Жумирқалъа ҳаробаси ўрнида бўлган, деган тахминни билдиради¹⁰⁷. Я.Ғ.Ғуломов яна Жувакинни ҳозирги кундаги Қуюққалъа ёдгорлиги, Нукбоғ (Нукфаг)ни Эски Порсу ёдгорлиги, Баратегинни эса ҳозирги Қизқалъа ёдгорликлари ўрнига тўғри келиши мумкинлигини таъкидлайди. Агар шу ёдгорликлар ҳам тўлиқ ўрганилса, Хоразмнинг бошқа савдо марказлари тўғрисида, ёки агар Я.Ғ.Ғуломовнинг фикрининг тўғрилиги тасдиқланса, Жувакин, Нукбоғ (Нукфаг) ва Баратегин шаҳарлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин бўлар эди.

Юқоридаги савдо марказлари ҳаёти билан танишишимиз давомида, XII аср ўрталаридан – XIII аср бошигача бўлган давр, яъни хоразмшоҳ-ануштегинийлар даври, ҳақиқатан ҳам, Хоразм савдо марказларининг энг гуллаб яшнаган даври эканлигига яққол ишонч ҳосил қиламиз. Буни шу давр манбалари ҳам, археологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Аммо, афсуски, бу ривожланиш узоқ давом этмаган. Хоразмнинг сўнгги ҳуқумдорларидан бири Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида (1200-1220 йиллар) Хоразм давлати ўз қудратининг энг юқори чўққисига чиққан давр бўлиб, худудий жиҳатдан ҳам, ҳарбий жиҳатдан ҳам дунёда тенги йўқ давлат эди. Ўша даврда Хоразмшоҳга 27 та ҳокимлик бўйсунган. Аммо буларнинг ҳаммаси Хоразмшоҳлар давлатига ташқаридан назар солгандагина шундай туюлар эди. Агар бу давлатга ички тарафдан назар соладиган бўлсак, буларнинг барчасининг бошқачароқ эканлигини кўриш мумкин эди. Ички ҳаётда кўчманчи турк қабилаларидан иборат улкан армия лашкарбошилари, қabila сардорлари ва маҳаллий зодагонлар вакиллари ўртасида беаёв сиёсий кураш бошланиб кетган бўлиб, бу кураш хоразмшоҳ атрофидаги сарой доиралари ўртасида ҳам жиддий тус олган эди. Мамлакатда ўзига хос иккиҳокимлик ўрнатилган бўлиб, ўзини "иккинчи Искандар", "иккинчи Султон Санжар" деб атаган, аслида эса, сиёсатда ниҳоятда укувсиз бўлган хоразмшоҳ Муҳаммад ўз онаси Турконхотуннинг тўла итоатида эди. Қипчоқ уруғидан бўлган ва ниҳоятда шуҳратпараст Турконхотун эса давлатнинг ички ва ташқи ишларида иккинчи ҳукмдор, айрим масалаларда эса ҳатто ўғлига муҳолиф ҳам эди. Саройдаги кўпгина лавозимларга у ўз одамларини, қариндош-уруғларини ўтказишга муваффақ бўлди. Саройда унинг ҳукми ўғлиниқидан ҳам юқори туриб, мамлакатдаги барча сиёсий низо ва ифвогарликларда унинг қўли бор эди. Унинг қариндош-уруғларининг таъсири остидаги турк гуруҳлари ҳокимиятни ўз қўлига олишга уриндилар. Бунга хоразмшоҳнинг ўғли ва тахт эгаси Жалолиддин Менкбурни ҳамда унинг тарафдорлари қарши турарди. Хоразмшоҳнинг анча ношуд сиёсатдонлиги, ўта шуҳратпарастлик ҳулқ-атвори ҳам мамлакатда шундай ўзаро қарама-қарши кучларнинг вужудга келишига, бунинг оқибатида мамлакатнинг ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий жиҳатдан заифлашувига олиб келганди.

XIII асрнинг унингчи йилларида бундай кескин вазият ҳукм сурган бир вақтда, Шарқдан янги хавф вужудга келади: ҳозирги Мўғулистон худудида Чингизхон бошлиқ кучли кўчманчилар давлати тузилди. Чингизхон қадимги савдо йўли – Буюк Ипак йўлида бўлган барча мамлакатларни ўз ҳукмронлигига бирлаштиришга ҳаракат қилди. Шарқда кучли душманнинг вужудга келиши ва у томонидан 1215 йилда Хитойнинг босиб олиниши Хоразмшоҳнинг дунёга ҳоким бўлиш режаларини барбод қилди (у бу борада ҳатто ғарбда Бағдодга ҳам юриш қилиб кўрган эди). Хоразмшоҳ мўғул давлатининг юксалиб кетаётган қудратини менсимай, Хоразмга нисбатан вақтинча ниҳоятда айёрона ва мўътадил сиёсат ўтказган Чингизхоннинг ғазабини келтирди, бу билан у Чингизхоннинг ғарбга бўладиган муқаррар юришини тезлаштирди.

Мўғуллар хоразмликлар билан биринчи марта 1218 йилда ҳозирги Қозоғистон худудида тўқнашди. Такаббур хоразмшоҳ, аввало, ўз душманини менсимади, аммо тез орада шароитнинг жиддийлашиб бораётганини сезиб, саросимага тушди ва душман билан очиқ жанг қилишга қарор қилмади. Натижада у нафақат ўзига, балки бутун давлати учун сўнгги ўлим ҳукмини ўқиди. Яъни жуда кучли, уюшган ва интизомли, аммо, камсонли

¹⁰⁷ Ғуломов Я.Ғ. Қадимги Хоразм суғорилиш тарихи. 156-,158-бетлар.

(250000 кишига яқин) мўғул армиясига қарши ўзининг сон жиҳатдан устун (400000 га яқин жангчи) бир бутун армиясини қарши қўйиш ўрнига, ҳокимиятдан ажралишдан кўриқиб (бундай хавф учун етарли сабаблар ҳақиқатда борлигини юқорида кўриб ўтган эдик), армиясини шаҳарларга бўлиб юборди, ҳар бир шаҳар ўзини-ўзи ҳимоя қилсин деган мутлоқ яроқсиз ва аҳмоқона қарор қабул қилди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1219 йилда бошланган мўғул босқини, бизнингча, Чингизхоннинг ўзи ҳам кутмаган тезликда то 1221 йилгача улкан Хоразмшоҳлар давлатининг асосий қисми забт этилди. Ўттор, Хўжанд, Бухоро, Самарқанд, Жанд, Гурганж, Термиз, Марв, Балх ва Ҳирот каби юксак даражада тараққий қилган иқтисодий-маданий марказлар мўғуллар томонидан босиб олиниб, яқсон қилинди.

Форс тарихчиси Рашидиддиннинг ҳақли равишда таъкидлаганидек: "Хоразм ипи узилиб ерга ёпирилиб қолган чодир тагида қолди".

Тўғри, халқ ва баъзи лашкарбошилар (Темур Малик, Жалолиддин) босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Аммо мўғуллар босқини арафасидаги иккиҳокимиятчиликнинг ёмон оқибатлари айнан шу ерда бўй-басти билан кўриндики, Турконхотун ёрдами билан ҳокимият тепасига келган на ҳарбий, на сиёсий жиҳатдан уқуви бўлмаган ҳоким ва лашкарбошилар халқ манфаатидан ўз манфаатларини устун қўйиб, сотқинлик йўлига кирдилар, шаҳарларни ва халқни истилочиларнинг қурбони сифатида ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Мўғул лашкарлари ўзлари босиб олган маданий ерлардаги барча буюмларни қўлга киритдилар. Қадимий бой шаҳарлар қанчалик қаршилик кўрсатмасин, талон-торож қилинди ва вайронага айлантирилди. Қаттиқ қаршилик кўрсатган шаҳарлар эса, умуман, йўқ қилиниб, аҳолиси қириб ташланди.

Хоразмнинг юқорида тилга олиб ўтилган ва ўтилмаган барча савдо марказлари, шаҳарлар ва қалъаларнинг биронтаси ҳам вайронагарчиликдан четда қолмади. Айниқса, Гурганж ва Чап қирғоқ Хоразмнинг баъзи шаҳарлари қаттиқ таланди. Рустоқлар, суғориш иншоотлари йўқ қилинди, деҳқонлар ва шаҳар хунармандлари қисман қириб юборилди, кўпгина қисми Мўғулистонга ҳайдаб кетилди. Кўпгина савдогарлар, дин вакиллари ва бошқа аҳоли Ғарбдаги мамлакатларга қочиб кетишга мажбур бўлдилар. Барча босиб олинган ерлар 1224 йилда Чингизхон ўғиллари ўртасида катта улус сифатида тақсимланган. Хоразм ҳамда ҳозирги Қозоғистон ҳудудининг ғарбий қисми, Россиянинг Европа қисми шарқий ҳудуди Жўжига улус қилиб берилди. Хоразмнинг жанубий қисмини Кат ва Хива шаҳарлари билан Чиғатой улусига қўшиб берилди. Хуллас, мўғул босқини Хоразм савдо шаҳарларининг ривожини, савдо-сотик алоқаларини бир оз тўхтатиб қўйди. Кўпгина шаҳарлар – Тоҳирия, Дарғон, Жигарбанд, Садвар, Кардаронхос, Совкан, Ардахушмисан, Нузвор, Гулдурсун, Шўрохон, Норинжон, Қаватқалъа, Миздахқон, Курдор каби шаҳарлар ҳамда қалъалар эса абадий харобага айланиб қолди. Қолган шаҳарлар ва қишлоқлардаги ҳаёт бир қанча вақт ўтиши билан тикланган эди. Аммо бу ерда аҳолининг бутунлай қириб юборилиши ва барча шаҳар ҳамда рустоқларнинг вайрон қилиниши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, чунки солиқ йиғиб олишга қизиққан мўғуллар Хоразмда аҳоли бўлиши кераклигини тушунган эдилар. Бу борада мўғул империясининг бошлиғи Ўгадойхоннинг (1229-1239 йиллар) Мўғулистондан асирларнинг маълум қисмини ўз ватанига қайтариш тўғрисидаги фармони диққатга сазовордир. Бунинг устига мўғуллар мамлакатлар иқтисодини қўллаб-қувватлаш зарурлигини тушуниш борасида анча узокни кўрар эдилар. Шунинг учун мўғул империясининг бепоён ерларида ҳудудлар ўртасида иқтисодий алоқа қилиш ва хавфсиз қарвон савдосининг юриши таъминланган эди. Хунармандлар марказий шаҳарларга жойлаштирилган ва улар маҳсулотларини сотиш учун ишлар эдилар. Олтин Ўрданинг Сарой Берка, Сарой Боту ва Урганч шаҳарлари қарвон савдосининг маркази бўлиб қолган эди, бу ерларда хунармандчилик ва маданий ҳаёт ривожланган эди.

Бу ривожланиш, айниқса, Хоразмнинг чап қирғоқ қисмига, яъни Олтин Ўрда таркибига кирувчи қисмига тааллуқли бўлиб, Олтин Ўрда хонлари бошқа мўғул улуслари

хонларига нисбатан иқтисодни ривожлантириш зарурлигини тушуниш борасида анча олдинда эди.

XIII асрнинг иккинчи ярмиданоқ илгари вайрон қилинган шаҳарларнинг кўпчилиги тикланди, янгилари барпо қилинди, суғориш иншоотлари ҳам таъмирланди.

Хоразм ва Волгабўйи, Шарқий Европа шаҳарлари ўртасида савдо бутунлай жонланиб кетган эди.

Айниқса, Урганч тезда тикланди ва Олтин Ўрда таркибида энг йирик савдо-хунармандчилик ҳамда маданий марказларидан бирига айланди.

Урганч шаҳри иморат излари майдонининг катталиги, XIII-XIV аср маданий қатламининг миқдори ва қалинлиги, сақланиб қолган ўша замон меъморчилиги иншоотларининг излари, хунармандчиликнинг ҳар хил қолдиқлари шаҳарнинг бу даврда буюк иқтисодий кўтарилишни босиб ўтганлигидан ва ўзининг бутун тарихида кўрмаган кудратга эришганлигидан далолат беради.

Олтин Ўрда даври шаҳарларининг кўпчилигида рабодлари муодофаа тизимига эга эмаслиги ҳам бу давлат хонларининг шаҳарлари ва уларнинг фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашга тўлиқ эришганларини кўрсатадики, бунинг натижаси ўларок, шаҳарлар деворлари ўзининг асосий муодофаа қилиш вазифаси аҳамиятини йўқотади. Бундай ҳолатни шу давр манбалари ҳам очиқ-ойдин кўрсатади. 1333 йилда Хоразмда бўлган араб сайёҳи Ибн Баттута ўлканинг ўз табиий бойликлари, савдо-сотик миқёслари билан танишиб, бу нарсаларнинг мўллигидан, савдонинг ривожланганлигидан ҳайратга тушган эди. Ибн Баттута Хоразм бозорларига катта эътибор билан қараган эди. Урганч шаҳрини тасвирлар экан: "Бу – туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ва жозибадор, кўркам жойлари бор. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки – у мавжланиб турган денгизни эслатади. Бир куни шаҳардан отда ўтиб бораётиб, бозорга кирдим, ярмига етганимда, "шўр" деб аталадиган жуда гавжум жойдан чиқиб қолдим. Одам шунчалик тумонат эдики, мен олдинга ҳам, ортимга ҳам силжий олмадим", -деб ёзган эди¹⁰⁸. Ибн Баттута Хоразмга келгунига қадар Яқин Шарқнинг Қоҳира ва Дамашқ каби йирик шаҳарларида бўлган. У, Хоразмнинг пойтахти Урганчни тасвирлаганида, худди ўша шаҳарларга нисбатан айтган ибораларини қўллайди. Демак, Ибн Баттута келган 1338 йилда Урганч чиндан ҳам Қоҳира ва Дамашқ каби энг йирик шаҳарлардан қолишмас экан. Урганч Олтин Ўрда даврида қайтадан тикланган илгариги Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи – Хоразмни Волгабўйи, Дашти Қипчоқ ва Шарқий Европа билан боғловчи йўлда яна асосий марказ бўлиб қолган. Ибн ал-Асир маълумотларига кўра, Марказий Осиёни мўғуллар босиб олгандан кейиноқ, мўғул лашкарбошилари Жебе ва Субутой нуёнлар юриши даврида тўхтаган Дашти Қипчоқ билан боғловчи йўл яна қайта ўз фаолиятини бошлаган¹⁰⁹. Марказий Осиёни Хитой ва Ҳиндистон билан боғловчи Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғи ҳам худди шу даврда қайтадан иш бошлаган эди. Буни ёзма манбалар билан бир қаторда археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Бутун Марказий Осиё ва Хоразм худудидан Хитой селадон идиш-товоқлари ва Эроннинг "миной" типидagi қандилсимон идишлар жуда кўп миқдорда топилган. Лекин Хоразм ажнабий молларни айирбошлаш борасидаги йирик бозор ва боғловчи халқа булиши билан бирга, ўзи ҳам жаҳон бозорига турли-туман маҳсулотлар етказиб берувчи мамлакат бўлган. Ибн Баттутанинг кўрсатишича, илгаридан жаҳонга донғи кетган Хоразм қовунларига XIV асрда ҳам талаб катта бўлиб, Ҳиндистон ва Хитойнинг энг чекка жойларигача чиқарилган¹¹⁰. Хуллас, Хоразм савдо марказлари, айниқса, Урганч Олтин Ўрда давлатининг энг ривожланган ва бой худудларига айланган. Юқорида келтирилган хоразмшоҳлар даври савдо марказларининг баъзилари қайтадан тикланганини ва янги шаҳарлар вужудга келганини эслатиб ўтган эдик. Ана шундай йирик савдо-

¹⁰⁸ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. 58-бет.

¹⁰⁹ Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. I, с. 112.

¹¹⁰ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. 62-бет.

хунармандчилик марказларидан бири Устюртнинг жануби-шарқда жойлашган Шемахақалъа шаҳри бўлиб, таниқли археолог-этнограф С.П.Толстов уни XVI-XVII аср манбаларидаги Тирсак шаҳри билан бир шаҳар бўлган, деган фикрни билдирган. Яна бир таниқли археолог Я.Ғ.Ғуломов Шемахақалъани ҳозирги кунда Девкесканқалъа (Вазир) ҳаробаларидан 7-8 км шарқда жойлашган Кумкенд қишлоғи ўрнида бўлган, деган фикрни билдиради. Аммо кейинги археологик тадқиқотлар бу икки фикрнинг ҳам нотўғрилигини, Шемахақалъа кўпроқ XVI-XVII аср манбаларида эслатилган яна бир шаҳар Янгишаҳарга тўғри келишини кўрсатмоқда¹¹¹. Умуман, Шемахақалъа Хоразмшоҳлар даврида вужудга келган бўлиб, унинг гуллаб-яшнаган даври Олтин Ўрда даврига тўғри келади. Бундан ташқари, Шемахақалъада мудофаа тизими йўқ бўлиб, бу шаҳар шу давр сиёсий ҳаётига боғлиқ равишда тинчлик вазиятида ривожланиб, гуллаб-яшнаган. Хоразм археологик-этнографик экспедицияси ходимлари томонидан ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида шаҳардан турли соҳага оид хунармандчилик кварталлари, кулолчилик, металлургия ва бошқа хил хунармандчилик ишлаб чиқариш устахоналари қолдиқлари топилди ва ўрганилди. Шемахақалъанинг Олтин Ўрданинг энг муҳим савдо марказларидан бири бўлганлигини, шаҳар худудидан топилган жуда кўплаган Олтин Ўрда хонлари тангалари ҳам исботлайди. Мўғуллар томонидан вайрон қилинган Замахшар ва Давдонқалъа оралиғи ҳам XIII аср охиридан оқ қайтадан яна ўзлаштирилиб, XIV асрга келиб анча ривожланган. Аммо хоразмшоҳлар давридаги даражасига ета олмаганлигини таъкидлаш керак.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, Шимолий Довдон ва Дарёлик дарёлари оралиғидаги худуд мўғул босқинидан кейин ҳам илгариги даражасидек ривожланган. Бу ёдгорликлардан топилган кўпгина тангаларнинг аксари Олтин Ўрдага тааллуқлилиги бунинг яққол далилидир. Амударёнинг Оролбўйи дельтасининг чап қирғоғида жойлашган яна бир йирик савдо маркази Мунчокли тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу ерда ҳам ҳаёт то XIV аср охиригача узлуксиз давом этган. Мунчоклидан 36 км шимоли-ғарбда жойлашган Катанли (Катанқалъа) ёдгорлиги эса Хоразмнинг Олтин Ўрда таркибида энг асосий роль ўйнаганлигининг натижаси ўлароқ, вужудга келган Олтин Ўрда даври шаҳри дейиш мумкин. Бу ёдгорлик XIII-XIV асрларга тегишли бўлиб, майдони 5 га ни ташкил этади. У йирик рустокнинг маркази бўлганлиги археологик тадқиқотлар натижасида исботланди. Бу худуддан жуда кўпгина археологик буюмлар, қишлоқлар ва каналлар қолдиқлари, Олтин Ўрда тангалари топилди ва ўрганилди.

Хоразмшоҳлар даврида кўчманчилар, Волгабўйи ва Шарқий Европа билан бўладиган савдо йўли устида жойлашган йирик савдо марказлари Куджаг (Қалъалик), Мадминия (Буғрохон), Гит (Пулжой) шаҳарлари ўзларининг қулай географик мавқеига кўра мўғул босқинидан кейин ҳам тезда тикланиб, илгаригидан кўра ҳам яхши ривожланганлиги маълумдир. Бу шаҳарлар Олтин Ўрда орқали Волгабўйи ва Шарқий Европани бутун Мовароуннаҳр, Эрон, Кавказорти, Ҳиндистон ва Хитой билан боғлаган. Бундан ташқари, Гит, Мадминия ва Куджаг шаҳарлари фақат савдо марказлари бўлиб қолмасдан, йирик деҳқончилик рустоклари ва хунармандчилик марказлари ҳам ҳисобланган. Аммо бу шаҳар ривожини узоқ давом этмаган. Амударё эски ўзанининг қуриб, ўз оқимини ўзгартириши натижасида XIV аср 2-ярмида бу шаҳарларда ҳаёт сўнган. Пулжой (Гит) эса XV асрга келиб, Орол денгизи остида қолиб кетган. Хоразмшоҳлар даврининг йирик савдо маркази бўлмиш Ёрбакирқалъада ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, шаҳар мўғул босқинидан кейин ҳам ривожланиб, у ерда ҳаёт анча жонланган. Бу ердан Олтин Ўрда хонларидан Жонибек (1345-1346) ва Бердибек (1357-1359) тангалари топилган¹¹².

¹¹¹ Бу ҳақда қаранг: Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 332-333-бетлар. Ғуломов Я.Ғ. Қадимги Хоразм суғорилиш тарихи. 182-бет. Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг.

¹¹² Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. //МХЭ; Т. II, с.41-45.

Бундан ташқари, шаҳардан бошқа барча шаҳарларга хос бўлган карвон саройлар, хунармандчилик устахоналари қолдиқлари топиб ўрганилган. Олтин Ўрда даври Хоразм савдо марказларидан яна бири бу Шаҳарлик шаҳри бўлиб, у ҳам Хоразмшоҳлар даврида вужудга келганлиги юқорида эслатиб ўтилган эди. Аммо унинг энг гуллаб-яшнаган даври Олтин Ўрда даври бўлиб, Хоразмшоҳлар (X-XIII асрлар) ва темурийлар даврига (XIV-XVI асрлар) оид археологик буюмлар кам учрагани ҳолда, Олтин Ўрда даврига (XIII-XIV асрлар) оид материаллар жуда кўп учрагани буни тўла тасдиқлайди. Шаҳардан 400 га яқин танга топилган. Улар орасида 2 таси хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Такашга, 5 таси темурийларга мансубдир. 305 та танга эса Хоразмда Олтин Ўрда хонлари номидан 1301-1388 йиллар оралиғида зарб қилинган¹¹³. Шаҳардан ҳатто Ҳиндистонга мансуб товарларнинг топилиши, Хоразмнинг бу даврда Ҳиндистон билан ҳам савдо-сотик муносабатлари олиб борганини кўрсатади (бу ҳақда қуйроқда батафсил тўхталиб ўтилади).

Чигатой улуси таркибига кирган Хива ҳам XIII аср охирига келиб, тўлалигича қайта тикланди. Шаҳар иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнаган хунармандчилик ўзининг барча турлари бўйича босқичма-босқич ривожлана бориб, баъзи соҳаларда юксак ютуқларга эришилди. Масалан, хунармандчиликнинг кулолчилик йўналишини оладиган бўлсак, кошинкор идиш ишлаб чиқариш ўзининг энг юксак даражасига кўтарилди. XIII-XIV асрларда сопол идишларга бадий ишлов беришда турли хил услубларни қўллаш кенг қўламда ривожланди. Идишлар сиртига рангли глазур бериш, кабарик чизикли нақш солиш ва штамп босиш кенг ривожланди. Идишлар сиртига берилган хилма-хил нақшлар орасида ўсимлик ва жониворларнинг суратларини туширишга алоҳида эътибор берилди. Бадий юксак ишланган нақшинкор идишлар сиртига люстравий гул бериш услуби пайдо бўлди.

XIII-XIV асрлар шаҳар хунармандчилиги ҳаётида бошланган бу тараққиёт, кейинги асрларда ўзининг энг юқори нуқтасига кўтарилди.

Хива Буюк Ипак йўлининг шимолий мамлакатлар билан боғлаб турувчи халқаро савдо марказларидан бири сифатида Волгабўйи, умуман, Рус ерлари билан алоқани кучайтирди. Хиванинг савдо алоқалари нафақат шимол билан, балки ундан жанубда жойлашган вилоят ва мамлакатлар билан ўрта ва Яқин Шарқ билан ҳам кенг қўламда ривожланди. 1400-1401 йилларда зарб қилинган Амир Темур кумуш тангаларининг Хивадан топилиши унинг шу даврда йирик шаҳарлардан бири бўлганлигининг яна бир далилидир¹¹⁴.

Ўнг қирғоқ Хоразм савдо шаҳарлари тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, бу даврда илгариги мавқеини тиклай олмаганлар.

Ибн Баттута ўз саёҳатномасида Урганчдан Катгача аҳоли яшайдиган қишлоқларни учратмаганлиги ҳақида сўз юритган эди. Аммо бу билан илгаридан машҳур бўлган ва Бухорога олиб боровчи мазкур йўлда бирорта қишлоқ ёки шаҳар бўлмаган, у фақат саҳродан иборат, деган фикр ҳам нотўғри бўлур эди. Афтидан, Ибн Баттута катта обод қишлоқлар бўлмаганлиги ҳақида фикр юритган бўлса керак.

Кат илгариги мавқеини тиклай олмаган бўлса-да, Мовароуннаҳр билан бўладиган савдо йўлида жойлашганлигининг ўзиёқ, бу шаҳар кейинчалик ҳам кичик бўлса-да, савдо маркази сифатида роль ўйнаган.

Археологик тадқиқотлар ўнг қирғоқ Хоразм шаҳарларидан яна бири, Катдан юқорида жойлашган Шўрохоннинг мўғуллар ҳукмронлиги даврида ҳам йирик савдо ва хунармандчилик маркази бўлиб қолганлигини кўрсатадики, бу бизнинг юқоридаги фикримизни тўла тасдиқлайди.

Хоразмнинг Олтин Ўрда давридаги хўжалик юксалиши, унга яна мустақил фаолият юритиш имкониятини берди. Аммо бу мустақиллик узоқ давом этмади. Тахминан XIV асрнинг 60-йилларида Олтин Ўрданинг сўнгги кучли хони Ўзбекнинг ўлими натижасида

¹¹³ Ўша жойда: с.53.

¹¹⁴ Хива минг гумбаз шаҳри. –Т.: 1997, 29-30-бетлар.

бу давлатда бошланган парокандаликдан фойдаланиб, Ўзбекнинг Хоразмдаги ноиб Кутлуғ Темур мустақил сиёсат юргиза бошлаган эди. Шу даврдан бошлаб, Хоразмда ҳокимият тепасига Кўнғирот уруғидан бўлган Сўфилар сулоласи келиб, тез орада Шимолий ва Жанубий Хоразмни бирлаштирдилар. Кўнғирот сўфилари олтин динар ва “исми йўк” тангалар зарб қилдириб, муомалага киритдилар. Бунинг устига 1379–1380–1391 йилларда Олтин Ўрда хони Тўхтамиш номидан кумуш тангалар ҳам зарб қилинган¹¹⁵.

Аммо бу даврда Мовароуннахрни бирлаштириб, унинг ягона ҳукмдори бўлган Темур, мўғуллар истилосидан кейин анча ҳолдан тойган Мовароуннахрда марказлашган кучли давлат тузишга ва тартиб-қонун ишларини жорий этишга киришган эди. Хоразмда мустақил давлатнинг вужудга келиши эса Темурнинг феодал тарқоклик, ўзаро низоларга чек қўйиш сиёсатига зид эди. Хоразмни Чиғатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблаган Темур Хоразмни қўлга киритиш сиёсатини тутди. Бунинг устига Темур Олтин Ўрда орқали ўтувчи Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғини ҳам Мовароуннахр орқали ўтиши учун курашди. Бу мақсадни амалга ошириш учун Темур Хоразмга 1372-1388 йиллар давомида 5 марта юриш қилди ва 1388 йилдаги бешинчи юриш давридагина, уни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Темурнинг охириги юришида Урганч шаҳри вайрон этилган бўлса-да, аммо у тезда, яъни 1391 йилдаёқ бу шаҳарни қайтадан тиклашга рухсат берди. Темур ўзининг асосий рақиби, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан бўлган курашда уни енгиб, то Москва остонасигача қувиб борди. Қайтишда Олтин Ўрданинг йирик сиёсий-иқтисодий ва савдо марказлари – Сарой Боту, Сарой Берка ва Ҳожитархон (Астрахан) шаҳарларини вайрон қилди. Натижада Хитойни Яқин Шарқ мамлакатлари билан боғлаган савдо йўлининг Олтин Ўрда орқали ўтган шимолий тармоғи барҳам топиб, бутун савдо қатнови яна Мовароуннахр шаҳарлари орқали амалга оширила бошланди. Умуман, Темурнинг улкан, бир бутун, яхлит ва марказлашган давлат тузиши, шу ҳудудда сиёсий барқарорликнинг мавжуд бўлиши иқтисодиётда, айниқса, савдо-сотикда ижобий ўзгаришларнинг юз беришига олиб келган. Чунки бу даврда, шубҳасиз, Темур ва унинг маҳаллий ноиблари Хитой ва Ҳиндистондан Марказий Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига йўналган асосий халқаро савдо йўли – Буюк Ипак йўлини эгаллаб, савдо қарвонлари қатнови хавфсизлигини таъминлашда муҳим чора-тадбирлар кўрадилар ва Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотик ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга ғоят катта эътибор берадилар. Хоразмдаги Темур даври савдо марказлари тўғрисида тарихчилар Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий асарлари ва бошқа бир қанча манбаларда бир қатор маълумотлар мавжуд. Бу манбаларда Вазир, Тирсак, Янгишаҳар (Шемаха-қалъа), Адоқ (Оққалъа), Кумкенд, Бағдодик, Хива ва қайта тикланган Урганч каби шаҳарлар тўғрисида сўз юритилади ва уларнинг бу даврда ҳам бой савдо шаҳарлари бўлганлиги эслатиб ўтилган. Гарчи Хоразмшоҳлар ва Олтин Ўрда даври савдо шаҳарлари билан тенглаша олмасада, бу даврда Янгишаҳар (Шемахақалъа), Кумкенд ва Тирсак шаҳарлари йирик савдо-хунармандчилик марказлари бўлганлиги манбаларда кўп бора эслатилади. Буни археологик тадқиқотлар ҳам тўла-тўқис тасдиқлайди. Аммо Темур вафотидан кейин темурийлар ўртасида бошланган ўзаро курашлар бу ривожланишга барҳам берди. Хоразм то XVI аср бошигача гоҳ темурийларга, гоҳ Олтин Ўрдага, гоҳ Дашти Қипчоқ ўзбекларига бўйсуниб турган ва улар ўртасидаги жанг майдонига айланиб қолган. Айниқса, темурий шаҳзодаларнинг Хоразм учун бўлган кўпдан-кўп урушларидан фойдаланган Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбекларининг йилдан-йилга кўпайиб борган талончилик юришлари, Хоразм савдо марказлари учун ҳалокатли бўлган. Бунинг оқибатида, XV аср давомида Хоразм аста-секин асосий савдо йўлларида четда қола бошлаган. Дашти Қипчоқдаги кўчманчи ўзбек хонлари ва султонлари ўртасидаги ўзаро курашларнинг авж олиши Хоразмни узоқ вақтгача Шарқий Европа ва Волгабўйидан ажратиб, савдонинг тўхтаб қолишига олиб келган. Ўзаро феодал урушлар,

¹¹⁵ Мамбетуллаев М.М., Юсупов О. АмирТемур ва кўнғирот сўфилари. АмирТемур Жанубий Оролбўйларидан. –Нукус, 1997.

хатто ички савдо-сотикқа ҳам тўсиқ бўлган. XVI асрга келиб, Буюк Ипак йўлининг ҳам деярли ўз фаолиятини тўхтатиши билан Хоразм савдо шаҳарлари фаолияти анча қисқариб, илгариги аҳамиятини деярли йўқотган.

1.2. Ўрта асрлар сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва этномаданий муносабатларида Хоразм шаҳарларининг тутган ўрни.

Воҳада тижорат марказларининг пайдо бўлиши ва уларнинг минтақада рўй берган сиёсий-тарихий жараёнларга таъсири, хоразмликларнинг Марказий Осиё ички савдосида тутган ўрни қадимдан жуда катта бўлганлигини ёзма ва археологик манбалар тўлиқ тасдиқлайди. Тарихий тараққиёт давомида савдо-сотик муносабатлари ривожига ёки инқирозига сиёсий жараёнлар катта таъсир ўтказган. Хусусан, X-XV асрларда Марказий Осиёда рўй берган сиёсий жараёнлар таъсирида марказлашган давлатларнинг вужудга келиши (сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳ ануштагинийлар, Амир Темур ва темурийлар давлати), уларнинг нафақат Марказий Осиёни, балки Эрон, Озарбайжон ва Яқин Шарқнинг баъзи мамлакатларини ўз таркибига қўшиб олиши натижасида улкан ҳудудда сиёсий барқарорлик ўрнатилди. Ушбу ҳолат ўз навбатида ички ва ташқи савдо-сотикнинг ривожланишига олиб келди. XIII аср бошларида рўй берган мўғул-татарлар босқини оқибатида Хоразмда, айниқса унинг Чигатой улуси таркибига кирувчи қисмида узоқ вақт иқтисодий ҳаёт ҳамда савдо-сотик муносабатлари инқирозга дуч келди. Хуллас, сиёсий жараёнлар нафақат савдо муносабатлари тараққиёти, балки, шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳалокатига ҳам таъсир қилди.

Хоразмда савдо-сотик марказларининг вужудга келиши ва тараққиёти ҳам сиёсий жараёнлардан четда қолмади. Улар ўрта асрда Хоразмда барпо этилган шаҳарларнинг шаклланишига таъсир кўрсатди. Натижада воҳадаги янги шаҳарлар вужудга келиши бир неча асосда рўй берганди:

- давлат чегарасидаги мустаҳкам муҳофаа қалъалари атрофида;
- сунъий суғориш тизимининг ривожланиши асосида улар яқинида ҳамда дарё бўйи воҳаларида;
- қалъаларнинг атрофидаги қишлоқлар билан қўшилиши асосида;
- қулай кечувлар ёки ўтиш жойларида;
- карвон йўллари устида ва алоқа бекатлари, карвонсаройлар атрофида.

Ўрта асрларга оид тарихий ва археологик маълумотларни таҳлил қилган ҳолда Хоразмда савдо-сотик билан боғлиқ урбанизациянинг учта ҳудуди мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин:

- аҳоли жуда қадимдан яшаб келган Марказий Амударё бўйи ҳудуди;
- VII-IX асрларда шаҳарлар пайдо бўлган ва XII-XIII аср бошларида жуда гуллаб яшнаган Қуйи Амударё ҳудуди;
- воҳанинг шимолий-ғарбий ва ғарбий чеккалари - Шимолий Давдон ва Дарёлик оралиғида мавжуд бўлган шаҳарлар турли даврларда барпо этилган бўлиб, уларнинг гуллаб яшнаган вақти XIII аср охири XIV асрга тўғри келади¹¹⁶.

Манбалардаги маълумотлар ва археологик тадқиқот натижалари Хоразмнинг X-XV асрларда Марказий Осиёнинг узвий бўлаги сифатида ички ва ташқи савдосида тутган ўрнини бир қадар ойдинлаштириш имконини беради. Ибн Фадлан, ал-Мақдисий, ал-Истаҳрий, Ибн Руста каби араб олимлари Хоразмнинг Маворауннаҳрнинг ташқи савдосида жуда катта роль ўйнагани, айниқса Шарқий Европа, Волгабўйи ва Сибирь халқлари билан транзит савдода асосий боғловчи халқа сифатида беқиёс катта аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаганлар.

Муҳаммад Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” китобида араблар истилоси ва ундан олдинги даврларда Сўғдиёнанинг ички савдосида Хоразм тангалари асосий роль

¹¹⁶ Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма // В кн.: Культура и искусство древнего Хорезма. - М.: “Наука”, 1989. - С. 220.

ўйнаганлигини ёзганди¹¹⁷. IX-X асрларда мавжуд бўлган Варахша, Пойкент ва Қумсовган каби Сўғд шаҳарларидан топилган ашёлар орасида Хоразмда майда айирбошлов учун зарб қилинган тангалар маҳаллий тангаларидан кейинги иккинчи ўринда турган¹¹⁸.

Хоразмнинг Маворауннаҳр билан олиб борган савдо муносабатлари асосан учта қуруқлик ва Амударё орқали ўтган битта сув савдо йўли орқали амалга оширилган. Ушбу қарвон йўллари билан деярлик барчаси Бухоро орқали ўтган бўлиб, савдо-сотик алоқаларини кенгайтиришда мазкур шаҳарнинг аҳамияти жуда катта бўлган.

Кўчманчилар билан муносабатлар айниқса X-XV асрларда жуда ҳам кенгайиб, ўша даврга оид ёзма манбаларда ўз аксини топган. “Хоразмликларнинг мамлакатиди олтин ва қумуш қонлари йўқ, қимматбаҳо тошлар тўғрисида эса сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Улар бойликнинг катта қисмини турклар билан савдодан ва мол боқиб кўпайтиришдан топадилар”, - деб ёзганди араб сайёҳи ал-Истаҳрий¹¹⁹.

“Ўрта Осиё ҳаётида кўчманчилар билан бўладиган савдо Шарқий Европа билан олиб бориладиган савдо муносабатларидан кам бўлмаган”, - деб ёзганди академик А.Ю.Якубовский. Мазкур илмий муаммони жиддий ўрганишга эътибор қаратган академик В.В.Бартольд ҳам: “Хоразм ўз бойликларини ислом даврида янада тараққий қилган кўчманчилар билан савдо алоқалари орқалигина орттирган. Бу савдо-сотик муносабатлари асосан Хоразмнинг шимолида жамланган эди”¹²⁰, - деб кўрсатганди.

Хоразм пойтахт шаҳарлари - Кат билан Гурганж деярли барча манбаларда ғузлар Туркистонига қирувчи дарвоза сифатида эслатилади¹²¹. Улар билан бир қаторда кўчманчилар дунёси билан бўлган савдода Кат, Гурганж, Миздахқон, Мадминия (Буғрохон) ва Гит (Пулжой) каби савдо шаҳарлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Кўҳна Урганч, Хива, Миздахқон, Шаҳарлик, Жанпиқ ва Пил қалъа ёдгорликларидан кўчманчиларга хос ромбисимон темир ўқ учлари, сўроқ белгиси шаклидаги аёллар сирғалари ҳамда камон ипини тортишга мўлжалланган узук шаклидаги суяқдан ясалган буюмларнинг топилиши ўтроқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик ҳудудлари билан чорвадорларнинг азалий олди-сотди муносабатлари мавжуд бўлганлигини археологик жиҳатдан тасдиқлайди¹²².

Хоразмнинг Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси ва Оролбўйи кўчманчилари билан савдо-сотик алоқалари асосан учта йўл орқали амалга оширилган. Биринчи йўл - воҳанинг марказий шаҳарларидан бошланиб, Орол денгизи яқинидан шимоли-шарқ томондаги Янгикент ва Жанд шаҳарларига олиб борган. Иккинчи йўл - Бельтов қирлари жанубидан ўтиб, Сарлитомқалъага етиб борган. Араб-форс манбаларида Замжон ёки “Боб-ат-турк” (“Турклар дарвозаси”) работидан бошланади, деб кўрсатилган учинчи қарвон йўли шарқий Европага қараб кетган. Устюрт қирлари орқали ўтиб, бижанаклар, қипчоқлар, ўғузлар яшайдиган ҳудудларга қараб кетган бу йўл Хоразмдан мол олиб кетаётган ва ташиб келаётган савдогарлар учун жуда серқатнов ҳисобланган.

X асрдан бошлаб Хоразм савдогарлари Яқин ва Ўрта Шарқ, Эрон, Ироқ мамлакатларига кўплаб қатнай бошладилар. Икки ўртадаги иқтисодий муносабатлар, асосан Буюк Ипак йўлининг асосий-жанубий тармоғи, шунингдек, Жанубий Туркманистон орқали ўтувчи кичик савдо йўллари орқали амалга оширилди. Хоразмлик савдогарлар айрим шаҳарларда доимий равишда тижорат ишлари билан шуғулланардилар.

¹¹⁷ Наршахий. Бухоро тарихи // “Мерос” тўпламида. - Т., 1991. - 14-Б.

¹¹⁸ Маньолов Ю.П. Первые итоги изучения каравансараяв на торговых путях между Бухорой и Хорезмом // Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО “Города и каравансараяв на трассах Великого Шелкового пути”. - Ургенч, 1991. - С. 56.

¹¹⁹ Материалы по истории туркмен и Туркмении (кейинги саҳифаларда МИТТ), Т. 1. - М.-Л., 1939. - С. 180.

¹²⁰ Бартольд В.В. История Туркестана // Труды Туркестанского Государственного университета. Вып. 2. - Т., 1922. - С. 14-19.

¹²¹ МИТТ, т. 1. - С. 178, 216.

¹²² Кдырниязов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII-XIV вв. - С. 90, 108, 133.

Ал-Истахрий “Хуросонда биронта катта шаҳар йўқки, унда кўплаб Хоразм аҳолиси яшамасин”¹²³, - деб таъкидласа, унинг замондоши бўлган ал-Мақдисий “Нисо шаҳридаги ер мулкларнинг катта қисми хоразмлик савдогарлар қўлида бўлган”¹²⁴, - деб кўрсатган.

Хоразмнинг Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотик алоқаларида айрим моллар муҳим ўрин эгаллаган. Хусусан, Ибн Ҳавқал халифаликнинг ғарбий вилоятларида Хоразмдан келтирилган қоракўл терилар жуда харидоргир бўлган деб қайд қилганди¹²⁵. Хоразмда яшаган адабиётшунос Муҳаммад ас-Саолибий эса: “Хоразмга хос нарсалардан у ерда боранж номи билан юритиладиган қовундир... У қовунларнинг энг ширини ва яхшисидир... Агар яхши сақланиб етиб келса (халифалик ҳудудларига), бир донаси етти юз дирхам турар экан”, - деб ёзганди.

X-XV асрларда Хоразм Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон ва Хитойни Шарқий Европа, Русь ҳамда кўчманчилар дунёси билан боғловчи транзит савдо ҳалқаси сифатида муҳим роль ўйнаган. Ал-Мақдисий ўз асарларида Хоразмнинг ўзидан чиқарилган маҳсулотлар (узум, кунжут, гилам, ажойиб кимҳоб кўрпалар, “мулҳам” деган чойшаб, кулф, камон, пишлоқ, зардоб, балиқ, қовун, қовун қоқи ва бошқалар) қатори Булғордан олиб келиниб, Шарқ мамлакатларига сотилган маҳсулотлар (соболь, кулранг олмахон, тулки, сувсар, кундуз мўйналари, мум, камон ўқи, оқ терак пўстлоғи, балиқ елими ва тиши, анбар, кимухт (ошланган от териси), асал лочин, қилич, совут, славян ва турк куллари ва бошқалар) рўйхатини келтириб ўтади¹²⁶.

Ўрта асрларда Эрондан Хоразмга машҳур “казерун” матолари, “миной” типдаги кошин, сопол ва люстравий идишлар, атир упу, гилам, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари; Озарбайжон, Арманистон ва Гуржистондан буғдой, хом ипак, жун, момик, от ва хачирлар, кашенил бўёғи, металл буюмлар; Мисрдан машҳур “добикс” матоси, шиша буюмлар, тақинчоқлар, маржонлар, шакарқамиш, хурмолар; Сурия ва Фаластиндан зайтун ёғи, майиз, ипак маҳсулотлари, совун, ёнғоқ, машҳур “дамашк” пўлатидан ясалган қурол-яроғлар, қоғоз каби маҳсулотлар келтирилган.

Хоразмшоҳ-ануштагинийлар давлати арбобларининг ғамхўрлиги боис Ироқ давлати билан савдо-сотик муносабатлари анчагина юксалди. Шу даврда саройда хизмат қилган машҳур шоир Рашидиддин Ватвот ўзининг Ироқдаги Хоразм ноибига ёзган мактубида Усмон ибн Исмоил Хоразмий исмли савдогарга ғамхўрлик қилишни илтимос қилган экан¹²⁷. 1333 йилда Ўрта Осиёга келган араб сайёҳи Ибн Баттута ўз “Саёҳатнома”сида Хоразмда ироқий шиша идишларнинг машҳур бўлганлиги ва Бағдодлик савдогарларни учратганини ёзган¹²⁸. XIV-XV асрларда Хоразмда мавжуд бўлган Шемаҳалъа, Миздахқон, Замахшар, Урганч, Ёрбакиркалъа, Шаҳарлик каби шаҳарларда ўтказилган археологик тадқиқотлар вақтида Эрон кулолчилигига хос “миной” типдаги сопол идишлар, миср шиша буюмлари, қурол-яроғлар қолдиқлари топилган¹²⁹.

X-XV асрларда Хоразмнинг Ҳиндистон ва Хитой билан иқтисодий алоқалари ҳам жуда ривожланган эди. Ибн Баттута Хоразм қовунлари ва қовун қоқиси Ҳиндистон ва

¹²³ МИТТ, т. 1. - С. 180.

¹²⁴ Аскарлов А.А. и др. Дифференцирующие и интегрирующее действие “Шелкового пути” в культурно-исторических и этнических процессах // Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО “Города и каравансарай на трассах Великого Шелкового пути”. - Ургенч, 1991. - С. 11.

¹²⁵ *Viae et regna. Descriptio ditonis moslemisce* Auctore Abu'l Kasim ibn Naukal // BGA. Lugduni Batavorum, 1873. - P. 106-107.

¹²⁶ МИТТ, т. 1. - С. 202.

¹²⁷ Бунёдов З.М. Ануштагин-хоразмшоҳлар давлати. - Т.: “Ғофур Ғулом”, 1997. - 136-Б.

¹²⁸ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. - Т.: “Шарқ баёзи”, 1993. - 60-62-Б.

¹²⁹ Атагарриев Е. Средневековый Дехистан. - Л.: «Наука», 1986. - С. 116-118; Кдырнийзов М.-Ш. Археологические исследования в Южной части золотоордынского поселения Миздахкан // Археологические исследования в Узбекистане. - Самарканд, 2001. - С. 97; Турабеков М., Кдырнийзов М.-Ш. Археологические раскопки в золотоордынском Миздахкане // Археологические открытия. - М., 1989. - С. 464; Кдырнийзов М.-Ш., Бауатдинов Р. Торговые связи средневекового Миздахкана // Археология Приаралья. Вып. 6. - Нукус, 2003. - С. 83.

Хитойнинг энг чекка шаҳарларигача олиб бориб сотилади, деб эслатиб ўтган эди¹³⁰. Ҳиндистонга йилки, қалайи, мис, кумуш пуллар чиқарилган ва у ердан эса - зеб-зийнат буюмлари, зираворлар, фил суяги ва олтиндан ясалган буюмлар, пахтадан тўқилган ниҳоятда нафис матолар келтирилган. Археологлар Урганчдан ҳинд тангалари, Миздахқондан, Шаҳарлик ва Устюртдаги кўрғонлардан денгиз каураси чиғаноқидан ясалган маржонлар каби буюмлар топишга муваффақ бўлганлар¹³¹.

Хоразмдан Хитойга ҳам асосан сувсар, тулки, кундуз мўйналари, кийим-кечак товарлари олиб бориб сотилган. Хитойдан эса машҳур “кобальт” ва “селадон” типидagi чинни идишлар келтирилган. Хитой билан бўлган алоқалар таъсирида Хоразмдаги уйларни “канн” усулида иситиш тажрибаси қўллана бошлаганидан ҳам кўришимиз мумкин эди¹³². Хитой чинни идишлари намуналари Хоразмнинг кўҳна шаҳарлари ва Талайхон ота қарвонсаройидан топилган. 1987 йилда Миздахқондан X асрда Хитойда хукмронлик қилган Сун сулоласи тангаси ва XIII- XIV асрларга хос селодон идишлар ҳамда 1993 йилда - Хитой ойналари топилди¹³³.

X аср араб географи ал-Мақдисий ва XIV аср форс олими Ҳамдаллоҳ Қазвиний асарларида Хоразмни Эрон орқали Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғи бўйлаб Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари билан боғловчи савдо йўллари ҳақида маълумотлар учрайди¹³⁴. XIX асрда Эрон элчиси Ризоқулихон Қазвиний ёзиб қолдирган маълумотларга таянган ҳолда Хивага борадиган қарвон йўлларида топилган¹³⁵. Эрон ва Хоразм оралиғидаги қарвон йўллари ҳақидаги маълумотларни XX асрнинг 20-йилларида танқидий ўрганган академик В.В.Бартольддан кейин, 1949-1953 йилларда Хоразмни Марв ва Хуросон билан боғловчи йўлнинг шимолий тармоғини академик С.П.Толстов текшириб чиққанди¹³⁶.

Кейинги йилларда ҳам Хоразм воҳаси атрофидаги қарвон йўллари ўрганишга эътибор сусаймади. Бу катта ва оғир ишни бажаришга туркман олимлари Қ.Адиқов ва М.Е.Массон (1960, 1966), Е.Атагарриев ва Ҳ.Юсупов (1961, 1970, 1972), Д.Дурдиев (1980) улкан хисса қўшдилар¹³⁷. Натижада Хоразмдан чиққан ва Қорақум саҳроси орқали ўтган машаққатли йўлни босиб келаётган қарвонларнинг Копеттоғ ва Хуросон тоғлари ён бағирларидаги яйловлар ва зилол сувларга етганлиги, жанубий туркман қабилалари билан олди-сотди ишларини амалга оширгандан кейин эса Буюк Ипак йўлининг Эрондан ўтган

¹³⁰ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. - 62-Б..

¹³¹ Федоров-Давыдов Г.А. Золотоордынские города Восточной Европы и Хорезма на трассах “Шелкового пути” // Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО “Города и каравансарай на трассах Великого Шелкового пути”. - Ургенч, 1991. - С. 24; Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. Полевые исследования ХАЭЭ в 1958-1961 гг. // МХЭ, т. 2, вып. 7. - С. 51-52; Кдырнийзов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII-XIV века. - Нукус, 1989. - С. 38.

¹³² Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. - М.: “Наука” ГРВЛ, 1981. - С. 147-148; Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. 1. - Т.: “Узбекистан”, 1974. - С. 113; Кдырнийзов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма. - С. 17, 38, 51, 65; Кдырнийзов М.-Ш. Культурные связи средневековых городов Хорезма // Археология Приаралья, вып. 2. - Т.: “Фан”, 1984. - С. 99.

¹³³ Кдырнийзов М.-Ш. О роли Хорезма в евроазиатской торговле в XIII-XIV вв. // ОНУ, 2000. № 1. - С. 36.

¹³⁴ Бартольд В.В. Дорожник от Бистама до Куня-Ургенча // Сочинение, т. 3. - М.: “Наука”, 1965; Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XVIII в. // Ўша жилд; Туркестан в эпоху монгольского завоевания // Соч., т. 2, ч. 2. - М.: “Наука”, 1964.

¹³⁵ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. - М., 1962.

¹³⁶ Отчет о посольстве в Хорезм Ризакули-хана // МИТТ, т. 2. - М.—Л., 1938. - С. 280-281; 283, 285, 288-290; 292-298; 302, 305, 307-308.

¹³⁷ Адыков К.А. Средневековый торговый путь из Мерва в Хорезм и Мавереннахр (в пределах Туркменской ССР) // Труды ЮТАКЭ, т. 13. - Ашхабад, 1966; Атагарриев Е. Средневековый Дехистан. - Л., 1986; Юсупов Х. Археологические работы в предгорьях Северо-Западного Капетдага между Сарыкамышем и Кызыл-Арватом // КД, вып. 4. - Ашхабад, 1972; Его же: Развалины рабата Тансыкли-депе (К вопросу о трассе южного отрезка пути Хорезм - Иран Хамдаллаха Казвини) // КД, вып. 3. - Ашхабад, 1970; Дурдыев Д. Транскаракумский торговый путь из Хорезма в Южный Туркменистан // В кн.: Новые исследования по археологии Туркменистана. - Ашхабад, 1980; Итина М.А. Археологические памятники на древних торговых путях вдоль берегов Амударьи // В кн.: Древности южного Хорезма // ТХАЭЭ, т. 14. - М., 1991.

жанубий тармоғи орқали ҳаракат қилаётган катта оқимга қўшилганлиги археологик тадқиқотлар асосида аниқланди.

X-XV асрларда Каспий денгизи шимолида жойлашган Хазар ва Булғор давлатлари Хоразмнинг иқтисодий алоқаларида катта ўрин тутган. Араб олимлари Ибн Ҳавқал ва ал-Масъудийларнинг таъкидлашича, хоразмликлар Хазар давлатининг сиёсий ҳаётида жуда катта таъсирга эга бўлганлар ҳамда хонликдаги шаҳарларда хоразмлик савдогарлар учун алоҳида имтиёзлар берилган ва зарур шароитлар яратилган.

Хоразмнинг Волгабўйи, Шарқий Европа ва Русь билан савдосида Булғор давлати ҳам катта ўрин тутган. Булғориядан Шарқда ниҳоятда кадрланган мўйналар, катта миқдорда терилар, тери ошлашда ишлатиладиган пўстлок, қорамол, асал, мум ва ниҳоят, славян ва турк куллари келтирилган. Ал-Берунийнинг маълумотларига қараганда булғорлар Хоразмга Шимол денгиздан тutilган морж тишлари ҳам келтириб сотганлар¹³⁸.

Хоразмдан Хазар давлати ва Волга Булғориясига қуруқ мевалар, канакунжут мойи, ширинликлар, мушк, анбар, пахта, ип, шойи матолар, мовут, кимхоб, гилам каби маҳсулотлар, Моварауннаҳрдан келтирилган гурунч¹³⁹, Оролбўйи дельтасидаги Ҳолижон деган жойдан балиқ маҳсулотлари кўплаб чиқарилган¹⁴⁰. Хоразм орқали бу ҳудудларга Шарқнинг турли хил қимматбаҳо буюмлари ҳам келтирилган. Хазар ва Волга Булғорияси билан бўлган савдода Гурганж, Кат, Шемаҳақалъа, Пулжой (Гит,) Буғрохон (Мадминия), Миздахқон, Кардор каби шаҳарлари муҳим роль ўйнаган.

Хоразм савдогарлари Хазар ва Булғор давлатлари орқали Рус князликлари билан муносабаларни амалга оширган, аммо бу хусусдаги маълумотлар ёзма манбаларда кам сақланган. Русга келган Шарқ савдогарлари алоҳида бир ҳудуд тижоратчилари сифатида эмас, балки умумий номда - мусулмон савдогарлари деб юритилган. Улар X-XV асрларда Русдан Хоразмга ёки воҳа орқали Шарққа мўйна, мум, асал, смола, зиғир, зиғир тола газламалар, қуроллар, тери, бўёқлар ва металл буюмлар олиб чиқишган. Русга эса Хоразмда қуритилган мевалар, пахтадан тўқилган матолар ва кийимлар, жун ва ипак маҳсулотлари олиб борилган. IX-XII асрларда Русга айниқса кумуш тангалар кўплаб чиқарилган. X аср араб географи Ибн Руста ва XI аср форс тарихчиси Гардизийларнинг маълумотига кўра, руслар ва славянлар фақат зарб қилинган тангадан бошқа буюмларга маҳсулот сотиб олмаганлар.

Хазар, Булғор ва Рус давлатлари билан Хоразм савдо муносабатлари асосан Устюрт қирлари орқали ўтган иккита савдо йўли ва Россия ичкарасидан чиққан йирик ва кичик дарёлар (Волга, Ока, Урал, Мста ва бошқалар) ҳамда қуруқлик йўллари орқали амалга оширилган. Устюртдаги савдо йўллари ҳақидаги маълумотлар ўрта аср муаллифлари Ибн Фадлан, Гардизий, Ал-Бақувий, Истаҳрий, Макдисий ва Ибн Баттута асарларида учрайди. XX асрда Устюртдаги қарвон йўллари ўрганиш мақсадида С.П.Толстов (1946, 1950), Е.Бижанов (1964), В.Н.Ягодин (1971-1975), Ю.П.Маньлов (1975-1978 ва 1981) раҳбарлигида рус ва қорақалпоқ археологлари тадқиқот ишларини олиб бордилар¹⁴¹.

Хоразмнинг Европадаги Византия, Испания, Италия, Германия каби мамлакатлар билан савдо муносабатлари тўғрисида ҳам маълумотлар кам сақланган. Ўрта асрлардаги

¹³⁸ Мамбетуллаев М.М. О торговых связях городов Хорезма в древности и средневековые // Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО “Города и каравансарай на трассах Великого Шелкового пути”. - Ургенч, 1991. - С. 45.

¹³⁹ История народов Узбекистана. - Т. 1. - Ташкент, 1950. - С. 231.

¹⁴⁰ МИТТ, т. 1. - С. 150, 179-180.

¹⁴¹ Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1946 г. // ИАН, 1947, № 2; Его же: По следам древнехорезмийской цивилизации. - М., 1948; Его же: Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. // ТХАЭЭ, т. 2. —М., 1958; Бижанов Е., Лоховиц В. Устюртский караванный путь из Хорезма в Восточную Европу и Поволжье // ВКФ, 1969, № 2 и др.; Древняя и средневековая культура юго-восточного Устюрта. - Т., 1978; Маньлов Ю.П. О пути Ибн Фадлана из Хорезма через плато Устюрт // СА, 1979, № 2; Его же: Археологические исследования каравансарая Центрального Устюрта // Археология Приаралья. Вып. 1. - Т., 1982.

араблар, қорахоний ва қорахитойлар, мўғул-татарлар босқини натижасида инқирозли вазиятни бошидан кечирган бўлишига қарамадан хоразмлик ишбилармонлар Европа билан савдо-сотик муносабатлари тўхтатиб қўймаганлигини археологик тадқиқотлар тасдиқлади. Хусусан, 1988 йилда Кисловодск шаҳрининг Шарқий чеккасидаги Мокрая Балка ёдгорлигидан африғий хоразмшоҳ Шовушфаннинг кумуш драҳмаси топилди¹⁴². 1997 йилда эса Шимолий Хоразмдаги Куюкқалъа ёдгорлигидан Византия императори Август Тиверий (698-705) зарб қилдирган олтин танга топиб олинди¹⁴³.

X-XV асрларда Хоразмнинг Европа билан иқтисодий алоқалари янада тараққий қилган деган хулосани чиқариш мумкин. Бу даврда Болтиқбўйи ва Скандинавия мамлакатлари худудидан Марказий Осиёда зарб қилинган тангалар топилган. Ўз навбатида XIII-XIV асрларгача Марказий Осиёга машҳур Болтиқбўйи қаҳрабolari келтирилганлигини археологик тадқиқотлар тасдиқлайди¹⁴⁴.

XIII аср форс географи Закариё Қазвиний Германиянинг Майнц шаҳрида Самарқандда зарб қилинган тангаларнинг муомалада бўлганлиги ҳақида¹⁴⁵, савдогар Абул-Фатх Наср ибн Ҳасан Шоший Самарқанддан карвон билан Андалузга (Испаниянинг мусулмон қисмининг XV асргача бўлган номи) бориб савдо қилганлиги ҳақида¹⁴⁶, Андалуз тангалари Ҳиндистондан Ирландиягача бўлган худудда муомалада бўлганлиги тўғрисида¹⁴⁷ ёзиб қолдирганлар. Мазкур савдо-сотик алоқлари Хоразм орқали амалга оширилган бўлиб, воҳа тижоратчилари улардан манфаатдор бўлганлар.

1340 йилда Флоренция савдо фирмасининг агенти Франческо Бальдуччи Пеголетти томонидан савдогарлар учун махсус қўлланма тузилган. Унда шундай маслаҳатлар бор: “Осиёнинг ичкарасига киришнинг ҳожати йўқ, чунки Хоразмнинг маркази Урганчдан Европа бозорлари учун барча керакли нарсаларни сотиб олиш мумкин. Ким Генуя ёки Венециядан бу жойларга ва Хитойга саёҳат қилмоқчи бўлса, ўзи билан газламалар олсин ва Урганчга келсин, Урганчда эса уларни кумушга алмаштирсин ва Хитойга борсин”¹⁴⁸.

Археолог А.М.Чиперис аниқлашича, XIV асрда Хоразмдан Қора денгиз бўйидаги Генуя колониялари Тана ва Кафа шаҳарларига кулолчилик буюмлари олиб борилган¹⁴⁹. “Хоразмдан карвонлар чиқиб, ҳеч қандай кўрқувсиз, хотиржам ва тинч юриб Қримгача борганлар”,- деб ёзган эди Ибн Арабшоҳ¹⁵⁰. Ўз навбатида Қора денгиз атрофидаги бой шаҳарлардан хоразмлик савдогарлар ноёб моллар ва тангалар олиб қайтишган. Хусусан, Хоразмда олиб борилган археологик тадқиқотлар вақтда Қора денгиз бўйидаги Азок шаҳрида зарб қилинган тангалар топилган¹⁵¹. Устюртдаги Беловли карвонсаройидан XIV асрга оид лотин ёзувидаги ҳужжат топилган. Аммо унинг кўп қисми ўчиб, бир неча

¹⁴² Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. Древность и ранее средневековые. Энциклопедический справочник. - Т., 1999. - С. 141.

¹⁴³ Мамбетуллаев М. Византийская индикация из Куюкқалъа (Северный Хорезм) // Нумизматика Центральной Азии. Вып. V. - Т., 1999. - С. 29-30.

¹⁴⁴ Бубнова А., Половникова И.А. Торговые пути Прибалтийского янтаря в Средней Азии (древность и средневековье) // // Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО “Города и каравансарай на трассах Великого Шелкового пути”. - С. 27.

¹⁴⁵ Ал-Казвини. Памятники городов и сообщения о поданных аллаха // Хрестоматия по истории средних веков. Т. 1. Под ред. проф. С.Д.Сказкина. - М., 1991. - С. 479-480.

¹⁴⁶ Буниёдов З. Ануштагин-хоразмшоҳлар давлати. - 136 б.

¹⁴⁷ История средних веков. Под. ред. проф. В.В.Удальцова. Т. 1. - М., 1990. - С. 155, 178, 204-205, 342,349.

¹⁴⁸ Рихард Хеннинг. Неведомые земли. - М., 1962. - С. 211; Яна қаранг: Федоров-Давыдов Г.А. Нумизматика Хорезма золотоордынского периода // НЭ, т. 5. - М., 1965. - С. 179.

¹⁴⁹ Кдырниязов М-Ш. Культурные связи средневековых городов Хорезма. // Археология Приаралья. Вып. 2. - Т., 1984. - С.93.

¹⁵⁰ Кдырниязов М-Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII-XIV веках. - Нукус, 1989. - С. 126.

¹⁵¹ Манылов Ю.П., Юсупов Н.Ю. Каравансарай Центрального Устюрта. - С.179.

харфлари аниқланган бўлса-да, ушбу далил Ғарбий Европа савдогарларининг Хоразмга келиб-кетганликларидан хабар беради¹⁵².

Ўрта асрларда “Варяглардан грекларга йўл” номли машҳур савдо йўли ишлаб турган. Бу йўл нафақат Европанинг жанубий ўлкаларига, балки Россия орқали Марказий Осиё ҳудудларигача чўзилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки таъкидлаб ўтилган Болтиқбўйи қаҳрабоси айнан шу йўл орқали Хоразмга келтирилган. Шу билан бир қаторда Европа билан Хоразмнинг азалий алоқалари Буюк Ипак йўлининг жанубий ва шимолий тармоқлари орқали озми-кўпми, узлуксиз давом эттирилган.

II – БОБ. Хоразмнинг IX-XV асрлар шаҳарлари тарихига оид ўрта асрлар манбалари ва уларнинг ўрганилиш тарихи.

2.1. Хоразм шаҳарлари тарихига оид ўрта асрлар ёзма манбалари маълумотлари.

Савдо муносабатларининг тараққиёти Хоразмни Буюк Ипак йўлининг Марказий тармоқлари кесишган марказлардан бирига айланишига, турли соҳаларга ихтисослашган айниқса, савдо муносабатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган савдо марказларининг вужудга келишига олиб келган. Бутун Шарқ шаҳарлари иерархик тузилишидаги муайян шаҳарларнинг тутган ўрни, кўп ҳолларда, унинг ижтимоий - иқтисодий имконияти ва карвон йўллари билан алоқаси, савдо муносабатларига қандай тортилганлиги билан белгиланган. Хуллас, айнан шу сабабларга кўра, Хоразм савдо марказлари тўғрисидаги турли-туман маълумотлар IX асрдаёқ пайдо бўла бошлаган эди. Шаҳарларнинг тараққий қилишда савдонинг аҳамиятини шарқ географлари, тарихчи ва сайёҳлари ҳам тушуниб етганларки Хоразм шаҳарлари тавсифномасида, албатта, бозорлар, карвонсаройлар, атрофидан қандай карвон йўллари ўтганлиги ҳақида қайд қилиб ўтганлар.

Хоразм савдо марказларининг иқтисодий аҳволини, Шарқу – Ғарб савдосида тутган ўрнини ёритувчи манбалар ҳақида сўз юритишдан олдин уларни бир неча даврларга бўлган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Хусусан,

1. IX-XIII аср бошлари (мўғул истилосигача) араб-форс манбалари.
2. XIII-XVI асрлар араб-форс ва европа манбалари.
3. XVI-XVIII асрлар форс ва эски ўзбек тилидаги манбалар.
4. XIX аср рус сайёҳлари ва тадқиқотчилари маълумотлари.

Ўз асарларини араб тилида ёзган тарихчи ва географлар асарлари жумласига Ибн Рустанинг «Китоб ал-алоқ ан-нафиса»¹⁵³ Ал-Яъкубийнинг («Китоб ал-булдон» («Мамлакатлар ҳақида китоб»)¹⁵⁴, Абубақр ал-Балазурийнинг «Китоб футух ал-булдон» (Мамлакатларнинг забт этилиши ҳақида китоб)¹⁵⁵, Ибн Хордабехнинг «Китоб масалик ул-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб»)¹⁵⁶, Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» («Пайғамбарлар, подшоҳлар тарихи»)¹⁵⁷, Ибн Фадланнинг «Рисола»¹⁵⁸, Абу Райхон Берунийнинг «Осор ул-боқия ал-қурун холия» («Қадимги халқлардан қолган

¹⁵² Манылов Ю.П. Археологические исследования каравансараев Центрального Устюрта // Археология Приаралья. Вып. 1. - Т., 1982. - С. 112.

¹⁵³ Ибн Русте. Китоб ал-алақ ан нафиса. VII // Материалы по истории туркмен и Туркмении (далее МИТТ). Т.1. -М. -Л.

¹⁵⁴ Ал-Йакуби. Китоб ал-булдан, таълиф Ахмад ибн Йакуб ибн Вадик ал-Китаб ал-маъруф би-л-Йакуби. Изд.М. J. De Goeje. Leiden. 1967.

¹⁵⁵ Ал-Белазури. Китоб футух ал-булдан, текст, 431 //МИТТ, Т.1, -М. -Л., 1939.

¹⁵⁶ Ибн Хурдабех. Китаб ал-масалик ва-л-мамалик, текст, 38 //МИТТ, т.1, -М. -Л., 1939; Ибн Хардабех. Книга путей ижтимоий стран. //Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели ижтимоий карты Н.Велихановой. -Баку, “Элм”, 1986.

¹⁵⁷ Chrohigue de Tabari traduite sur la versioh persane d'Abou Ali Mohammad Bel'ami par M.N.Zoten Berg, Paris, 1867; V.IV.; Тарихи Табарий. -Т.; "Фан", 1987.

¹⁵⁸ Ибн Фадлан. Путешествие Ибн Фадлана на Волгу. Перевод ижтимоий комментарии А.П.Ковалевского под редакцией академика И.Р.Крачковского. -М. -Л. 1939; изд.2-е. -Харьков, 1956; МИТТ, т. -М. -Л., 1939.

ёдгорликлар”) ва “Геодезия” асари¹⁵⁹. Ал-Истахрийнинг “Китоб масолик ул-мамолик” (“Мамлакатларга бориладиган йўллар ҳақида китоб”)¹⁶⁰, Ал-Мукаддасий (Макдисий)нинг “Аҳсан-ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим” (“Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма”)¹⁶¹, Ибн Ҳавкалнинг “Китоб ул-масолик ва-л-мамалик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”)¹⁶², асарлари кирадики, бу асарлар Хоразм савдо марказлари ҳақида маълумот берувчи биринчи даражали ва тенги йўқ манбалар ҳисобланади. Булар ичида Истахрий ва Мукаддасий асарлари айниқса ажралиб туради. Чунки улар асарларида Хоразм савдо марказларининг тавсифи, Хоразм иқтисодий географияси, шаҳарлар ва қишлоқларнинг савдо муносабатлари, бозорлари ва қарвон-саройларига катта эътибор берилган.

Араб тилидаги манбалар қаторига яна Ас-Саолибийнинг “Латоиф ул-маориф” (“Ажойиб маълумотлар”)¹⁶³, Ибн ал-Асирнинг “Ал-Комил фит-тарих” (“Мукамал тарих”)¹⁶⁴, ас-Самъонийнинг “Китоб ал-арсоб” (“Машҳур кишилар ҳақида китоб”)¹⁶⁵, Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Муътам ал-булдон” (“Мамлакатлар рўйхати”)¹⁶⁶ асарлари кириб, уларда Хоразмнинг XI-XIII асрлардаги савдо муносабатлари тўғрисида бир талай маълумотлар мавжудлигини таъкидлаш керак. Улар ичида Ёқут Ҳамавийнинг асари қимматли фактик маълумотларга бойлиги билан бошқа географик асарлардан ажралиб туради. Энг муҳими унинг асари бошқа манбаларга нисбатан чалкашликлардан биров ҳоли бўлиб ундаги кўпгина маълумотлар аниқ берилган. IX-XIII асрлар форс тилида ёзилган манбалар устида тўхталадиган бўлса, улар ичида энг қимматлиси ва муҳимлари – номаълум муаллиф томонидан ёзилган. «Худуд ал-олам» асари¹⁶⁷, Маҳмуд Гардизийнинг “Зайн ул-ахбор” (“Тарихлар безаги”) асари¹⁶⁸, ҳамда Абулфазл Байҳакийнинг “Тарихи Масъудий” асарлари¹⁶⁹ ҳисобланади. Бу асарларда Хоразм савдо марказларига таъриф бериб ўтирилиши билан бирга, Хоразмнинг кўшни ўлкалар ва кўчманчи аҳоли билан бўладиган савдо-сотик муносабатлари ҳамда шу алоқалар амалга оширилган қарвон йўллари тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд.

Умуман, IX-XIII асрлар манбаларининг деярли барчасида Хоразм нафақат Мовароуннаҳр балки бутун Мусулмон Шарқининг энг тараққий қилган, шаҳарлари кўп, деҳқончилик чорвачилик, ҳунармандчилик гуллаб-яшнаган, ва, бу билан боғлиқ равишда савдо муносабатлари жуда ривожланган ҳудудлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилади. Аммо, бу иқтисодий ва маданий юксалиш мўғул боқини муносабати билан биров тўхтаб қолган. Бир оз вақтгача Хоразм шаҳарлари вайрона ичида қолди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, мўғул босқини ҳам жуда қадимдан шаклланиб, ривожланиб келаётган Хоразм шаҳар маданияти тарққиётини бутунлай тўхтатиб қўя олмади.

Хоразм воҳаси меҳнаткашларининг яратувчанлик меҳнати тез орада, иқтисод ва маданият билан бир қаторда, Хоразм савдо марказларининг, айниқса унинг Олтин Ўрда

¹⁵⁹ Бируни Абу Райхон. Определение границ, мест для уточнения расстояний между населенными пунктами (Геодезия) //Избр.произведения. Т.3. / Иссл.,пер.и примеч. П.Г.Булгакова. -Т., «Фан», 1966; Абу Райхон Беруний. Танлаган асарлар. I-жилд. -Т., "Фан", 1968.

¹⁶⁰ Ал-Истахри. Китаб месалик ал-мемалик. //МИТТ, т.1. -М. -Л., 1939.

¹⁶¹ Ал-Макдиси. Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим. //МИТТ, т.1. -М. -Л., 1939.

¹⁶² Ибн Хавкал. //МИТТ, т.1. -М. Л., 1939; Бетгер Е.К. Извлечение из книги “Пути и страны” Абул-Касыма Ибн Хаукаля //Труды САГУ. Новая Серия. Вып.11. -Т.; Изд-во САГУ, 1957.

¹⁶³ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. -Сочинения. Т.1. -Т., “Наука”, 1963; As-Sa’alibi.Lotaifo’i-ma’arif. Ed.M.J.Goejr. Bibliotheca Geographorum Arabicorum (BGA). Lugduni: Batavorum, 1867.

¹⁶⁴ Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-тарих //МИТТ. т.1. -М. -Л., 1939.

¹⁶⁵ Ас-Сам’ани Абу Са’д. Китоб ал-ансаб. //МИТТ. т.1. -М. -Л., 1939.

¹⁶⁶ Ёқут ал-Ҳамави. Му’жам ал-булдан. //МИТТ, т.1. -М. -Л., 1939.

¹⁶⁷ Худуд ул-алем. //МИТТ, т.1. -М. -Л., 1939.

¹⁶⁸ Гардизи. Китаб зайн ал-ахбар. //МИТТ, т.1. -М. -Л., 1939; Бартольд В.В. Извлечения из сочинения Гардизи “Зайн ал-ахбар”, -Сочинения. Т.8. -М.; “Наука”, 1973; Абу Саъид Гардизи. Зайн ал-ахбор. Украшения известий. С персидского А.К.Арендса. “Фан”, 1961.

¹⁶⁹ Абу-л-файз Байхаки. История Маъсуда. -М.; Изд-во А.Х.Арендса. 1969.

давлати таркибига кирган қисми (мўғул боскинидан сўнг Хорзм Олтин Ўрдага кирувчи Шимолий Хоразм ва Чигатой улусига кирувчи Жанубий Хоразмга бўлинган эди) шаҳарларнинг ўз қаддини тиклаб олишга олиб келди.

Кейинги ўрта асрлар муаллифларининг асарларида Хоразм савдо шаҳарлари, айниқса, Урганч яна ўз даврининг энг йирик савдо марказлари сифатида, Хоразм (кўпроқ Шимолий Хоразм) шу даврнинг энг бой ва иқтисодий мавқеи баланд ҳудудлардан бири сифатида тилга олинади. Аммо, мўғул истилосидан кейин то Хива хони Абулғозийгача ёзилган ёзма манбалар жуда камлиги ва борларида ҳам ушбу муаммо бир тарафлама ёритилганлиги яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга бу манбаларда баъзи қарама-қарши олимлар ўртасида Хоразмнинг XV асргача бўлган даврда савдо шаҳарларининг мавқеи, ҳолати тўғрисида муайян маълумотлар олишни қийинлаштиради.

Мўғул боскинидан кейинги Хоразм тўғрисида энди Европа манбаларида ҳам маълумотлар мавжуд XIII-XIV асрлар давомида турли сабабларга кўра Хоразмда бўлган европалик сайёҳлар Пано Карпини (1246 йилда келган), ака-ука Поллар (1260 йилда келган), итальян савдогари Франческо Бальдуччи Пеголетти (1340 йилда келган) асарларида Хоразм шаҳарлари, айниқса, Урганч тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд¹⁷⁰.

1333 йилда Хоразмга марказлашган араб сайёҳи Ибн Баттута келган. Унинг “Тухфат ан-нуззар фи ғаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-афсар” (“Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар томошаси ҳақида тухфа”) асарида Хоразм савдо шаҳарлари тўғрисида баъзи маълумотлар учрайди¹⁷¹.

XIV аср охири – XV аср тарихчилари ичида Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи ахбори Темур” (“Темур саргузаштларида тақдир мўъжизалари”) асари иқтисод, савдо-сотик ва шаҳарнинг бошқа кўпгина жиҳатларини ёритувчи маълумотларга эгаллиги билан ажралиб туради. Муаллиф Хоразмнинг XIV асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳудудлардан бири бўлганлигини кўрсатиб ўтиш билан бирга, Темур юришларидан сўнг Шимолий Хоразм иқтисодиётининг тушкунликка тушганлигини ҳам қайд қилиб ўтган¹⁷².

Юқоридаги Европа ва араб манбаларининг барчасида Хоразм савдо шаҳарларининг, айниқса Урганчнинг ўша даврда ривожланган энг йирик ва бой шаҳарлардан бўлганлиги таъкидланган. Шу билан бирга улардаги маълумотлар шуниси билан характерли ва қимматлики муаллифларнинг барчаси ҳам ўз даврида Хоразмда бўлганлар ва ўз кўрган–билганларини ёзганлар. XIII-XV асрлар Хоразм савдо шаҳарлари тўғрисида маълумот берувчи иккинчи тур манбалар мавжудки, улар кўпроқ иккинчи бир одамдан эшитган ёки ўрта аср бошқа манбаларидан олинган маълумотларга таянган ҳолда ёзилган.

Бундай манбалар ичида алоҳида қимматга эга бўлганларидан машҳур форс географи Ҳамдуллоҳ Муставфийи Қазвинийнинг «Нузҳат-ул-қулуб» («Қалблар ороми») асари¹⁷³, Шаҳобдин ал-Умарийнинг «Китоб масалик ал-абсар ва мамолик ал-амсар» («Турли мамлакатлар давлатлари бўйлаб ўтган йўллар») асари¹⁷⁴, ал-Бакувийнинг (XIV-

¹⁷⁰ Пано Карпини ДЖ. История Монголов. Рубрук Г. Путешествие в восточные страны. Пер.А.И.Мелейна. -М., «Наука», 1957, с.46;209; Книга Марко Поло. Пер.И.И.Минаева. -М., «Наука», 1950, с.20; Пеголотти Ф.Б. Практический указатель торговцам. Под ред. А.Эванса. -Кембридж-Массачусетс. 1936, с.22 (на англ. языке); Рихард Хенниг. Неведомые земли. -М., Изд-иност.лит., 1962, с.211.

¹⁷¹ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. -Т., «Шарқ баёзи», 1993, 21;8. 58-63 бетлар.

¹⁷² Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). -Т., «Меҳнат», 1992.

¹⁷³ Бартольд В.В. Сведения об аральском море ижтимоий ызовях Амударья с древнейших времён до XVIII в. -Сочинения. Т.3. -М., «Наука», 1963, с.46,51-54; Дорожник от Бистами до Куня Ургенча. -Соч. Т.3. -М., «Наука», 1963, с.260-263; Хамдаллах Казвини. //МИТТ, т.1. -М. -Л., 1939.

¹⁷⁴ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Извлечения из арабских сочинений. -СПБ., Т.1., 1884, с.207-208; Ибраҳимов Н. Кўрсатилган асар. 21-бет.

XV асрлар) «Китоб талхис ал-асар ва ажойиб ал-малик ал-қаҳҳор» («Буюк подшонинг мўъжизалари ва ёдгорликлари ҳақидаги китобнинг қисқартмаси») номли асарларидир¹⁷⁵. Чунки Ҳамдуллоҳ Қазвиний асарида Хоразмнинг XIV асрдаги географик ҳолати, хусусан йирик шаҳарлари, иқтисодиёти ҳақида маълумотлар келтириш билан бирга, Хоразмни Эрон билан боғловчи карвон йўллари ва улардаги манзиллар, масовалар тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. Ал-Умарий ва ал-Бакувий асарларида эса кўпроқ Хоразмда шаҳарлар, бозорлар, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари, нарх-наво, пул муносабатлари умуман, шаҳарлар хўжалик ҳаёти тўғрисида фикр юритилади.

Шунингдек, Шайх ал-Бирзалий¹⁷⁶, ан-Нувийрий¹⁷⁷, Ибн Халдун¹⁷⁸ каби араб-форс ва темурийлар даврининг Низомиддин Шомий¹⁷⁹, Шарофиддин Али Яздий¹⁸⁰, Абдураззоқ Самарқандий¹⁸¹, Ҳофизи Абрў¹⁸², Хондамир¹⁸³ каби муаллифлар асарларида ҳам XIV-XV асарлар Хоразм савдо шаҳарлари ва уларнинг хўжалик ҳаёти ҳақида маълумотлар учрайди. Аммо юқоридаги асарлар каби бу асарларда ҳам жиддий хатолар мавжуд бўлиб, улардан ҳам эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозимлигини таъкидлаш керак. Хоразм савдо шаҳарларининг географик ҳолати тўғрисида XIV-XV асрларда тузилган Европа хариталари ҳам маълумот беради. 1367 йилда ака-укалар Франциско ва Доменико Пициганилар харитасида Урганч, 1375 йилги Каталон атласида Урганч, Миздахқон, Хива, XV аср Венеция космографи Фра-Мауронинг 1459 йилги харитасида эса Урганч шаҳарлари кўрсатиб ўтилган. Бу хариталар бошқа манбалар маълумотларини тўлдириб, бу шаҳарларнинг ўрнини тўғри белгилашга ёрдам беради¹⁸⁴.

Мўғуллар ва темурийлар даври Хоразм шаҳарлари тўғрисида Хива хони Абулғозихоннинг XVII асрда ёзилган «Шажарайи турк» асарида ҳам маълумотлар мавжуд бўлиб, унда Миздахқон, Хива, Ҳазорасп, Вазир, Бўлдумсоз, Тирсак ва Қумкенд каби шаҳарлари ҳақида маълумотлар келтирилган¹⁸⁵.

Шу билан бирга XVI аср инглиз сайёҳи Антони Женкинсон¹⁸⁶ ва XVII аср муаллифи Маҳмуд ибн Валининг машҳур географик асари – «Баҳр ул-асрор фи манокӣб ул-аҳёр» («Олийжаноб кишиларнинг шон-шавкати ҳақида сирлар денгизи») асарларида¹⁸⁷. XV аср Хоразм хўжалик ҳаёти ва шаҳарлари тасвирланган. Булар иккаласида ҳам XV асрга келиб, Хоразм ҳаётининг бир оз юқорига кетганлиги таъкидланади.

Хуллас, IX-XV асрлар Хоразм савдо шаҳарлари тўғрисида кўпгина араб-форс, европа ва эски ўзбек тилидаги манбаларда маълумотлар мавжуд бўлса-да, аммо умумий ҳолатда улар савдо шаҳарларининг хўжалик ҳаёти, мавқеи тўғрисида атрофлича маълумотлар бера олмайди.

2.2. Хоразмнинг IX-XV асрлар шаҳарларининг ўрганилиши тарихи.

¹⁷⁵ Абд ар-Рашид ал-Бакуви. Китаб талхис ал-асар ва аджойиб ал қаҳҳор. -М.: «Наука», 1971.

¹⁷⁶ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... с.172-175.

¹⁷⁷ Ўша жойда: 152-бет.

¹⁷⁸ Ўша жойда: 385-391-бетлар.

¹⁷⁹ МИТТ, т. с.514-523; Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.

¹⁸⁰ МИТТ, т.2. -М. -Л., 1938, с.1938, с.155-168; Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. -: «Фан», 1972.

¹⁸¹ МИТТ, т.1. с.531-535; Абдураззоқ Самарқандий. «Матла'ус-садаи ва мажма'ул-бахрайи». -Т.: «Фан», 1960 ва 1969.

¹⁸² Бартольд В.В. Хофиз-ижтимоий Абрум его сочинения. -Соч. Т.8. -М.: «Наука». 1973.

¹⁸³ Хондамир. История монголов. Пер.с.персидского В.Григорьева. -СПб., 1834.

¹⁸⁴ Егоров В.Л. География городов Золотой Орды. //«Советская археология» (СА), 1974, №1, с.123.; Брун Ф. Перипл Каспийского моря по картам XIV столетия. //ЗНУ., Т.9. 1879, с.23-25 и. карти. Чекалин Ф.Ф. Нижнее Поволжье на карте космографа XV в. Фра-Маура. //ТСУАК. т.П., вып.2. -Саратов, 1890, карта.

¹⁸⁵ Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. -Т.: «Чўлпон», 1992, 122-125-бетлар.

¹⁸⁶ Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг. //«Английские путешественники Московском государстве в XVI в». -Л.: «Наука», 1938.

¹⁸⁷ Маҳмуд Ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География). //Введение, пер., примеч. Указатели Б.А.Ахмедова. -Т.: «Фан», 1977.

Юқорида таъкидлаганимиздек, IX-XV асрлар Хоразм савдо шаҳарлари тўғрисидаги араб-форс, европа ва эски ўзбек тилидаги манбалар маълумотлари умумий ҳолатда савдо шаҳарларининг хўжалик ҳаёти, мавқеи тўғрисида атрофлича маълумотлар бера олмайди. Мавзунинг чин маънода ўрганилиши эса XIX асрдан бошлаган. Шу билан бирга, XIX аср рус ва европалик тадқиқотчилар бу мавзуни ўрганишда кўпроқ айнан юқоридаги манбалар маълумотларига таянганликларини таъкидлаш лозим.

Хоразмнинг қадимий тарихи, савдо шаҳарлари тўғрисида XIX аср рус географлари, тарихчилари, элчилари, ҳарбий топографлари, этнограф ва сайёҳлари томонидан чоп қилинган кўпгина асарлар ва мақолалардан ҳам маълумотлар топишимиз мумкин. Хоразмга бу даврда биринчи илмий экспедициялар юборилган. Йўллар, мустаҳкамланган қалъа ва қўрғонлар, иқтисодиёт тўғрисидаги маълумотлар тўплаш билан бир қаторда, улар воҳанинг қадимги тарихини ҳам ўрганганлар. Натижада Хоразмнинг ўрта асрлар шаҳар маданияти масалалари тўғрисидаги бир қанча илмий асарлар, ҳисоботлар пайдо бўлди. Бу даврга Хива воҳаси тавсифлари ҳам тааллуқли бўлиб, улар кўпроқ илмий хусусиятга эга бўлган.

XIX аср манбаларига рус географ, этнограф, тарихчи, рассом, ҳарбий топограф ва сайёҳлари асарлари мансуб бўлиб, улар жумласига: А.В.Бутаков¹⁸⁸, Г.Базинер¹⁸⁹, Г.И.Данилевский¹⁹⁰, В.В.Григорьев¹⁹¹, Н.И.Веселовский¹⁹², В.В.Бартольд¹⁹³, В.Г.Тизенгаузен¹⁹⁴, А.Л.Кун¹⁹⁵, А.Н.Самойлович¹⁹⁶, М.И.Иванин¹⁹⁷, В.В.Вельяминов-Зернов¹⁹⁸, М.Н.Галкин¹⁹⁹, Н.В.Ханыков²⁰⁰, А.И.Левшин²⁰¹, П.И.Небольсин²⁰², Н.С.Никитин²⁰³, А.В.Каульбарс²⁰⁴ ва шу каби бир қанча олимлар асарларини киритиш мумкин.

Булар орасида, айниқса, В.В.Григорьев, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд ва В.Г.Тизенгаузен асарлари Хоразмнинг X-XV асрлардаги савдо шаҳарлари тўғрисидаги ўрта асрлар манбаларидаги маълумотларни келтирилганлигидан ва ўрганишдан ташқари, уларни танқидий ўрганиш борасидаги илк уринишлар бўлганлиги билан ҳам қимматлидир.

¹⁸⁸ Бутаков А.В. Дельта и устье Аму-Дарьи. Отечественные записки, 1866, кн.1.

¹⁸⁹ Путешествие Г.Базинера через киргизскую степь в Хиву. -ЗРГО, Вып. кн.V, СПб., 1849.

¹⁹⁰ Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства. -ЗРГО, кн.V, СПб., 1861.

¹⁹¹ Григорьев В.В. Описание Хивинского ханства и дорога туда из Сарайчиковой крепости. -ЗРГО, №2, СПб., 1861.

¹⁹² Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. -СПб., 1877.

¹⁹³ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху мангольского нашествия. -М., Соч., т.1., 1963, с.197-211; яна унинг: Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XVI в. -Соч., т.III; К истории орошения Туркестана. -Соч., т.III, и другие работы.

¹⁹⁴ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Т.1. Извлечения из сочинений арабских. -СПб., 1884.; Т.II. Извлечение из персидских сочинений. -М. -Л., 1941.

¹⁹⁵ Кун А.Л. Культура оазиса низовьев Аму-дарьи. -МСТК, вып.IV, -СПб., 1886.

¹⁹⁶ Самойлович Н.А. Краткий отчет о поездке в Ташкент и в Бухару и в Хивинское ханства прикамандрованного. Университетом и русским комитетом приват-доцента Самойловича в 1908 г. - ИРКСА, №19, -СПб., 1909, с.15-29.

¹⁹⁷ Иванин М.И. Хива и река Амударья. -СПб., 1873.

¹⁹⁸ Вельяминов – Зернов В.В. Исторические известия о киргиз-кайсаках и сношениях России со Средней Азией со времени кончины Абулхайрхана (1748-1765 гг.). т.1. -Уфа, 1853.

¹⁹⁹ Галкин М.Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. -СПб., 1868.

²⁰⁰ Ханыков Я.В. Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства с ее окрестностями. -ЗРГО, кн.V. -СПб., 1851.

²⁰¹ Левшин А.И. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд и степей. Ч.1. -СПб., 1832.

²⁰² Небольсин П.И. Очерки торговли России со Средней Азией. -ЗРГО, кн.X., 1855.

²⁰³ Никитин С.Н. Отчеты экспедиции 1892 г. в Зауральские степи Уральской области и Усть-Урт. - СПб., 1893.

²⁰⁴ Каульбарс А.В. Низовья Амударьи. Описания по собственным исследованиям в 1873 году. //ЗРГО т.

Европанинг бошқа мамлакатлари олимлари ичида ҳам баъзилари ўз асарларида Хоразм савдо шаҳарлари, уларнинг жойлашган ўрни, иқтисодий аҳволи ва бошқа мамлакатлар савдо шаҳарлари орасида эгаллаган мавқеи тўғрисида маълумотлар келтириш билан бирга, ўз фикрларини ҳам билдиришга ҳаракат қилганлар. Масалан, инглиз саёҳатчиси Г.Ланделл эсдаликларида Хоразм ёдгорликларига бағишланган бўлим ҳам мавжуд. Аммо шуни қайд қилиш лозимки, Ланделл Хоразм ёдгорликларининг тўлик тафсилотини келтириб ўта олмаган²⁰⁵. Яна бир муаллиф – Г.Ле Стрэнж, ўзининг мусулмон дунёсининг шарқида жойлашган давлатлардаги ёдгорликларга бағишланган асарида Хоразм шаҳарларини ҳам тасвирлаб ўтади. Г.Ле Стрэнж томонидан тузилган картада, ўрта асрлар муаллифлари маълумотлари асосида Журжон (Урганч), Кат, Миздахқон, Ҳазорасп, Хива шаҳарлари ва бир қанча карвонсаройлар ҳамда манзилгоҳлар кўрсатиб ўтилган эди²⁰⁶.

XIX аср машҳур голланд шарқшуноси де Гуге ҳам Хоразм савдо шаҳарларини ўрганиб, улар ҳақида бир қанча асарлар ёзиб қолдирган²⁰⁷. Машҳур бошқирд тарихчи олими ва сиёсий арбоби Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг асарлари ҳам кейинги вақтларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Аҳмад Закий Валидий Тўғон ҳам X-XV асрлар Хоразм савдо шаҳарлари тўғрисида қимматли маълумотлар берадики, бу борада ҳатто В.В.Бартольд ва М.Томашекларнинг топонимик номларни ўқиш борасидаги бир қанча хатоларини кўрсатиб ўтган. У мазкур мавзу тадқиқотчиларига Бартольд, Томашек ва бошқа европалик олимлар асарларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланишни уқтиради. Хусусан, Бартольд эслатиб ўтган Нузвар шаҳри номини Хадравар, Нуфузравар, Буран, Варан, Раван, Буруздум, Саворон Бирзум ёки Бурзун каби ўқиш мумкинки, аммо Нузвар деб ўқилса хато бўлишини кўрсатиб ўтади²⁰⁸. Хуллас, Аҳмад Закий Валидий Тўғон асарлари янада чуқур ўрганилишини талаб этадики, улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган, XIX аср ва XX аср бошлари рус ва бошқа европалик олимларнинг тадқиқотлари Хоразмнинг X-XV асрлардаги савдо шаҳарларини ўрганиш борасидаги ўзига хос янги босқич бўлганлиги ва бу хусусдаги билимларимизни бойитувчи янгидан-янги маълумотлар тўпланганлиги билан ажралиб туради. Аммо бу тадқиқотлар тўғрисида ҳам шуни қайд қилиб ўтишимиз лозимки, улар ўрта асрлар манбалари билан Хоразм савдо шаҳарлари ва уларнинг жаҳон савдосида тутган ўрни муаммосини ҳал этишимизда фақат дастлабки уриниш бўлганини кўриш мумкин, холос. Юқоридагилардан шу нарса аниқ бўладики, мазкур мавзуга оид манбалар ва тадқиқотлар қанчалик кўп бўлишидан қатъий назар, булар ушбу мавзунинг атрофлича ўрганишимиз учун хануз етарли даражада эмас. Уни муайянлаштириш учун бошқа соҳаларга (археология, этнография, лингвистика, топонимика, архитектура, нумизматика) оид янгидан-янги маълумотларга, айниқса, булардан археологик тадқиқотлар натижаларига мурожаат қилиш орқалигина эришиш мумкинлиги маълум бўлиб қолди.

Хоразмнинг X-XV асрлар савдо шаҳарларини археологик тадқиқотлар ёрдамида батафсил ўрганиш XX асрнинг 20-30-йилларида бошланганлигини қайд қилиш керак. Хоразм савдо шаҳарларини археологик жиҳатдан ўрганиш даврини 1928-1929 йиллардан бошланганлигини таъкидлаш лозим. 1928-1929 йилларда хоразмшоҳларнинг ўрта асрлардаги пойтахти Урганч (Кўҳна Урганч) атрофида ва ҳозирги Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли шаҳри яқинидаги Кофирқалъа (Гаурқалъа) харобалари ўрнидаги ўрта асрлар йирик савдо маркази Миздахқонда А.Ю.Якубовский экспедицияси иш олиб борган. А.Ю.Якубовский Урганч ва Миздахқон шаҳарлари топографиясини биринчи марта илмий асосда яратган ҳамда бу хусусда маълумотлар берган эди. У

²⁰⁵ Ланделл Г. Русская Средняя Азия (на англ. языке). -Лондон, 1885, с.314-347.

²⁰⁶ Лэ Стренж. Земли Восточного Халифата (на англ. языке). -Кембридж, 1930, с.446-459.

²⁰⁷ De Goeje M.J. Das alte Bett des Oxus Amü-darja. Leyden. 1875. ва бошқа асарлари.

²⁰⁸ Ibn Fadlan's reisebericht von A.Zeki Validi Togan. Leipzig, 1939; яна қаранг: Шигабиддинов Р. Неизвестные страницы А. Валидий. Пер. с башкирского языка Д.Рашидова. "Ўзбекистон тарихи", 2000, №1-2, 57-70-бетлар.

тарихий манбалар ва археологик тадқиқот натижаларини умумлаштириб, мазкур шаҳарлар тарихини ўрганди²⁰⁹. Аммо муаллиф томонидан кўпгина масалалар муаммолигича қолдирилди. 1934 йилда Туркменистоннинг Тошхөвүз вилоятида яна бир ўрта аср савдо шахри – Замаҳшар шахрининг ҳаробаларида М.В.Воеводский экспедицияси иш олиб борди²¹⁰. 1936-1937 йилларда Жанубий Қорақалпоғистон худудидаги Гулдурсун ва Норинжон ўрта аср шаҳарлари харобаларида Я.Ф.Ғуломов экспедицияси фаолият кўрсатган эди²¹¹. Юқоридаги савдо шаҳарларида 1928-1929, 1934 ва 1936-1937 йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар ялпи Хоразм тарихи билан бир қаторда, унинг савдо шаҳарларини ўрганишнинг ҳам биринчи даври ҳисобланиб, мавзумизнинг эшигини очиб берди. X-XV асрлар савдо шаҳарларини ўрганишнинг иккинчи даври, машҳур археолог ва этнограф С.П.Толстов бошчилигида 1937 йилда тузилган Хоразм археологик-этнографик экспедицияси фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, бу экспедиция 40 йилдан ортиқроқ вақт давомида жуда кўп ўрта асрлар ёдгорликларини: шаҳарлар, манзилгоҳлар, карвонсаройлар ва шу каби ёдгорликларни аниқлади ҳамда илмий ўрганди²¹². Бу археологик экспедициянинг ўзига хос хусусияти шундаки, у комплекс методда иш олиб борди. Яъни тарихий ёдгорликларни ўрганиш ишига археолог ва этнографлардан ташқари, географлар, геоморфолог, антрополог, тупроқшунос, зоолог, биолог, тилшунослар ва ершунослар ҳам таклиф қилиндики, бу, ўз навбатида, мазкур ёдгорликларни ҳар тарафлама мукамал, илмий тадқиқ қилиш имконини берди. Натижада жуда кўпгина ёдгорликлар ўрта аср манбаларида кўрсатилган савдо шаҳарлари билан солиштириб аниқланди. Ўрта аср манбаларида кўрсатиб ўтилган шаҳарлардан ташқари, манбаларда эслатилмаган ёки манбалардаги қайси шаҳарга тўғри келиши аниқланмаган X-XV асрларга оид ёдгорликлари ҳам топиб ўрганилди. Айниқса, археологик тадқиқотларда авиациядан фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эга бўлдики, айрим қисмларини ердан туриб мутлақо кузатиб бўлмайдиган ёки қийинлик билан кузатиладиган шаҳар ва қишлоқларнинг жойлашишини аниқлаш имконияти туғилди; ердан туриб мутлақо кўриб бўлмайдиган янги объектларни ҳам топиш мумкин бўлди²¹³. Шу ўринда баъзи йирик савдо марказларида олиб борилган тадқиқот ишлари солномасини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Хоразмнинг бутун ривожланган ўрта аср давомида, яъни X-XV асрлардаги энг йирик савдо маркази бўлган Урганчда (Кўҳна Урганчда) археологик тадқиқот ишлари, юқорида айтиб ўтганимиздек, 1928-1929 йилларда бошланган эди. Аммо унда бу шаҳар тарихининг кўпгина қирраларини очиб бериш имкони бўлмаган эди. 1952 йилда Урганчда мукамал археологик тадқиқотлар натижасида у муфассал ўрганилди ва ўрта аср манбаларидаги маълумотлар тўла тасдиқланди²¹⁴. Йирик савдо марказларидан бири Шемахақалъада археологик тадқиқотлар 1947 йилда бошланди. 1948 йилда шаҳар Н.Н.Вактурская томонидан ўрганилди. Археологик тадқиқотлар натижасида жуда кўпгина хунармандчилик маҳсулотлари топилдики, у шаҳарнинг ўрта асрларда йирик савдо-хунармандчилик маркази бўлганлигини кўрсатади²¹⁵. Аммо Шемахақалъанинг ўрта аср манбаларидаги қайси шаҳарга тўғри келиши ҳали узил-кесил аниқланмаган.

²⁰⁹ Якубовский А.Ю. Городище Миздахкан. –«Записки коллегии востоковедов». т.V. -Л., 1930; с.551-591; яна унинг: Развалины Ургенча. -ИГАИМК, Вып.2, т.VI, Л., 1930.

²¹⁰ Voyevodsky M. A Summary Report of a Khwarizm Expedition. ВАПАА, 1938, №3.

²¹¹ J.Gulom. Otmuş izlari. "Guliston", 1937, №4.

²¹² Толстов С.П. Древний Хорезм. -М., 1948, с.33,156,157,168-170; яна унинг: По следам древнехорезмийской цивилизации. -М. -Л., 1948, с.308-315; По древним дельтам Окса и Яксарта. -М., 1962, с.246-295.

²¹³ Итина М.А. Охранные археологические работы в Хорезме. Итоги и перспектива. СЭ., 1984, №1.

²¹⁴ Вактурская Н.Н. Раскопки городища Ургенч в 1952 г. //ТХАЭЭ, т.II, М.: «Наука», 1958; Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1947 г. //ИАН СССР, СИФ, т.V, №2, -М.: 1947, с.182-192.

²¹⁵ Вактурская Н.Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемаха-кала. -ТХАЭЭ, т.I, -М.: 1952, с.173-192.

X-XV асрлар савдо шаҳарларини ўрганишнинг учинчи даври 1958 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали археология бўлимининг ташкил топиши билан узвий боғлиқдир. Бўлим олимлари Хоразм археология-этнография экспедициясидан мустақил археологик тадқиқотлар ўткази бошлади. Бу илмий муассаса томонидан 1958-1988 йиллар давомида жуда кўплаган археологик экспедициялар амалга оширилди²¹⁶. 1958-1961 йиллар давомида Хоразм археология-этнография экспедицияси томонидан Шаҳрлик, Пулжой, Буғрохон, Мунчокли, Замаҳшар, Тупрокқалъа, Ёрбакирқалъа ва Ҳазорасп каби савдо шаҳарлари ҳам ўрганиб чиқилди²¹⁷. Булар натижалари X-XV асрлар савдо марказлари тўғрисидаги қарашларимизни янгидан-янги маълумотлар билан бойитди. 1962, 1964-1965 ва 1966 йилларда Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлимининг В.Н.Ягодин раҳбарлигидаги гуруҳи томонидан яна бир йирик савдо маркази Миздахқонда археологик қазув ишлари олиб борилди. Бу тадқиқотлар натижалари ўрта асрлар манбаларида эслатиб ўтилган маълумотларни тўла тасдиқлади. Яъни, Миздахқон X-XV асрлар давомида Хоразмнинг энг йирик, баъзида Урганчдан кейинги йирик савдо маркази бўлганлиги илмий жиҳатдан тасдиқланди²¹⁸. 1963, 1968-1971 йиллар давомида Қорақалпоғистон археологлари Ю.П.Маньлов раҳбарлигида тадқиқотларни давом эттириб, ўнг қирғоқ Амударё бўйлаб археологик ишлар олиб бориб, Кат, Абу Муслимқалъа, Жанпикқалъа ёдгорликларини ўрганиб чиқдилар²¹⁹. Бу археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган энг муҳим нарса шу бўлдики, Ибн Баттута таъкидлаган, ўнг қирғоқ Хоразмда Бухорога қадар Қиёт (Кат)дан бошқа шаҳар йўқ деган маълумоти унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. Археологик тадқиқотлар самараси ўлароқ ўнг қирғоқ Хоразм савдо шаҳарларидан топилган жуда бой материаллар айниқса, кўплаган Олтин Ўрда тангалари шуни кўрсатадики, мўғул босқинидан кейин ҳам ўнг қирғоқ Хоразм савдо шаҳарлари аста-секин бўлса-да, ўз қаддини тиклаб олганлар. Аммо, улардан ҳеч қайсиси X-XIII асрлардаги даражасига ета олмаган. 1973, 1978-1981, 1981-1983, 1985-1987 йилларда Жанпикқалъада, 1980, 1985, 1986-1987 йилларда Миздахқонда, 1963, 1965 йилларда Шаҳрликда, 1973-1974 йилларда Ваянган (Ардахушмисан)да олиб борилган археологик тадқиқотлар Хоразм савдо шаҳарларининг топографияси, хўжалик ҳаётини аниқлаш билан бирга, уларнинг олиб борган савдо алоқаларининг йўналишларини ҳамда муайян бир ўлкадан (масалан, Эрондан, Волгабўйидан ва ҳоказо) қандай маҳсулотлар келтирилганлигини ёки Хоразмдан шу ўлкаларга қандай моллар чиқарилганлигини тўлиқ бўлмасида, аниқлаш имконини берди²²⁰. Юқорида кўрсатиб ўтилган савдо шаҳарларидан ташқари, X-XV асрларда Хоразм савдо шаҳарлари қаторига кирган бошқа савдо шаҳарларида ҳам археологик тадқиқот ишлари ўтказилган. Хоразмнинг XIII-XIV асрларда умум Евроосиё савдосида тутган ўрни, шу даврлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Олтин Ўрда давлати иқтисодий-маданий ҳаётида тутган ўрни мавзусини ёритишда айниқса қорақалпоқ археолог ва

²¹⁶ Гудкова А.В., Ягодин В.Н. Археологические исследования в правобережной части дельты Амударьи в 1958-1959 гг. -МХЭ, вып.6, М.: 1963; Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Амударьи. -МХЭ, вып.7, М.: 1963 и другие работы.

²¹⁷ Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма. -МХЭ, вып.7, 1963; Вишневская О.А. Археологические разведки на средневековых поселениях Левобережного Хорезма. -МХЭ, вып.7, 1963; Воробьева М.Г., Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 гг. - МХЭ, вып.6, -М.: 1963.

²¹⁸ Ягодин В.Н. К Изучению топографии и хронологии древнего Миздахкана. -В кн. История, археология и этнография Средней Азии. -М., 1968; Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздахкана. -Т.: «Фан», 1970.

²¹⁹ Маньлов Ю.П. К изучению городища Кят. //ВКК ФАН Уз ССР, №2. - Нукус, 1966; Маньлов Ю.П., Ходжайов Т.К. Средневековый мавзолей Джанпык-кала. //ВКК ФАН Уз ССР, №2. - Нукус, 1972; Маньлов Ю.П. Археологические памятники Султануиздага эпохи античности и средневековья. АКД., - Т.: 1973.

²²⁰ Маньлов Ю.П., Кдырнязов М.Ш. Городище Джанпик-кала. //Археология Приаралья. вып.2. -Т.: «Фан», 1984; Кдырнязов М.Ш. Городище Миздахкан в золотоординское время. //XI НТК, тезиси докладов и сообщений. -Нукус, 1987; Мамбетуллаев М.М., Кдырнязов М.Ш. Городище Воянган. //Археология Приаралья, вып.1. -Т.: «Фан», 1982 и другие работы.

тарихчи олими М.Ш.Қдырниёзовнинг хизматлари катта. У бу мавзуга оид кўплаган монография ва мақолалар муаллифидир. У яна Хоразмнинг Хоразмнинг XIII-XIV асрларда Буюк Ипак йўли савдосида тутган ўрни анча салмоқли бўлганлигини ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлар ёрдамида исботлаб берди²²¹.

Савдо шаҳарлари тарихини, уларнинг хўжалик ҳаётини ўрганишда яна карвон йўлларини, уларнинг йўналишини ўрганиш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. 1930-йиллардан тортиб то 90-йилларгача бўлган давр ичида Хоразм савдо шаҳарларининг кўшни ва узоқ ўлкалар билан олиб борган савдо муносабатларини аниқлаш имконини берувчи бир қанча карвон йўллари археологик жиҳатдан тадқиқ қилинди. Шундай карвон йўлларидан бири Хоразм савдо шаҳарларини кўчманчилар ва Шарқий Европа билан боғловчи йўл бўлиб, у Устюрт платоси устидан ўтган. Ҳали XIX асрдаги рус географлари, элчилари ва сайёҳлари Устюртдан ўтишда жуда кўп минора, карвонсарой ва сардобалар харобаларига дуч келганлар ва улар бу ёдгорликларни тасвирлашга, ўрганишга ҳаракат қилганлар. Аммо фақат 1946 йилда бу ерларни археологик жиҳатдан ўрганишга киришган Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимларигина бу харобаларнинг карвонсаройлар бўлганлиги, бу чўзилиб кетган харобалар тизими эса улар орқали карвон йўли ўтганлигини тўлиқ аниқлаб, исботладилар. Бу карвон йўлидаги Булок, Қусбулок, Беловли, Чурук ва Учқудук карвонсаройлари С.П.Толстов томонидан X-XI асрларга тааллуқли эканлиги таъкидланди²²². 1950 йилда бу ерда Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари қайта археологик тадқиқотлар ўтказиши натижасида улар XI-XIII асрларга хос деб белгиланди²²³. 1964 йилда бу ерда археологик тадқиқот олиб борган қорақалпоқ археолог Е.Бижанов бу карвонсаройлар хоразмшоҳлар даврида қурилиб, улардан жуда кенг миқёсда XIII-XIV асрларда фойдаланганликларини аниқлади²²⁴. Кейинчалик, 1971-1975 йилларда Устюртти В.Н.Ягодин раҳбарлигидаги Ўзбекистон ФА Қорақалпоқ филиали, археология бўлимлари ходимлари системали ўрганишга киришди²²⁵. Аммо бу карвон йўлидаги карвонсаройларни 1975-1978 йилларда Ю.П.Маньлов раҳбарлигида қорақалпоқ археологлари атрофлича ўрганиб чиқдилар²²⁶. Айнан шу гуруҳ томонидан бу ерда ишлар 1981 йилда ҳам давом эттирилди. Натижада Хоразм савдо шаҳарларининг Шарқий Европа билан савдо муносабатлари тўғрисидаги маълумотларни тўлдирувчи жуда бой материаллар тўпланди. Бу карвонсаройлар XIV аср ўртасида қурилиб, XV аср охиригача хизмат этгани аниқланди. Хоразм савдо шаҳарларининг Мовароуннаҳр, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан олиб борган савдо йўлларида ҳам археологик тадқиқотлар ўтказилиб, бу мавзунинг ёритишга ёрдам берувчи жуда бой материаллар тўпланди. Хоразмни Марв ва Хуросон билан боғловчи йўлнинг шимолий тармоғи 1949-1953 йилларда С.П.Толстов томонидан

²²¹ Қдырниязов М.Ш. Материальная культура городов Хорезма в XIII-XIV веках. – Нукус; Каракалпакстан», 1989; Гороdice Миздахкан в золотоординское время... Нукус, 1987, Мастерские-винодельни золотоординского Миздахкана // Вестник ККО АН Рuz. – Нукус, 1999, №3, с.101; обогарнам характере производственной деятельности населения Миздахкана // ОНУ. – Т., 1999, №5-6, с.83; О роли Хорезма в евразийской торговле XIII-XV веков // ОНУ. – Т., 2000, №1, с.35-41; Қдырниязов М.-Ш., Бауатдинов Р. Новые археологические данные о средневековом Миздахкане // ОНУ. Т., 2001, №3, с.52-56 и другие работы.

²²² Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1946 г. // ИАН, т.IV., 1947, №2, яна унинг: По следам древнехорезмийской цивилизации. –М., Изд-ва АН СССР, 1948.

²²³ Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. // ТХАЭЭ, т.II. –М.: Изд-ва АН СССР, 1958.

²²⁴ Бижанов Е. Археологические памятники юго-восточного Устюрта. // АҚД, –Нукус, 1967; Бижанов Е., Лоховиц В. Устюртский караванный путь из Хорезма в Восточную Европу и Поволжье. // ВКФ, 1969 г, №2; Бижанов Е. Юго-Восточный Устюрт. Некоторые итоги и перспективы археологического изучения. // ВКФ, 1970, №3.

²²⁵ Древняя и средневековая культура юго-восточного Устюрта. –Т.: 1978.

²²⁶ Маньлов Ю.П. О пути Ибн Фадлана из Хорезма через плато Устюрт. // СА, 1979, №2; яна унинг: Археологические исследования караван-Сараев Центрального Устюрта. В кн.: Археология Приаралья, Вып.1, –Т.: «Фан», 1982.

ўрганиб чиқилди²²⁷. 1960, 1966 йилларда эса у К.Адиқов ва М.Е.Массон томонидан ҳам текширилди. Бу йўлнинг Эрон билан боғловчи жанубий тармоғи эса 1961 йилда Е.Атагарриев ва Х.Юсупов, 1970, 1972 йилларда Х.Юсупов томонидан ўрганилди. Қорақум орқали ўтган бу савдо йўлини яна 1980 йилда Д.Дурдыев ҳам текширган эди²²⁸. Бу йўллардан ташқари Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб ўтган карвон йўли ҳам мавжуд бўлиб, бу йўлни биринчи марта 1939 йилда С.А.Ершов ва С.П.Толстовлар тадқиқ қилган бўлсалар, М.Е.Массон бу ерда 1954 ва 1966 йиллар археологик тадқиқотлар ўтказди. 1972-1975 йилларда эса бу йўлда ХАЭЭ маршрут ва турғун археологик тадқиқотлар олиб борди²²⁹. Натижада бу йўл Х-ХV асрлардаги энг қулай ва серқатнов йўл бўлганлиги аниқланди. Бундан ташқари, юқоридаги археологик тадқиқотлар Хоразм савдо шаҳарларининг Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғи ва унинг кичик-кичик тармоқлари орқали олиб борган савдо муносабатларининг қай даражада бўлганлигини ва қандай маҳсулотлар чиқарилган ёки келтирилганлигини аниқловчи бой материаллар тўплаш имконини берди. Хуллас, юқорида кўрсатиб ўтган тадқиқотларнинг муҳимлигини эътироф этиш билан бирга, шунини қайд қилиш керакки, уларда муаллифлар ўз олдларига Хоразмнинг Х-ХV асрлар савдо марказларининг ўрта Шарқ ва Европа мамлакатлари, кўчманчилар дунёси билан савдо муносабатларини изчил ва мунтазам равишда умумлаштириш вазифасини қўймайдилар. Бунинг устига мазкур асар ва тадқиқотларда Хоразм савдо марказлари тўғрисидаги қарашлари фақат археологик ёки фақат топонимик, географик йўсинда таҳлил қилинади.

Хулоса.

Ўлкамиз тарихида ўз ечимини кутаётган сирли воқеалар талайгина. Айниқса, дунё фани ва маданиятининг раванкига, ҳунармандчилик ва саноат марказларининг таркиб топишига, давлатлараро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ўрнатилишига, ҳатто замонвий темир ва автомобиль йўллари тармоқларининг қурилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган Буюк Ипак йўлининг кўпгина қирралари ҳануз жумбоқлигича қолмоқда. Сўнгги пайтларда бу масалага дунё олимлари, сайёҳлари, умуман кенг жамоатчиликнинг эътибори анча кучайди. Жумладан, ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтган ХХ асрнинг сўнгги 90-йиллари Буюк Ипак йўлининг "ўн йиллиги" деб эълон қилинди. Шу муносабат билан республикамиз, Марказий Осиё республикалари ва чет элларда Буюк Ипак йўлининг шаклланиши тарихи ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга бағишланган кўплаб анжуманлар ўтказилди, турли мавзулардаги илмий ва илмий-амалий экспедициялар уюштирилди.

Дарҳақиқат, харитадан кўриниб турибдики, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон Шарқ билан Ғарбни бирлаштирувчи Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғинида жойлашган. Шунинг учун ҳам республикамиздаги ўлкашунослар жамияти аъзолари, шунингдек кенг жамоатчилик Буюк Ипак йўли тармоқларини атрофлича тадқиқ этишга катта эътибор бермоқда.

Бу хайрли ишда илмий экспедициялар таркибидаги археолог, тарихчи, геолог, биолог, зоолог, этнограф, шифокор, сайёҳ, альпинист, кинорежиссёр каби кўплаб касб

²²⁷ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962.

²²⁸ Адыков К.А. Средневековый торговый путь из Мерва в Серахс. //АҚД, -Ашхабад, -1960; Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и в Мавереннахр (в пределах Туркменской ССР). //Труды ЮТАКЭ, т.13., -Ашхабад, 1966.; Атагарриев Е. Средневековый Дехистан. -Л., 1986; Юсупов Х. Археологические работы в предгорьях Северо-Западного Копетдага между Сарыкамышем и Кызыл-Арватом. //КД, 1972, №4; Развалины рабата Тансыкли – деме (к вопр. о трассе Юж.отрезка пути Хорезм-Иран Хам даллаха Казвини). //КД., вып.3, -Ашхабад, 1970; Дурдыев Д. Транскаракумский торговый путь из Хорезма в Южный Туркменистан. В кн.: Новые исследования по археологии Туркменистана. -Ашхабад, 1980.

²²⁹ Итина М.А. Археологические памятники на древних торговых путях вдоль берегов Амударьи. Древности Южного Хорезма. -М., 1991.

эгалари фаол иштирок этиш истакларини билдириб, бу илмий экспедицияларнинг катта наф келтиришида баҳоли қудрат ўз хиссаларни қўшдилар. Ўлкамиз доирасида Буюк Ипак йўлининг шаклланиши ва унинг инқирозга юз тутишигача бўлган даврлардаги ўзига хос босқичли тарихий-жўғрофий силсиласини чуқур тадқиқ этиш ҳам муҳим мавзу ҳисобланади.

Бундан буён тарихий-географик тадқиқот ишларини ўлкамиз миқёсида янада жонлаштириш ва ягона дастур асосида узлуксиз олиб бориш зарур. Бунинг учун қадимги археологик обидалар орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг тармоқларига махсус илмий экспедициялар ташкил этиш, тадқиқот жараёнидаги қадимги қўлёзма ва китоблар, топономик, археологик ашё ва далиллар, тошларга ўйиб ёзилган ёзув, чизма ва нақшлар, ҳозиргача етиб келган афсона, эртақ, ривоят ва ҳоказолардан унумли фойдаланиш керак. Шубҳасиз, бундай манбалардан олинган ишончли маълумотларни атрофлича таҳлил қилиш ва умумлашмалар яратиш ғоят муҳимдир.

Фикримизча, ўлкамиз ҳудуди тарихи билан боғлиқ бўлган Искандар Зулқарнайн, Плано Карпини, Рубрук ва Марко Поло, Амир Темур, Беруний, Носир Хисрав, Муҳаммад Авфий, Бобур, Муҳаммад Ҳайдар ва Абдураззоқ Самарқандий, Чжан Цянь каби саркарда, сайёҳ, олим, давлат арбоблари, элчилар сингари тарихий шахсларнинг юрган йўллари, фаолиятлари, асарлари чуқур таҳлил қилиниб, йирик даврларни ажратиш ва аниқлик киритиш, уларнинг тараққиётини акс эттирган махсус тарихий-географик, элшунослик, ўлкашунослик каби хариталар тузиш мақсадга мувофиқдир.

Аммо юқорида таъкидланган фикрларимизнинг ва кўпгина тарихчи археолог ва бошқа соҳа олимларининг маълумотларини мутлоқ ҳақиқатга даъвогар, дея олмаймиз. Чунки уларнинг фикрларини биров бўлсада, инкор қилувчи материаллар ҳам мавжуд бўлиб, бу бизни Хоразм иқтисодий-ижтимоий тарихини янада чуқурак ўрганиш ва кўпроқ изланишга ундайди. Юқорида X-XV асрлар Хоразм савдо марказларининг тарихини кўздан кечириб чиқиш давомида, шундай хулосага келдикки, Хоразм тарихини, айниқса савдо марказлари тарихини фақат шу ҳудуддан топилган археологик, топономик ва лингвистик материалларгагина таяниб ўрганиб бўлмайди. Унга қўшни бўлган ва қадимдан узвий, маданий, иқтисодий алоқада бўлиб келган халқлар, мамлакатлар, давлатлар тарихини ҳам чуқур ўрганишимиз лозим.

Хуллас, Хоразм савдо марказлари тарихини ўрганиш давомида уни умумий Буюк Ипак йўли билан узвий ҳолда тадқиқотлар олиб боришимиз, Буюк Ипак йўли тарихини ўрганиш давомида эса тармоқларга бўлиб, масалан, Хоразм савдо марказлари мисолида изланишлар олиб боришимизни талаб этади.

Шу ўринда, Буюк Ипак йўлини ўрганиш ва унинг аҳамияти хусусидаги юқорида келтириб ўтган фикрларимизни давом қилдириб, баъзи фикрларни билдирмоқчимиз.

Кенг миқёсдаги археологик, манбашунослик ва тарихшунослик маълумотларини ўрганиш асосида, мавзумизга оид куйидагича тегишли илмий хулосалар чиқарилди.

1. Хоразм савдо марказлари тарихи ва уларнинг жаҳон савдосидаги ўрни турли хил манбаларда ва тарихшуносликка оид тадқиқотларда ўз аксини топган. Аммо ҳали ҳам бу муаммонинг барча қирраларини тўлиқ очиб берувчи асарлар ва тадқиқотлар мавжуд эмас.

2. Ҳозиргача Хоразм савдо марказлари ва савдо алоқалари тарихи етарлича ўрганилган деб бўлмайди ва янгидан янги тадқиқотларни талаб этади. Айниқса Хоразм савдо марказларининг Европа билан савдо алоқалари масаласи муаммолигича қолмоқда. Бу муаммони ҳам ҳал қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

3. Хоразмнинг IX - XV асрлар иқтисодий ҳаётини ёритишда шу даврлар араб–форс манбалари энг муҳим манбалар ҳисобланади. Улар устида кўп бора тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, уларда ҳали муаммоли маълумотлар мавжуд.

4. Хоразмнинг IX - XV асрлар савдо муносабатлари масаласини ўрганиш ишига С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик–этнографик экспедицияси ходимлари жуда катта ишлар олиб бордилар. Кейинчалик эса бу муаммони ўрганиш ишига Қорақалпоғистонлик археолог, тарихчи ва этнографлар катта ҳисса қўшдилар.

5. Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон археологик тадқиқотлар борасида ҳам кўпгина хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганки, бу жуда ҳам келгусида жуда катта аҳамиятга молик бўлган янгиликларнинг очилишига олиб келади.

Республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан миллий даромадни ошириш, айниқса, валюта ишлаш масаласини, жаҳон бозорига чиқиши муаммосини пухта ўйлаб кўриш лозим.

Ўрта асрлар Хоразм савдо марказлари ва савдо алоқалари мавзусини тадқиқ қилиш давомида биз келгусида мазкур масала юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган баъзи амалий тавсияларни илгари суришни лозим топдик.

1. XX асрнинг 30–йилларидан то 90–йилларигача Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудларидан жуда кенг миқёсда археологик тадқиқотлар олиб борилиб, Хоразм савдо марказлар ва савдо муносабатлари тарихининг кўпгина муаммоли масалалари ўз ечимини топди. Аммо шундай бўлса ҳам, Хоразм археологик–этнографик экспедициясининг саёз ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган археологик материаллари ҳам мавжудки, уларни жуда чуқур ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди.

2. Хоразм савдо марказлари тарихини ва уларнинг жаҳон савдосидаги ўрнини ёритувчи ўрта асрлар ва кейинги даврлар манбалар устида иш олиб борилган бўлсада, ҳали уларни атрофлича деб бўлмайди. Хориж давлатлари фондларидаги шу мавзуга оид маълумот берувчи кўпгина манбаларни ҳам ўрганиш лозим.

3. Юқоридаги муаммоларни амалга ошириш учун қўшни ва хориж давлатлар тегишли илмий муассасалари билан кенг миқёсдаги амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш керак бўлади.

4. Энг асосийси эса эътиборни чуқур билимга эга маҳаллий–археолог, этнограф ва тарихчи мутахассисларни етиштириб чиқаришга қаратиш лозим. Бу эса келгусида Хоразм тарихидаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этишнинг гарови ҳисобланади.

5. Бу борада айниқса Қорақалпоқ археолог, тарихчи ва этнограф олимлари, илмий муассасалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимки, бу мавжуд муаммоларни ҳал қилишда жуда катта аҳамиятга эга.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Буюк Ипак йўли билан боғлиқ ишларнинг натижаси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ўлкашунослик соҳасида пухта билим ва кўникмаларга эга бўлишда, она юртимиз табиатини севиш ва эъзозлашга ўргатиш борасида ҳам ғоят катта аҳамият касб этади. Бинобарин, Ватанни севиш, унга меҳр қўйиш ризқ-рўзимиз манбаи – ўлкамиз табиатини чуқур билишдан, уни асраб-авайлашдан иборат. Хуллас, мавзумиз хулосасида шуни яна бир бор таъкидлаймизки, Буюк Ипак йўли ва Хоразм савдо марказлари тарихини чуқур ўрганиш борасида бизларнинг олдимизда турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиши билан бирга бизнинг ота-боболаримиз олдидаги ҳам қарз, ҳам фарздир. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришиб, чинакам демократия сари илк қадамлар қўяётган, ғоявий ақидалардан холи бўлиб жаҳон халқларига ҳамкорлик эшикларини очаётган даврда, давлат фуқароларида, айниқса, ёш авлодда ўз Ватани, унинг ўтмиши, бугуни, келажаги ҳақида объектив ва соғлом тасаввур ҳосил қилиш жуда муҳимдир.

Ўз Ватани тарихини биладиган, ҳурмат қиладиган кишигина унинг чинакам фуқароси бўла олади. Айниқса, бу борада ҳукуматимиз, хусусан юртбошимиз олиб бораётган сиёсат таҳсинга сазовордир. Илм-маърифатга, маънавиятлар ва миллий қадриятларга алоҳида эътибор билан қаралиши ана шундай ибратли ишлар жумласидандир. Зеро, ўтмишни ўрганмасдан туриб, келажакни куриб бўлмайди.

FOYDALANILGAN MANBALAR VA ADABIYOTLAR:

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning asarlari.

1. Karimov I.A. O'zbekiston mustaqil taraqqiyot yo'lida. –T.: O'zbekiston, 1994.
2. Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. –T.: O'zbekiston, 1997. -326 b.
3. Karimov I.A. Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q. –T.: O'zbekiston, 1998. –32 b.
4. Karimov I.A. O'zbekiston XXI asrga intilmoqda. –T.: O'zbekiston, 1999. -48 b.
5. Karimov I.A. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz. – T.: O'zbekiston, 2000. -112 b.

Tadqiqotlar, manbalar, risola va maqolalar.

6. Aydarov S.S. Aksenova N.D. Velikie Bulgari. –Kazan: Tatarskoe kn.izd-vo, 1983. – 72 s. sil.
7. Arxeologiya Priaral'ya. Vip.I. –T.: «Fan», 1982. -128 s.
8. Arxeologiya Priaral'ya. Vip.II. –T.: «Fan», 1984. -120 s.
9. Arxeologiya Priaral'ya. Vip.III. –T.: «Fan», 1986. -134 s.
10. Arxeologiya Priaral'ya. Vip.IV. –T.: «Fan», 1990. -174 s.
11. Arxeologiya Priaral'ya. Vip.V. –T.: «Fan», 1991. -204 s.
12. Bartold V.V. K istorii orosheniya Turkestana. -Cochineniya. T.3. –M.: «Nauka», 1965.
13. Bartold V.V. Cvedeniya ob Aralg'skom more i nizovyax Amu-Dari s drevneyshix vremen do XVIII v. -Sochineniya. T.Z. –M.: «Nauka», 1965, s.15-94.
14. Bartold V.V. Turkestan v epoxu mongolskogo zavoevaniya. -Sochineniya. T.24.2. –M.: «Nauka», 1964. -657 s.
15. Belenitskiy A.M., Bentovich I.B., Bolshakov O.G. Crednevekovqy gorod Sredney Azii. –L.: «Nauka», 1973. -389 s.
16. Bijanov Ye.B. Loxovits V.Ustyurtskiy karavanniy put iz Xorezma v Vostochnuyu Yevropu i Povolje //VKF, - Nukus, 1969, №2.
17. Buniyodov Z. Anushtagin-Xorazmshohlar davlati (1097-1235 y.y.) –T.: «Adabiyot va sanhat» nashriyoti, 1997. -256 b.
18. Vakturskaya N.N, Vishnevskaya O.A. Pamyatniki Xorezma epoxi Velikix Xorezmshaxov (XII-nachalo XIII vv.) //MXE., vip.1, -M.: Izd-vo An SSSR, 1959, s.150-167.
19. Vladimirtsev B.Ya. Obshestvenniy stroy mongolov: Mongolskiy kochevoy feodalizm. –L.: Izd.AN.SSSR, 1934.
20. Vostok-Zapad: Issledovaniya. Perevodq. Publikatsii. –M.: «Nauka», 1988, 289 s.
21. Gorod Bolgar: Ocherki remeslennoy deyatelnosti. –M.: «Nauka», 1988. –280 s.
22. Goroda i karavansarai na trassax Velikogo SHelkovogo puti //Tezisq dokladov Mejdunarodnogo seminara YuNESKO. –Urgench, 1991. -98 s.
23. Grajdankina N.S, Rtveladze E.V. Vliyanie Xorezma na keramicheskoe proizvodstvo goroda Madjara. - SA, 1971, №=1,s.127-139.

24. Grekov I.B. Vostochnaya Yevropa i upadok Zolotoy Ordi. -M.: «Nauka», 1975. - 519 s.
25. Grekov I.B, SHaxmagonov F.F. Mir istorii: Russkie zemli v XV vekax. -2-e izd. - M.: «Molodaya gvardiya», 1988. -334 s.
26. Grekov B.D.,Yakubovskiy A.Yu. Oltin O'rda va uning qulashi. -T.: «O'quvpeddavnashr», 1956. -309 b.
27. Darkevich V.P. Argonavti srednevekovya. - M.: «Nauka», 1976. -200 s.
28. Darkevich V.P. Xudojestvenniy metall Vostoka VIII-XIII vv. – M.: «Nauka», 1976. -197 s.
29. Dubov I.V. Velikiy Voljskiy put. – L.: Izd-vo LGU, 1989. -256 s.
30. Zaxoder B.N. Kaspiyskiy svod svedeniy o Vostochnoy Yevrope. t.1. - M.: 1948.
31. Ibrohimov N. Ibn Battuta va uning O'rta Osiyoga sayohati. – T.: «SHarq bayozi». 1993.-103 b.
32. Kavkaz i Srednyaya Aziya v drevnosti i srednevekove. –M.: «Nauka», 1981. -181 s.
33. Karpov S.P. Italiyskie morskije respubliki i yujnoe Prichernomore v XIII-XV vv.: problemi torgovli. -M.: Izd-Vo MGU, 1990. -336 s.
34. Kdirniyazov M.-SH. O roli Xorezma v yevraziyskoy torgovle XIII-XV vekov // ONU., -T.: 2000, №1, s.35-41.
35. Kdqrniyazov M.-SH. Materialnaya kultura gorodov Xorezma v XIII-XIV vekax. - Nukus, «Karakalpakstan», 1989. -176 s.
36. Kdqrniyazov M.-SH. Kulturnie svyazi srednevekovix gorodov Xorezma // Arxeologiya Priaralya, Vip. –T.: «Fan», s. 92-101.
37. Kovalevskiy A.P. Kniga Axmeda ibn-Fadlana o yego puteshestvii na Volgu v 921-922 gg. -Xarkov, 1956.
38. Mambetullaev M.M. Vizantiyskaya indikatsiya iz Kuyuk-kala (Severniy Xorezm). Numizmatika TSentralnoy Azii. Vqp IV. – T.: «Ofset-Print», 1999. –s.29-31.
39. Manilov Yu.P. O puti Ibn Fadlana iz Xorezma cherez plato Ustyurt. - SA, 1979, №2, s.92-100.
40. Manqlov Yu.P.,Yusupov N.Yu. Arxeologicheskie issledovaniya karavan-saraev TSentralnogo Ustyurta // V kn.: Arxeologiya Priaralya. Vip.1. –T.: «Fan», 1982. s.93-122.
41. Masson M.E. Zolotoy medalon vizantiyskogo oblika iz Axangarana (eshe k voprosu o vzaimootnosheniyax Vizantii i Sredney zii). ONU, 1972, №7, s.29-38.
42. Masson M.E. K voprosu o vzaimootnosheniyax Vizantii i Sredney Azii po dannim numizmatiki. Trudi SAGU. Novaya seriya. Vip. XXIII. Gumanitarnie nauki. Kniga 4. – T.: 1951, s.98-108.
43. Materiali po istorii turkmen i Turkmenii. t.I, - M.-L, 1938.
44. Na sredneazitskix trassax Velikogo SHELkogo puti.Ocherki istorii i kulturi. - T.: «Fan», 1990. -196 s.
45. Nerazik Ye.E. K probleme razvitiya gorodov Xorezma //V kn.: Kultura i iskusstvo drevnego Xorezma. - M.: «Nauka», s.219-227.
46. Nerazik Ye.E. Selskoe jilishе v Xorezme (I-XIV vv.). Iz istorii jilisha i semi. Arxeologo-etnograficheskie ocherki. - TXAEE, t.9. – M.: «Nauka», 1976. -256 s.
47. Ocherki istorii Karakalpakskoy ASSR. t.1. – T.: «Nauka», 1964. -432 s.

48. Pigulevskaya N. Vizantiya na putyax v Indiyu. - M. -L.: Izd.AN.SSSR, 1951. -411 s.
49. Rtveladze E.V. Velikiy shelkoviy put. Entsiklopedicheskiy spravochnik: Drevnost i ranee srednevekove. – T.: «Uzbekiston milliy entsiklopediyasi», 1999. -280 s.
50. Rtveladze E.V. Vizantiyskie moneti i indikatsii iz Sredney Azii. -Numizmatika TSentralnoy Azii. Vqp IV. – T.: «Ofset-Print», 1999. -s.22-28.
51. Rtveladze E.V., Grajdankina N.S., Volkova I.G. Vliyanie Xorezma na keramicheskoe proizvodstvo zolotoordqnskogo goroda Madjara. -SA, 1971, №1, s.127-139.
52. Rtveladze E.V. Sferokonicheskie sosudi iz Madjar.//SA,1974,№4,s.280-284.
53. Rtveladze E.V. Mavzolei Madjara //SA, 1973, №1, s.271-277.
54. Smirnov A.P. Voljskie bulgari. Vip. - M.: Izd.Gos.ist.muzeya, 1951.-276 s.
55. Tolstov S.P. Drevniy Xorezm. - M.: Izdanie MGU, 1948. -352 s.
56. Tolstov S.P. Po drevnim deltam Oksa i Yaksarta. – M.: Izd-vo vost.lit. – 324 s.
57. Tolstov S.P. Qadimgi Xorazm madaniyatini izlab. - T.: «Fan», 1964.-440 b.
58. Xorazm tarixi. I. – Urganch, «Xorazm», 1996. -364 b.
59. Yakubovskiy A.Yu. Feodalnoe obo'estvo Sredney Azii i yego trgovlya s Vostochnoy Yevropoy v X-XV vv. //MaterialI po istorii Uzbekskoy, Tadjikskoy i Turkmeniskoy SSR. CH I. – L.: 1932.
60. G'ulomov Ya.G'. Xorazmning sug'orilish tarixi. – T.: O'zSSR FA nashriyoti, 1959. -324 b.